

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Архитектура ва Қурилиш Институти

Қўлёзма ҳуқукида

Абдуллаев Хожиакбар Абдумаликович

«Ўзбекистон тарихий шаҳарларида туризм маршрутларини
ривожлантириш ва такомиллаштириш»
(Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм
тарихий шаҳарлари мисолида)

Мутахассислик: 5А 580102 - «Архитектура тарихи ва назарияси,
архитектура ёдгорликларини таъмирлаш»

Магистрлик даражаси учун бажарилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация куриб чиқилди ва ҳимояга	
тақдим этилди.	Илмий раҳбар:
«Архитектура тарихи ва назарияси, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш»	арх.н.доц. О.М. Салимов
Кафедраси мудирипроф. Кадырова Т.Ф	Илмий маслаҳатчи: арх. и. Ш.С.Реимбаев
“ ___ ” _____ 2009	

Ташкент 2009.

Мундарижа

Кириш

- Мавзунинг долзарблиги
- Ишнинг мақсади
- Тадқиқот предмети
- Тадқиқотнинг услубияти

I БОБ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

1.1. Буюк ипак йўли

1.2. Туризм ривожланишида инсон омили

1.3. Умумжаҳон омавийлашув жараёнининг туризм индустриясини
ривожланишига таъсири

1.4. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш муаммолари

I бобга хулоса

II БОБ.

ҚАДИМГИ ХИВА ВА ХОРАЗМНИНГ ТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

2.1. Қадим Хивадаги туристик марказ

2.2. Қадимги Хоразм муҳофаа иншоотлари

2.3. Хоразмнинг қадимги шаҳарлари

2.4. Қадимги Хоразм ёдгорликларини ўрганиш

II бобга хулоса

III БОБ.

САЙЁҲЛАРГА КўРСАТИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН ШАҲАРЛАР ТАСНИФИ

3.1. Тарихий шаҳарлар структурасида туристик ташкилотларининг
tizими

3.2. Сайёҳларга кўрсатиладиган қалъалар

III бобга хулоса

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Ўзбекистан Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан 1998 йил 12 январда чиқарилган "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги фармон кенг жамоатчилик орасида кўтаринки рух билан қабул қилинди /1/.

Фармонда таъкидланишича ўн минглаб нодир музей экспонатлари халқимизнинг буюк ўтмишиҳақида маълумот беради. Олтин меъросимизга назар ташласак ва унинг бойлиги ҳамда чуқур маъноси билан танишсак, Ватанимизнинг буюклигини англаймиз ва миллий ифтихор туйғусини хис этамиз.

Мазкур фармон жамиятимизнинг маънавий рух савиясини кўтаришда аҳолини, хусусан ёш авлодни маърифий тарбиялашда музейларнинг аҳамиятини оширади.

Ҳозирги кунда тарихий шаҳарларимизни томоша қилиш, ўзбек меъморлигидан баҳраманд бўлиш учун ташриф буюраётган сайёҳлар, тарихчилар, олимлар сони кундан кунга ошиб бормоқда /2/.

Юртимиз мустақилликка эришгач қўшни республикалар ва дунё мамлакатлари билан халқаро алоқаларнинг аҳамияти тобора кучайиб бормоқда. Евроосиё минтақасининг марказида жойлашган, жанубдан тоғлар билан, шимолдан саҳролар билан халқаро транзит йўллардан узилган, денгиз йўлларида олисда жойлашган. Ўзбекистон учун куруқлик коммуникациялари жуда муҳимдир /3/.

Ҳаво йўллар, автомобил ва темир йўл транспорти бугунги кунда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий аҳамият касб этади.

Маълумки, йўллар давлатнинг халқ хўжалиги комплексини шаклланишида, инсоният жамиятининг динамик (ҳаракатчан) ривожланишида ҳал қилувчи рол ўйнайдилар. Айнан шу сабабли ёш, мустақил давлат - Ўзбекистон Республикаси ва унинг Президенти И.А.Каримов раҳбарлигидаги Осиё минтақасидаги қўшни давлатлар билан юқори иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги илк қадамлар, бир

томондан Эрон, Туркия орқали Ўрта Ер денгизига, бошқа томондан Хитой орқали Тинч океанига чиқувчи, Марказий Осиёнинг ёш, мустақил давлатлари чегараси орқали ўтувчи Трансасиё автомобил ва темир йўллари куриш тўғрисидаги келишувга йўналтирилгандир /4/.

Катта Ўзбек Йўли, Буюк Ипак Йўлининг бир тармоғи ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси пойтахти - Тошкентдан бошланиб 1000 км.да республиканинг 7та вилоятини босиб ўтади.

Йўл - Тошкент, Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Хива, Бухоро, Термиз, Қарши каби туман марказларидан ўтади. Бундан ташқари майда шаҳарчалар ва аҳоли пунктларини халқ хўжалиги функциялар комплексини бажаради. Бундан келиб чиққан ҳолда янги вазифалар пайдо бўлади (давлатлараро юкларни ташиш) хорижий туристлар оқимини кучайиши /5/.

Ўзбекистонда туристлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, 1996 йил "Ўзбектуризм" миллий агентлиги 600 мингдан ортиқ сайёҳларни қабул қилди. Уларнинг 170 мингтаси хорижий туристларга тўғри келади. Бу кўрсаткич 1995 йилга нисбатан 3 бараварга кўпайган.

Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Президент И.А. Каримов ушбу омилнинг долзарблиги ва муҳимлигини тушунган ҳолда, Республикада автосервисларнинг инфраструктурасининг ривожланиши борасида қатор кўрсатмалар ва қарорлар ишлаб чиқилди.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 декабрдаги "2000 йилгача бўлган даврда Республика автомобил магистрал йўллардаги автосервислар инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорида йўл ёқасидаги хизмат кўрсатиш объектлари ва йўлларининг курилиши, қайта таъмирланиши тўғрисида аниқ дастурлар берилди /6/.

Ушбу дастур Ўзбекистон халқи ҳаётидаги яна бир бошқа муҳим тадбир билан мос келди, яъни Марказий Осиёда Буюк Ипак Йўлининг қайта тикланиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Маълумки 1947 йилда кўриб битказилган Катта Ўзбек Йўли (КЎЙ) Буюк Ипак Йўлининг бир тармоғи ҳисобланади. Авваллари, у Буюк Лаъл Йўли

бўлган, уорқали Марказий Осиёдан Яқин Шарқ мамлакатлари - Суғд, Хоразмга олтин, кумуш, темир, лаъл, мис етказиб берилган. Ушбу йўллардан Александр Македонский ҳам кенг фойдаланган. Бухақда ёзма ва археологик материаллар, карвонсаройлар, сардобалар, аҳоли турар жойларининг тадқиқотлари гувоҳлик беради.

Ушбу йўналишда бир нечта майда тармоқлар мавжуд бўлган ва улар ўз навбатида Марказий Осиёнинг ўтроқ туманларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида савдо ва айрибошлашни кучайтирган. Хитойнинг қадимги пойтахти бўлмиш Сианьдан, кўчманчи аҳоли истиқомат қилувчи чўллардан, Лобнор кўлида тарқалиб кетиб, Текла-Макон саҳросини айланиб ўтиб, Қашғар, Ёркент орқали Марказий Осиёга йўналган карвон йўллари ўтган. Шундай қилиб, ҳозирда ҳам инсонларга хизмат қилиб келаётган транзит-хабарлаш, савдо ва айрибошлаш йўллари шаклланган. Ушбу трассанинг кўп тармоқлари Амударё кечими, Чоржуй, Термизга тўғри келган. Ўрта асрларда Чоржуй орқали Окс дарёси бўйлаб Бухорога йўналган йўллар бўлган. Амударёнинг оқими бўйлаб йўллар шимолга, Хоразмга қараб кетган, жанубга Термиз ва Керки орқали Балх ва Ҳиндистонга олиб борган.

Чоржуй бу Хуросондан Мовароуннаҳр ва Хоразмга олиб борадиган йўлларнинг бирлашув жойи ҳисобланади. XIV асрда шу номни олади, яъни Чоржуй - "Тўрт оқим" деган маънони англатади. У ўз навбатида транзит пункт ва қулай кечим функцияларини бажарган.

Ўрта асрнинг бошларида Хитой Марказий Осиё халқлари билан савдо ва дипломатик алоқаларидаги муҳим товар бу ипак ҳисобланган. Хитойнинг ғарбий дарвозасис - Чанъаньдан Европага 6000 км.йўл босиб ўтган. Уни ишлаб чиқариш технологиясини минг йиллар давомида Хитой усталари томонидан сир сақланган. Ушбу йўлларнинг асосий миқдори Марказий Осиёнинг саҳро ва тоғли йўлларида, Рим, Венеция, Қуддусгача олиб борган. Ипакдан ташқари карвонлар бронза, чинни, мўйналар олиб ўтганлар. Бундан ташқари бу йўллар орқали фикрлар, технологиялар, санъат ва дин бошқа мамлакатларга етказилган ва шу орқали маданиятлар бойиган.

Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Хива, Андижон, Бухоро каби шаҳарларда савда ва элчилик карвон йўллари XIV аср ўрталарида ўз аҳамиятини сезиларли даражада ёқотди. Темурнинг ўлиmidан сўнг (1405 йил) ва доимий сиёсий бошбодоқликлар ва иқтисодий, маданий инқироз натижасида Марказий Осиё минтақаси Шарқ ва Ғарбўртасида воситачи сифатида нуфузи йўқолди. Бунга яна Хитойнинг сиёсий ҳолати ва XV асрда Васко да Гамма томонидан Узоқ Шарққа олиб борувчи денгиз йўлларининг очилиши каби омиллар ҳам таъсир қилди.

Салкам 1500 йил Шарқ ва Ғарбни бирлаштириб турган "Ипак Йўли" бор йўқ аҳамиятини йўқотди.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда туризмни ривожланишига Республикадаги экскурсион - туристик ташкилотларнинг хўжалик юритишининг янги методларга, тўла хўжалик ҳисобига, ўз - ўзини молиялаштиришга ўтиши таъсир кўрсатди. Шунга биноан мамлакатга туристларнинг оқими кучайди, маҳаллий туристик ташкилотлар фаоллик билан фаоллик кўрсата бошладилар.

Шу билан бирга Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хиванинг дуёга машҳур архитектура ёдгорликлари сифатидаги улкан туристик имкониятлари кам ишлатилади ва ўзининг сифати билан жаҳон стандартларига жавоб бермайди.

Ҳар бир давлатдаги туризмни айниқса автотуризмни бюджетдаги аҳамиятини баҳолаш учун жаҳон амалиётига мурожат қилиш мақсадга мувофиқдир.

1990 йили хорижий туристларга хизмат кўрсатиш орқали тушган даромад жаҳон бўйича 209 млрд. долларни ташкил қилган. Товарлар ва хизматларни экспорт қилишда умумий кўламдаги хорижий туристларнинг хиссаси 5-6% ни ташкил қилади. Тадқиқотларнинг натижасига кўра, туризм инсонларнинг бирламчи эҳтиёжларига айланиб бормоқда. Барча ривожланган мамлакатларда саёҳат учун кетган маблағ, озик-овқат, турар жой, соғлиқни сақлаш, кийим-кечак учун сарфланадиган маблағлар билан деярли бир хилда

бўлади. Жаҳонда саёҳат қилувчи инсонларнинг айнан туризм учун кетадиган сарф-харажатлари йилига бир неча триллион долларга етади. Туризм - бу бандликнинг муҳим воситасидир. АҚШда ушбу соҳада қишлоқ хўжалиги, автомобил, электроэнергия, темир қуйиш ва текстил соҳаларига қараганда кўпроқ инсонлар фаолият юритадилар. Бундан ташқари Германия, Франция, Буюк Британияда ҳам айнан шу ҳолат кузатилади.

Туризмнинг яна шундай хусусияти борки, у сарф қилинган капиталларни, кўп маротаба ишлатилган ресурсларни ўрнини тез қоплайди ва капитал оборотининг тезлик билан ажратиб туради.

Республикада туризмни ривожланишининг 2та асосий йўналиши мавжуд: хорижий туристларни жалб қилиш ва моддий-техник базани ташкил қилиш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда туризм йўналишининг улуши Ялпи Миллий Махсулотнинг 1% ини ташкил қилади, хорижий туризмнинг кўрсаткичлари эса, ушбу 1%нинг атиги 100 улушини ташкил қилади.

Шунингдек, АҚШда ушбу рақам - 13%ни, Францияда - 20%ни, Австрияда - 17%ни, Грецияда - 47%ни ташкил қилади.

Буюк Ипак Йўлининг асосий пунктлари ҳисобланган, қадимги Шарқнинг маданият марказлари сифатида танилган шаҳарларда хорижий ва маҳаллий туристларга кўрсатиладиган хизматлар кўлами умумий туристик - экскурсион хизматлар кўламидан 10%дан кам миқдорни кўрсатади.

Сўнги йилларда ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан республикада халқаро. ва маҳаллий туризмни ривожланишига бағишланган қатор дастурлар тасдиқланди /1/.

Туризмдаги умумиқтисодий вазият ҳам миқдор жиҳатдан ҳам сифат жиҳатдан ўзида муҳим ўсиш хусусиятини акс эттиради. 1995 йилдан ҳозирги кунга қадар 500 минг туристга турли хил хизматлар кўрсатилди, уларнинг 80 мингтаси хорижий туристлар ҳисобланади. (1994 йили 350 мингта турист ва 46 минг хорижий туристларга хизмат кўрсатилди). "Соф" туризмдан 800 млн. сўм ва 12 млн. АҚШ долларидан даромад олинган. Туризмдаги

даромадлар (ўзида халқаро амалиётда қўлланиладиган хизмат кўрсатишнинг барча турларини мужассам этган ҳолда) Республикада сўнги йилларда миллий даромаднинг 12 дан 15 % ни ташкил қилди.

Хусусийлаштириш натижасида "Ўзбектуризм" миллий агентлигида номерланган меҳмонхона фондининг 8119 жойи қолган, уларнинг 30 % 3-4 юлдузли халқаро стандартларга жавоб беради. Бундан ташқари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хивада 3 та янги меҳмонхоналар шулар қаторига киради /8/.

Юқорида таъкидлаганимиздек, КУИ 1947 йилда кўриб битказилган. Шунданбери йўлнинг ҳолатини янгилаш ишлари ва ижтимоий-маиший, маданий хизмат кўрсатиш, туристик объектларни қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Республикада туризмнинг моддий базасини мустаҳкамлаш борасида, аҳолига туристик-экскурсион хизмат кўрсатишни мукамаллаштириш ва кенг йўлга қўйиш борасида улкан ишлар қилинди. Автотранспортда саёҳатлар кенг ривожланди. Республикада 540 та автобус маршрутлари фаолият юритмоқда, уларнинг 70 % КЎЙ дан ўтади. Шу билан бирга КЎЙнинг "жихозланиши" жахон стандартларидан сезиларли даражада ортда қолмоқда. Турли хил мотеллар, автомобил ижара пунктлари етишмайди, кемпинглар ва бошқа автотранспортда саёҳат қилувчи туристларга хизмат кўрсатиш шаҳобчалари кам қурилган.

Сўнги йилларда хўжалик юретишнинг янги усулларига ўтиш билан боғлиқ даврда трассада автотранспортда саёҳат қилувчи ва транзит туристларга хизмат кўрсатувчи энг зарур объектлар қурилди. Булар асосан ДАН постлари, техник хизмат кўрсатиш станциялари, савдо расталари, ресторанлар, бозорлар, чойхоналар, кафелар, магазинлар, туман марказларига чиқиш йўллари дидир.

Ушбу объектларнинг барчаси бетартиб тарзда, ҳеч қандай режа-дастурсиз қурилмоқда.

Шунга қарамасдан ушбу объектларнинг қурилиши комплекс хизмат кўрсатишга эҳтиёж кўп бўлган жойларни кўрсатади. Улар одатда занжирсимон транспорт йўллари, шаҳарларга, туман марказларига, туман чегараларига, маданий-тарихий жойларга ва диний марказларга кириш-чиқиш йўллари ҳисобланади.

Автомобиллашув даражаси юқори бўлган капиталистик мамлакатларда автотуризм ташкилотлари миқдор жihatдан кўпдир. Улар мотеллар, кемпинглар ва ротеллар.

Мотель — автотранспортда йил бўйи ёки аралаш иш билан машғул бўлган тўла комплексда меҳмонхона ва автотранспорт учун техник хизмат кўрсатувчи ташкилот (номерлар санузел билан жихозланадилар, ресторан ёки ошхоналари, техник хизмат кўрсатиш станцияси ёки таъмирлаш устахоналари, АЁҚШ бўлиши керак).

Кемпинг - автотранспортда саёҳат қилувчилар учун барча хизмат кўрсатиш турларининг ихчамлашган кўринишидаги мавсумий ташкилот (ётоқлар енгилроқ уйларда ёки палаткаларда санузел билан жойлаштирилади; автомобилларни унча катта хажмда бўлмаган таъмирини амалга ошириш учун устахоналар ва баъзи ҳолларда АЁҚШлар ҳам учраб туради).

Ротель - трейлерларда (ғилдиракли уйларда) саёҳат қилувчиларга хизмат кўрсатувчи мавсумий ташкилот.

Унча катта бўлмаган мотель ва кемпинглар павильон типиди, алоҳида блоклар ва баъзида бир-бири билан боғлиқ шийпон ҳолдаги ўтиш йўлларида ташкил топган ҳолда бўлади. Катта миқдорда автомобилларучун мотеллардан жой ажратилади (200 автомобил жойлари) ва улар кўпқаватли бўлади.

Хорижий мамлакатларда мотель ва кемпинглар одатда туристик объект об-хаво шароитлари, йўлларнинг хусусиятлари, кундузги автомобиллар қатнови билан узвий боғлиқ ҳолда, маълум оралиқ (интервал)да қурилади. Ушбу масофанинг ўртача узунлиги 150-200 кмни ташкил қилади. Бундай бирлашмаларда қисқа муддатли дам олиш учун хизматларнинг ҳамма тури

туристларга тавсия қилинади. Курорт зоналарида узоқ давом этадиган дам олиш учун мотеллар тўла хизматлари тақдим қилинади.

Ўзбекистон иқлимига мос келадиган мавсумий хусусиятга эга бўлган ташкилотлардан бири бу кемпинглар мос келиши мумкин.

Ҳозирги замон туризм ривожланиши кенгайиб бораётган бир пайтда бу соҳа мутахассислари олдида ечилиши қийин ва оғир бўлган масалалар кўндаланг кўйилмоқда.

Хоразм археологик-этнографик экспедицияси, Ўзбекистон археологик-этнографик экспедициясининг Қорақолпоғистон бўлими ва Туркменистон фанлар академияси археологлари томонидан Хоразм воҳаси бўйича кўплаб илмий, тарихий ва маданий ҳужжатлар ўрганилган. Улар Хоразмнинг катта-кичик қадимги шаҳарларини, Урганч ва Хива каби шаҳарларни, уларнинг химоя деворларини, қаерларини ўрнатишган. Афсуски буни билувчилар озчиликни ташкил қилади. Хоразм тарихини ўрганишда кўпчилик сайёҳлар фақат Хива обидаларини ўрганиш билан чегараланадилар.

Ваҳоланки, бу кўҳна тарихни ўзида мужассам этган обидалар қаторида Хоразм вилоятини Амударё билан ажратиб турувчи Қорақалпоғистон Республикасининг Эллик қалъа туманида жойлашган қадимги қалъаларимизни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Буларга Тупроққалъа, Кўйқирилган қалъа, Бургут қалъа, Жонбос қалъа, Аёз қалъа, Гулдурсун қалъа, Акчахон қалъа, Тошхирмон қалъа ва бошқа туманларда жойлашган Думан қалъа, Қаватқалъа, Ой қалъа, Кул қалъа, Қириққиз қалъа, Бозор қалъа, Кукча қалъа, Довут ота қалъаси, Пирлитов қалъа ва бошқа бир қанча қалъалар, Султон Увайс Қорайний каби зиёратгоҳлар мавжуд. Бу тарихий обидалар Ўрта Осиёнинг меъморчилик тарихи дарахтида етилган мевалар бўлиб, унинг илдизлари эса том маънабада қуруқер қаридадир. Зотан археологик экспедициялар йилдан-йилга ер қатламларида кўмилиб ётган икки минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган иншоотларнинг қолдиқларини очмоқда. Уларнинг юксак шаклларида архитектурани санъат тарзида намоён этувчи боболаримиз юксак диду ақл-заковотлари

муҳрланган. Замон талаби Ўзбекистонда Эко Туризмни ривожлантиришга кенг имкониятларни очиб бермоқда.

Мавзунинг долзарблиги шуки, туризмни ривожлантириш борасида бу қадимий қалъаларни очиб осмон тагидаги туристик маршрутини яратиш, ҳозирги маршрутдаги камчиликларни бартараф қилишдан иборат.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қадимги Хоразм қалъаларида туристик маршрутлар яратиш олимларимиз томонидан ҳам ўрганилган. Жумладан, СП.Толстов қадимги Хоразм ҳудудида археологик экспедициялар ўтказиб, қалъалар тарихида номаълум бўлган маълумотларни ўрганган /9/.

Я.Ғуломов Хоразм давлатининг суғориш тармоқларининг ривожланиши, тараққий этишини том маънода асослаб берган /10/.

М.Маметбулаев археологик изланишлар натижасида Хоразм маданияти ва шаҳарларнинг тарихий қатламлари тўғрисида қимматли маълумотларни кенг оммага ўз асарлари орқали етказган /11/.

И.Жабборов Хоразм шаҳарларининг пайдо бўлиш тарихини ўрганиб, бир-бирлари билан таққослаган /12/.

Г.А.Пугаченкова Жомбос қалъа, Анка қалъа, Тупрок қалъа, Қўй қирилган қалъа шаҳарларининг меъморлигидаги деворий суъратлар, Хоразм маданияти бўйича кўп изланишлар олиб борган ва бу борада санъатшуносликига ўз фикрлари билан кўп хисса қўшган /13/.

В.А.Булатова Ўзбекистон тарихий шаҳарларини ўрганиш билан бир қаторда Амударё қуйи оқимидаги шаҳарларнинг тарихий топографияларига асосланиб, тарихий ривожланишни ва шаҳарлар маданиятини ўрганган /14/.

Л.Ю.Манковская, В.А.Булатова Хоразм меъморлиги санъатининг ўзига хос жиҳатларини ёритиб беришган /15/.

П.Ш.Зоҳидов Хоразм меъморий ёдгорликларининг геометрик мутаносибликларини, нақшларнинг тузилишини таҳлил қилган /16/.

Артемов қадимги Хоразм шаҳарларидаги, хусусан, ҳозирги Туркманистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм

вилоятидаги тарихий шаҳарларда туристик маршрут яратиш борасидаги дастлабки таклифларни ишлаб чиққан.

Ишнинг мақсади. Хоразм тарихий шаҳарларига ташриф буюрувчи сайёҳларни фақат Хива шаҳрини томоша қилиш билан чекланмасдан. Қадимги қалъаларимизни томоша қилишлари учун имкониятлар яратиш, сайёҳлар томоша қилишлари учун қулай туристик маршрут яратиш.

Тадқиқот предмети. Хажми ва чегаралари. Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти Хива. Урганч шаҳарлари. Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний ва Эллиқ қалъа шаҳарларидаги тарихий шаҳарларида туристик маршрутни яратиш.

Тадқиқотнинг услуги ўз ичига амалий текширувлар, эксперт сўрови, амалий текширувлар натижасида олинган қийматли таҳлил қилиш, шу муаммога бағишланган адабий манбааларни ўрганиш, архив, график, картографик манъбаларни таҳлил қилиш, маршрут ташкил қилиш зарур бўлган шаҳарларда бевосита кузатув ишларини олиб бориш ва фотографик маълумотлар тўплаш.

Ишнинг янгилиги. Ўзбекистон туристик маршрутлари қаторида яна бир маршрут яратиш ва тавсиялар бериш.

Ишнинг амалий ва назарий қиймати. Мавжуд маршрутдаги камчиликларни бартараф қилиш учун тавсиялар бериш.

Ҳимоя предмети. Яратилаётган маршрутнинг долзарблиги, ҳозирги маршрутга берилаётган таклифлар ва замонавий маршрутда қўлланилишимумкин бўлган тавсиялар ҳимоя қилинади.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

1.1. Буюк ипак йўли

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли улкалар ва тарихий-маданий вилоятларни боғлаб турувчи маълум маънодаги карвон йўллари тартиби ҳамда маданий, сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий алоқалари илдизи неолит даври (мил. авв. VI - IV минг йилликлар) билан боғланади. Чунки айнан мана шу даврда Ўрта Осиёда илк дехқончилик маданияти пайдо бўлиб янги ерлар ахоли томонидан жадаллик билан ўзлаштириб борилади. Бу жараён бронза даврига келиб янада кучаяди.

Бу даврга келиб Ўрта Осиёда кўп сонли қабилалар ва этник гуруҳлар жойлашган бўлиб, Қорақум ва Қизилқум чўлларининг ички худудлари ҳамда Помир ва Олойнинг юқори минтақаларидан ташқари барча худудлар ўзлаштириб бўлинган эди. Бу худудлардаги моддий маданият умумий ҳолатда икки гуруҳга - чорвачилик хўжалиги сохиблари бўлган Андроново тарихий-маданий жамоалари (шимолий минтақа) ва дехқончилик хўжалиги юритган Намозгоҳ тарихий маданий жамоаларига (жанубий минтақа) бўлинади. Улар ва уларга қўшни бўлган худудлар ўртасида турли алоқалар мавжуд эди. Ушбу алоқалар чорвадор ва ўтроқ дехқончилик ахолиси ўртасида алмашинув - савдо муносабатларининг жадаллашувига имконият яратди. Маълум худудларда тайёрланган махсулотлар ёки хом ашёнинг бошқа бир худудлардан топилиши шу жараёндан далолат беради. Мисол учун, Андроново маданиятига хос идишлар Марғиёна, Бақтрия, Суғдиёна худудларидан топилган бўлса, Хоразмда тайёрланган сопол ва металл буюмлар шимолий худудларда кўплаб учрайди. Замонбобо ва Гужайли ёдгорликларидан Бадахшон ложувардидан тайёрланган махсулотлар топилган /17/.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадимги савдо-транзит йўллари бронза давридаёқ пайдо бўлади. Кўпчилик тадқиқотлар бу

йўлни «Ложувард йўли» деб атайдилар. Бронза давридаги Ўрта Осиёнинг савдо йўлларида бири Бактрия ва Марғиёни қадимги Хоразм, Суғдиёна, Марказий Қозоғистон ва Урал билан боғлаган. Мил.авв. III минг йилликда Месопотамияда Бадахшон ложуварди машхур бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бронза давридаги яна бир йўл Бадахшондан жануби-шарққа томон Афғонистон орқали Ўрта Осиёнинг қадимги халқларини Месопотамиянинг шаҳарлари - Ур, Урук, Киш, Лагаш ва бошқалар билан боғлаган. Бронза даврининг учинчи йўли Ўрта Осиёнинг жанубидаги Бактрия ва Марғиёни Ҳиндистондаги Ҳараппа ва Эрондаги Мохинжо Даро маданият марказлари билан боғлаган. Мил.авв. II минг йилликка келиб Фарғона ва Шош ҳудудлари ҳам қадимги Шарқ билан алоқалар ўрнатади. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра бу даврда Месопотамия шаҳарларидан чиққан савдо йўллари Эрон ва Жанубий Туркменистон орқали Бактрия ва Суғдиёнадан ўтиб Фарғонага келган. Бу йўлнинг бир тармоғи Фарғонадан Барбга Қозоғистон чўллари орқали Урал ва Волга бўйига кетган. Яна бир тармоғи эса Фарғонадан шарққа Довон орқали Синцзян, Шимолий Хитойга кетган.

Бронза даври йўлларида қатнаган от, эшак ва туя қарвонлари орқали қимматбаҳо тошлар, фил суяги, металл ва ундан ишланган буюмлар, тақинчоқлар, баъзи ҳолларда майда чорва ва галла ташилган. Турли ҳудудлардан топилган археологик топилмалар шу жараёнлардан далолат беради.

Мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмига келиб Греция - ва Мисрдан Ўрта Осиё ва Ҳиндистонга қадар улкан ҳудудларда ташкил топган ахмонийлар давлати кўпгина давлатлар, халқлар ва элатларнинг турли томонлама муносабатларида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ўринда айниқса, бу даврда пайдо бўлган ва тарихий адабиётларда «Шоҳ йўли» деб аталувчи йўлнинг аҳамиятини ҳам таъкидлаш жоиздир. Бу йўлнинг бир тармоғи мил.авв. VI-IV асрларда Кичик Осиё шаҳарларини ҳамда Ўрта Ер денгизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг марказларидан бири Суза

билан боғлаган бўлса, яна бир тармоғи Эрондан Бактрия орқали Суғдиёна, Тошкент воҳаси ва Қозоғистон ҳудудларидан ўтиб Олтойгача борган.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, мил.авв. III асрнинг охири — II асрларда халқаро аҳамиятга ва аниқ йўналишга эга бўлган савдо-транзит йўли шакллана бошлайди. Бу йўл XIX асрнинг иккинчи ярмида (1877) немис олими Фердинанд Паул Вильгельм Рихтгофен томонидан дастлабки марта «Ипак йўли» деган ном олди ва кейинчалик бутун дунё тадқиқотчилари томонидан «Буюк Ипак йўли» деб эътироф этилди /17/.

Буюк Ипак йўлининг қисқача тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Ханампериясининг Уди ҳукумронлиги даврида (мил.авв. 140-86 йй.) мамлакатнинг ғарбий ҳудудларига бўлган қизиқиш кучаяди. Хитойликлар бу ҳудудларда ўша даврда анча хавфли бўлган харбий кучлар - хуннлар билан тўқнашадилар. Хуналарга қарши курашда иттифоқчилар топиш ва улар билан харбий иттифоқ тузиш мақсадида император Уди мил.авв. 138 йилда дипломат, саёхатчи ва савдогар Чжан Цзянни Ўрта Осиёга жўнатади. Чжан Цзян бир неча йил хуналар кўлида асирликда бўлади ва мил. авв. 128-126 йилларда Фарғона (Довон)га келади. Довон ҳукмдорлари билан харбий иттифоқ тузишда муваффақиятсизликка учраган Чжан Цзян кўп қийинчиликлардан сўнг юртига етиб келади. Чжан Цзян миссияси Хитой учун Ғарбий ўлкаларга чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кейинчалик Хитой императори билан Довон ҳукмдорлари ўртасида қонли урушлар бўлиб ўтди. Бу урушларга асосий сабаб хитойликларни хайратга солган Довон «самовий отлари» эди.

Мил. авв. 111-105 йилларда император Уди Парфия (Хитой манбаларида Аньси деб эслатилали) подшоларига, Қанг ҳукумдорига, кейинроқ эса Бактрия ерларига (Кушонлар) ўз элчиларини жўнатиб улар билан дипломатик-савдо алоқаларини ўрнатади. Шу тариқа, мил.авв. II-I асрларда Шарқ билан Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўлига асос солинади. Ўз даврида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўлнинг дастлабки тармоғи

Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган.

Хитойнинг Аноси шаҳрига келиб, Ипак йўли бир неча тармоқларга бўлиниб кетган. Хусусан бир тармоқ Аноси-Ҳами-Қашғар орқали Қўқонга, ундан эса Тошкентга ўтган. Бу ердан Жиззах ва Самарқанд орқали Бухорога келган йўл Урганч орқали Гурьевга, у ердан Оксарой орқали Қора денгиз бўйларига чиққан. Яна бир тармоқ эса Дунхуан орқали Хутанга, ундан Лохурга ўтиб кетган.

Ундан ташқари, Бухорога келган тармоқ иккига бўлинган. Бу тармоқнинг жанубий йўналиши Бухоро-Қарши-Гуздор-Кеш-Термиз орқали Нишопурга ўтган ва Ҳирот орқали Ҳиндистонга ўтиб кетган. Нишопурдаги тармоқлардан бири Теххон-Қазвин-Ҳамадон-Боғдод-Палмира йўналиши бўйлаб Ўрта Ер денгизи бўйидаги Тир шаҳригача чўзилган. Умуман олганда Ипак йўлининг жанубий тармоғи Ўзган орқали Ушга ўтиб, Қува-Марғилон-Қўқон орқали Хўжанд, Самарқанд, Бухорога ўтган. Шимолий йўналиши эса Хазар хоқонлиги ва Булғор давлати орқали Киев Русси ва Европа мамлакатларига бориб, бу тармоқ VI асрдан бошлаб ривожлана бошлаган. Ипак йўлининг асосий қарвон йўлларида ташқари ички савдо йўллари ҳам мавжуд эди.

Мил.авв. I минг йилликнинг охири - милодий I минг йилликнинг бошларига келиб Тинч океанидан Атлантика океанига қадар чўзилган улкан географик ҳудуд маданияти юксак ривожланган цивилизацияларнинг ягона тизимига бирлашади. Бу ҳудудда жойлашган давлатлар - Хитойдаги Хан салтанати, Кушон подшолиги, Қанг давлати, Парфия давлати, Рим салтанатининг чегаралари бир-бирига туташ эди. Ушбу забардаст салтанатлар ва цивилизациялар марказлари инсоният тарихида биринчи бўлиб «Буёқ Ипак йўли» деб номланувчи бир йул билан боғландилар. Умумий узунлиги 12 минг км бўлиб, Хитойдан Ўрта Ер денгизининг шимолий қирғоқларига қадар чўзилган бу йўл орқали кўпгина халқлар ва элатлар турли томонлама муносабатлар ўрнатдилар. Подшоларнинг ўзаро

элчилар юборишлари, бир-бирларига хар хил совгалар инъом этишлари анъанага айланди. Шарқбилан ғарб маданиятининг бир-бирига таъсири кучайди. Уша даврдаги кўплаб маданий ўхшашликлар хам шу туфайли юзага келди /17/.

Агар географик харитага эътибор берадиган бўлсак Ўрта Осиёни кадимги цивилизациялар ўзаро алоқалар тизимининг марказида жойлашганлигини кузатишимиз мумкин. Айнан мана шу географик жойлашув туфайли Ўрта Осиёда мухим этник жараёнлар (хинд-европа, хинд-эроний, туркларнинг кучиши) бўлиб ўтишига, маданиятларнинг ўзаро таъсир доираси фаоллашувига кенг имкониятлар яратилди. Буюк Ипак йўли бўйлаб кенг миқёсдаги савдо-сотик жараёнлари бўлиб ўтди, дипломатик шартномалар хамда харбий иттифоқлар тузилди. Осиёнинг ичкарасига ва Узоқ, Шарқда харфий ёзув ва дунё динларининг (буддавийлик, христианлик, зардуштийлик, моний, ислом) ёйилишида Ўрта Осиё халқлари улкан хисса кўшдилар. Буюк Ипак йўли фақат карвон йўли бўлибгина қолмасдан, Евроосиё халқлари цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган, унинг хар томонлама тараққий этишида улкан омил бўлиб хизмат қилган жараёндир. 1987 йилда ЮНЕСКО БМТнинг бутунжахон декларациядаси доирасида маданий ривожланиш бўйича "Буюк Ипак йўли — мулоқот йўли" дастурини қабул қилиш Ушбу дастурда Ўрта Осиё цивилизацияси тарихини хар томонлама ва чуқур ўрганишга катта эътибор қаратилан. Ундан ташқари, бу дастурнинг асосий мақсади — Шарқ ва Ғарбўртасидаги маданий ва иқтисодий алоқаларни янада чуқурлаштириб мустахкамлаш, бу улкан минтақаларда яшаётган кўп сонли халқларнинг ўзаро муносабатларини янада яхшилашдан иборат эди. 2000 йилга қадар мўлжалланган ушбу дастур асосида кўпгина экспедициялар («Марко Поло изидан», 1987, Истамбул-Пекин, «Денгиз экспедицияси, 23. X.90 Й.-23. 11.91; Хивада яқунланган «Марказий Осиё республикалари бўйлаб», 1991; "Кўчманчи маданиятлар йўналиши бўйлаб экспедиция", июн-август, 1992; "Европа Ипак йўли", 1995, (Истамбул-Леон) кўплаб илмий-амалий халқаро анжуманлар (Самарқанд,

1990; Турку, Финландия, 1993; Кипр, 1994; Бухоро, 1996; Боку, 1998) ўтказилди.

Буюк Ипак Йўлини ўрганиш ва қайта тиклашда Ўзбекистон раҳбарияти ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, республикамиз ҳудудларида уюштирилган экспедициялар натижасида кўпгина тарихий маданий обидалар ўрганилди. Қадимги йўллар ва йўналишлар аниқланди, миллий-маънавий бойлигимиз ҳамда анъаналаримиз ўрганилди. Самарқандда марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро институти очилган бўлиб, унинг асосий йўналишларидан бири Буюк Ипак йўли ва унинг бўйларида жойлашган шаҳарларни ўрганишдир. 1997 йилнинг майида Ўзбекистон ҳам ўз ҳиссасини қўшган машҳад-Сарахс, Сарахс-Машҳад темир йўли очилди. Бу билан ўрта Осиё мамлакатлари Форс қўлтиғига, Европа халқлари эса Ўрта Осиёга темир йўл орқали чиқиш имкониятига эга бўлдилар. 1998 йил Боку шаҳридаги Буюк Ипак Йўлини қуруқликда Европадан Японияга қайта тиклаш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Европа Кавказ Осиёни боғлайдиган ушбу транспорт йўли (ТРАСЕКА) қурилишида Ўзбекистон ҳам иштирок этмоқда ва бу йўл бутун дунё иқтисодиётини юксалтиришига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Антик давр Ўрта Осиё тарихида маданий ҳаётнинг турли томонлама тараққий этганлиги билан изоҳланади. Бутун дунё халқлари тарихий-маданий ривожланишида бўлгани каби бу давр ўрта Осиё жамиятининг ижтимоий ва маънавий ҳаётида диний мафкура катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу даврда ўрта Осиёнинг асосий асосий ҳудудларида зардуштийлик ва буддавийлик динлари устунлик қилишига қарамасдан улар билан бир қатор юнон динлари, монийлик ҳам ёйилган эди. Македониялик Искандар юришлари даври ва унинг ворислари (Салавкийлар, Юнон-Бақтрия) даврида Ўрта Осиё ҳудудларига Эллинизм маданияти кириб келди. Юнон динларининг кенг ёйилиши Юнон-Бақтрия даврига тўғри келса, Будда динининг кенг ёйилиб давлат дини даражасига кўтарилиши Кушонлар

даврига тўғри келади. Кушон даври охирларига келиб эса моний дини ёйилади.

Ўрта Осиё мил.авв. II-I асрларга келиб юнон-македонлар ҳукмронлиги тугаган бўлишига қарамай эллинизм маданияти моддий ва бадий маданиятда ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Эллин худолари – Геракл, Гефест, Дионис, Афина кабиларга сиғиниш кучлилигича қолаверади бу худолар тасвирлари Кушон подшолари тангалари ва ҳайкалларда ўз аксини топган. Ундан ташқари, юнон-алифбоси асосида ташкил топган бақтрия ёзуви ҳам сақланиб қолди. кушон даври эллинизм маданиятига оид топилмалар Ўрта осиенинг кўпгина ҳудудларидан топиб ўрганилган.

Ўрта осие халқларининг қадимги ва илк ўрта асрлар даври маънавий ҳаётида буддавийлик муҳим аҳамиятга эга бўлди. Дунё халқлари орасида кенг ёйилган бу дин мил.авв. VI асрда Ҳиндистонда пайдо бўлади. Мил.авв. III асрга келиб подшо Ашоки даврида буддавийлик кенг ҳудудларни ўз ичига олган ҳинд подшолиги Маурьянинг давлат динига айланади. Кейинроқ. Эса Бақтрия, Суғдиёна ҳудудларига ёйилади. Айрим, Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепа каби ёдгорликларидан топилган топилмалар буддавийлик дастлаб Шимолий Бақтрия ҳудудларига ёйилганидан далолат берса, Хитой ёзма манбаалари Ўрта Осиёнинг парфия, бақтрия, Суғд вилоятларида ҳам буддавийлик ёйилганлигини тасдиқлайди.

Антик давр охирларида кенг тарқалган динлардан яна бири монийлик динидир.

Монийлик дини аҳолининг камбағал ва ўрта табақаларини кенг жалб этган «ким бой бўлса, ўша қашшоқ бўлади, садақа сўрайди ва катта ғам-аламнибошидан ўтказади» деган ижтимоий шиорни илгари сурди.

Зўр бериб ташвиқот қилиниши натижасида монийлик дини ҳали Моний ҳаётлик вақтидаёқ нафақат Эрон, балки Месопотамия, Кичик Осиё, Рим, Шарққа ва Ўрта Осиё ҳудудларига ёйилди. Монийнинг ўзи шундай таъкидлар эди: «Менинг диним ҳар бир давлатга ва ҳар қандай тилда тушунарли бўлади ва узоқўлкаларга ёйилади».

Моний таълимоти Эрондаги ҳукмрон доиралар ва зардуштийликкоҳинлар орасида қаттиқ норозиликларга сабаб бўлганлиги туфайли подшо Варахрон I даврида (273-276 йй.) Моний зиндонбанд қилиб қатл эттирилади. Унинг тарафдорлари қувғин остига олинганидан сўнг, катта қисми Ўрта Осиё ҳудудларига кўчиб ўтади. Бухақда араб тарихчиси Ан-Надим маълумотлар беради. Кейинроқ монийлик таълимоти Ўрта Осиёга анча кенг ёйилади. Унинг марказлари Мари, Самарқанд ва Чағаниён эди.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, антик давр ўлкамиз ҳудудларидан кўплаб ибодатхоналар очиб ўрганилган. Асосан Кушон даврига оид бўлган бу ибодатхоналар режавий тузилиши жиҳатидан турлича бўлиб, улардаги топилмалар орасида турли катталиқдаги ҳайкаллар кўпчиликти ташкил этади. Ушбу ҳайкал ва ҳайкалчалар турли динларнинг турли-туман худолари, маъбудалари ва сиғинишлари билан боғлиқдир. Бу давр Ўрта Осиё халқларининг маданий ҳаётдаги энг катта ютуқларидан бири мил. авв. VI-II асрларда Оромий ёзуви асосида Хоразм, Парфия, Суғд кейинроқ эса Кушон (Бақтрия) ёзувининг ажралиб чиқишидир /17/.

1.2. Туризмни ривожлантиришда инсон омили

Туризм ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг халқ хўжалигида энг ноёб ва самарадор соҳага айланди. Туризм жаҳон савдосида пешқадам ўнликка чиқиб олишга эришмоқда. Бундан кўриниб турибдики, туризм бойлик манбаидир. Кўпгина мамлакатлар бу бойлик манбаидан унумли фойдаланишмоқда. Кўплаб туристик компаниялар вужудга келмоқда, улар кўплаб мамлакатларда ўз меҳмонхоналарини кўриб «меҳмонхоналар занжири»ни ҳосил қилишмоқда. Масалан, Ўзбекистонда ҳам давлат миқёсидаги туризмни ривожлантириш мақсадида Республикада "Ўзбектуризм" миллий компанияси ташкил қилинган. «Ўзбектуризм» миллий компаниясига Республикадаги барча туристик компанияларни ривожлантириш ҳамда илмий-амалий ёрдам бериш ва республикада туристик ташқи иқтисодий алоқаларни дунё миқёсида ривожлантириш вазифаси

юкланган.

Туризмни ривожланишида инсон омилининг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

Саёҳат эркинлиги. Кишининг асосий эркинликларидан бири бўлган инсон халқлари соҳасига қаратилган саёҳат эркинлиги узоқ тарихий босқичдан ўтгандир. Кишиларга сайёҳат эркинлигининг берилиши низом сифатида сиёсий чегаралар ичида ҳал қилинувчи бир муаммодир, яъни ички муаммосидир. Аввало чегараси ичида, кейин давлат чегараси сиёсатининг бошқа қарорларига кўра, саёҳат эркинлигадан фойдаланиш мумкин. Инсон ўз давлати ва бошқа мамлакатлардан хоҳлаган вақтида чиқиши ва яна у ерга қайтиб келиши мумкин. Бу низомни мамлакат ичида ва мамлакатлар орасида туризмнинг ҳуқуқий манбаи сифатида қараш керак. Бу нуқтаи назардан ҳар иш ҳуқуқда етарлича аҳамиятга олинмаса ҳам, туризм ва давлат секторидаги туризм хизматчилари бу низомларни ҳаётга тўғри тадбиққилишлари керак.

Иш таътили. Саноат ривожланишининг, авваламбор, жамиятларнинг синф қурилишига таъсирини ва ижтимоий структурадаги ўзгаришларга сабаб бўлган жараёнини бошланганини биламиз. Бу ўзгаришлардан бири ишчи ва мулк эгаси каби икки томонлама алоқаларда даставвал соғлиқни сақлаш мақсадида юзага чиққан бўлса, бора - бора жамият нуқтаи назаридан бир масалага айланиб қолди. Биринчи жаҳон уруши йилларида Англиянинг саноат шаҳарларининг бирида митингларга сабабчи бўлган бир кучга айланди. Натижада ташкилотлар, иккинчи томондан миллатларида меҳнат ташкилоти олиб борган тадбирлар натижасида Фарбмамлакатлари, яъни саноатлашган мамлакатлар парламентлари «пулли иш таътили»ни қонунийлаштирдилар. Шундай қилиб, инсон ҳақлари тушунчасига яна бир тушунча кирди. Бунинг амалиётда ҳуқуқий ҳақҳуқуқ сифатида қўлланилиши йўли билан туризм соҳасида бу бирлигидир. Иккинчидан, дам олиш масалалари соҳаси инсон учун яна Англиядаги «ёшлик» меҳмонхоналар занжирининг қурилиши бу даврга тўғри келади. Демак, 1930 йиллардаги туризмга қулай бир ҳуқуқий шароитнинг вужудга келиши хусусан,

асримиздаги халқаро туризмга ўтишга манба бўлувчи асосий характеридадир.

Ижтимоий ҳимоя. Ижтимоий ҳимоя инсон ҳақлари тушунчасини вужудга келтирган - асосий элементлардан биридир. Бу ҳам ягона маънода биров учун эртани кафолатлашдан келиб чиқади. Шахснинг вақтинча ёки доимий меҳнат қилишига тўсқинлик қилувчи вазиятлар натижасида маошини ололмаслиги ўзи ва оиласининг ҳаётига нисбатан бир қатор қийинчиликларни туғдиради. Бу кенг перспективаси ичидаги ижтимоий ҳимоя бир мамлакат халқларининг бугуни ва эртасини кафолатлашни мақсад қилган. Унинг асосий вазифаси, вақтинча ёки давомли иш фаолиятини йўқотган шахсларга ёрдам беришдан, уларнинг эҳтиёжларини кондиришдан иборат. Ижтимоий ҳимоя турли хилдаги суғурталар орқали даромадидан айрилган кишиларнинг туризм ҳаракатига қатнашишларини таъминланмок, зарур.

Туризмни социал қадрини кўп қисми бой тарихий ва маданий меросни қадрига етиш ҳамда давлатимиз халқларини иқтисодий ва социал ютуқларини, уларни табиий бойликларини эъзозлаш билан белгиланади.

Ватанимиздаги туризм темплари бир томондан ишчиларни бўш вақтини кўпайиши, моддий таъминланганлигини кўтарилиши, аҳолини маданий қадриятлари ўсиши билан белгиланади, бошқа томондан эса - актив дам олишга йўналиши ҳар йилги оқимни 5 фоиз ташкил қилмокда.

Туризм инсон учун нафақат маънавий бойлигини ошириш имконини беради. Турист, сувенирлар сотуви хизматидан ҳамда транспортдан, экскурсия хизматидан ва бошқа хизматлардан фойдаланади, бу бундай дам олиш турини нафақат социалга, балки жамиятни иқтисодий фаолиятига киритишга имкон беради /18/.

Туризмни шаҳарсозлик ривожланишига катта таъсир кўрсатишини ҳисобга олмай иложи йўқ.

Архитектура ва маданий ёдгорликларни асраб авайлаш; қадимги шаҳарларни қайта таъмирлаш ва янги шаҳарларни ободонлаштириш;

транспорт йўл қурилиши; хўжалик хизмати; маҳаллий ишлаб чиқариш ва хунармандчилик - буларнинг ҳаммасини лойиҳалашда туризмни келажакдаги ривожланиши уни сармоялар киритишида актив иштирок этишини ҳисобга олиб лойиҳалаш мақсадга мувофиқдир. Бу соҳаларга сармоя киритмасдан туризм муассасаларини лойиҳалаш нафақат туризм комфортини пасайтиради балки асосиз уни ривожланишига тўсиқ бўлади.

Туристлик мажмуаларни иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим шартларидан бири бу бизнинг мамлакатимизда маҳаллий ва чет эллик туризм учун муассасалар тизимини ягона фаолиятини ташкил қилишдир.

Маҳаллий ва чет эллик туристлар оқимини бошқариш ва туризм индустрияси муассасаларини ҳамма тизими фаолияти билан ягона моддий базани бурилувчан ишлатилиши уни самарадорлигини оширишга, муассасаларни ва ишчи кучини, айниқса сезонли туристлар кўпайиб пасайиши билан мақсадга мувофиқ ишлатилишига туртки бўлади /18/.

Ҳозирда туризм бўлиниши шароитида ҳам, туризмни ҳар бир ҳудуд ва давлат учун ягона келажак схемаларини ишлаб чиқилиши шунга асос соладики, объектларни мақсадга мувофиқ жойлаштирилиши, туристлар оқимини йўлтиришга ва шу билан бирга туризмни социал ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, архитектура ёдгорликларини ва тарихий шаҳардаги ансамблларни эски шаҳар муҳитини сақлаб қолиш архитектуравий шаҳарсозлик муаммосидир. Бу туризм ривожланишини нафақат муҳим шарт бўлган, балки шохни ҳозирги ҳаёти учун катта аҳамиятдаги муҳим вазифадир.

Шунинг ичида архитектуравий-фазовий ва функционал коммуникацион, шаҳар таъмирлаш жавҳалари чамбарчас боғланиб кетгандир. Бу архитектуравий-фазовий муҳитни ҳамда уни функционал маъносини ажралмас алоқаси ва органик бирикиб кетганлиги, шаҳарлар тизимида туризм марказларини лойиҳалашни энг муҳим асосларидан биридир.

Албатта катта шаҳарда уни кўп томонлама функционал моҳияти билан, туризм таъсири камаяди.

Аммо бу ҳолда ҳам туризм муассасалари тизимини функционал тўғриқанчалик аниқ топилган бўлса, шунчалик уни шаҳар ёдгорликлари ва тарихий муҳитини сақлашга ҳамда арихитектуравий-фазовий муҳитни шакллантиришига таъсири фойдали бўлади.

Туристтик функцияларни дастурини ишлаб чиқишда ва унинг амалга ошириш нисбатан энг қисқа вақтларни (беш-етти йил) бу билан биз таъминлаш "босқичини" режалаштирмақдамиз /18/.

Шунинг учун туризм муассасалари тизимини эски шаҳар тизимига киритиш усулларини ва турли воситалари билан бир вақтда туризмни оптимал функциявий ташкил қилишни қидириб, архитектура ёдгорликларини ишлатиш самарали усулларини қидирмоқдамииз ва қадимги ансамблларни, янги иншоотлар архитектураси билан ҳамохангқилиш йўллари топишга ҳаракат қилмоқдамииз /18/.

Археология ва архитектура ёдгорликларининг кўплиги, қадимги Хоразм худудида йиғилганлари (ҳозирда кўпқисми Қорақалпоғистонда) бу ерда пайдо бўлган қадимги цивилизацияни кузатиш имконини беради.

Ҳозирда қатор туристик маршрутлар йўлга қўйилганки улар Хоразм қишлоқлари, тарихий ёдгорликлар, улуғ аждодлар қадамжоларини туристларга таништирадидлар.

Ўзбекистоннинг иқлимий ўзига ҳослиги туристлар саёҳати дастурига дам олиш мажмуасини киритишни талаб этмоқда. Бундай мажмуани жойлаштирилиши маршрут схемаси билан боғланган бўлиши керак. Ўзбекистон бўйича маршрут тизимида дам олиш туристик мажмуани жойлаштириш жойи, табиий иқлимий шароитлар, қиш ва ёз дамолиш, спорт шароитини оптимал бирикканлиги ҳамда ўзлаштирилаётган худудни техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисобга олиш билан танланган /18/.

Асосий таълим ўрганиш маршрутлари:

1.Махаллий ва чет эллик туристлар учун олти кунлик: Тошкент (икки кун) - авиа - Самарқанд (икки кун) - авиа - Бухоро (икки кун).

2.Саккиз кунлик чет элликлар учун, 10 кунлик маҳаллий туристлар учун: Тошкент (икки кун) - авиа - Самарқанд (икки кун) -автобус, автомобиль - Бухоро (икки кун) - авиа - Хоразм (икки-уч кун).

3.Саккиз кунлик чет элликлар учун ва 12 кунлик маҳаллий туристлар учун: Тошкент (икки-уч кун) - авиа - Фарғона (икки-уч кун) - авиа - Самарқанд (икки-уч кун) -автобус, автомобиль - Бухоро (икки-уч кун).

Мисол тариқасида, туристларга хордиқ чиқаришни ташкил қилиш дастурини келтирамиз - у Хоразм худудининг туристлар бош марказидир. Тошкент, Самарқанд каби катта шаҳарларга нисбатан Хива бу кичикрок шаҳар ва у ўз маданий кўргазма муассасаларига, қайсики, туристлар унда ўз хордиқларини чиқара оладиганига эга эмас (баъзи кинотеатрлардан ташқари). Шунинг учун Хивада, бўш вақтни ташкил қилиш муаммоси деярли бутунлай, туристик муассасалар мажмуалари лойиҳалаш тизимида эчилиши лозим.

Хиванинг асосий туристик мажмуасида туристларни ўртача қолиш давомийлиги уч кундир. Бу Хоразм ва Хивани ўзини асосий обида ва ёдгорликларини экскурсияда қуриш ҳисобидандир /18/.

Биринчи келишган икки кун, сценарияли режага асосан, кундуз куни Хива, Урганч, Хоразм вилояти бўйича экскурсия учун ажратилади.

Аввалги икки кун туристлар бўш вақтлари - бу экскурсиялар оралиғидаги ва асосан кечқурунги вақт ҳисобланади. Бу вақтда туристларга Аллиқулихон Тими қаторида сувинирлар, матолар, миллий кийимлар сотиб олиш имконини беради. Полвонзода савдо қаторларида ширинликлар, ёнғоқ, магиз ва ҳоказолар сотишни йўлга қўйиш мўлжалланган.

Туристлар учун сувенирлар, тарихга бағишланган кўргазма экспозициялар "Хоразм халқ амалий санъати" деб номланган кўргазма савдоси, Муса - Туре мадрасасида намоён бўлади, Хоразм гиламлари эса Абдуллахон мадрасасида, Керамика кўргазма савдосини "Мадамин - Амин - Иноқ" мадрасасида ва бошқаларида қуришлари мумкин.

Миллий ошхонани ўзига хос хусусиятларини туристлар, Ясаул боши

мадрасасидаги дегустация марказида билишлари мумкин (ичида салкин ичимликлар, шарбатлар, кальян). Уй парандаларидан миллий ошхона ресторани Ислон Хўжа мадрасасида айвонда Чойхонани Оқ масжидда кўриб фойдаланишлари мумкин.

Кўхна аркда кечки пайт театрлаштирилган сахналар ўтказилади ва шуқаторда Хива, Хоразм тарихига оид ҳамда бу ердаги улуғ шахслар ҳақида, уларни иш фаолияти, қолдирган мероси ҳақида филмлар қўйилади.

Хоҳловчиларга шарқ ҳаммомини қуриш, унда чўмилиш имкони беради, уларни тиклаш лойиҳаси ҳозирда фақат режада.

Туристларнинг учинчи куни Хоразмда эркин қилиниши режаланмоқда. Бу кунда туристлар қизиқишларига қараб қўшимча экскурсиялар қилишлари мумкин. Бунда уларга:

- Самолётда учиб шаҳарни устидан қуриш,
- Туяда чўлда юриб юртида дам олиш,
- Бозорларни айланиш.

Бозорда нарса сотиб олишдан ташқари миллий ўйинларда ҳам иштирок этишлари мумкин. Дорбозлар чиқиши, кураш, хўроз уриштириш, қўчқор уриштириш. Масхарабозлар, ашулачилар, ўйинчи қўшиқчилар чиқишини кўришлари мумкин.

Қизикарли ва ўрганувчан бўлади: хунарамандлар, темирчи, мисчи, ёғоч ўймақори, заргар, ёғоч ўйинчоқлар, шкатулкачи, миниатюрачилар устахоналарини кўриш.

Шу бозорни ўзида балиқ пишириш, кабобхона, чойхона жойлашади. Миллий кийимдаги тарқатувчилар сомса, шарқ ширинликлари ва ёнғоқларини махсус ғилофларда сотишади.

Баҳорда, ёзда ва кузда туристлар кенг ёйилган миллий байрамларни нишонланишини кўришлари мумкин: "Наврўз" байрами, "Пахта" байрами, "Қовун сайли" ва ҳоказолар.

Ҳордиқни чиқаришга мўлжалланган лойиҳада қабул қилинган талаб коэффициентлари қатор туристик марказлари фаолиятини ҳамда маҳаллий

туристлар ва уларни харажат қилиш имконияти тахмини натижасида чиқарилган.

Ҳисоб-китоблар асосида аниқланганни бу Хоразмда сезоннинг энг гавжум пайтида бир кунда (мажмуа биринчи навбати - 1600 киши) ҳар бири ҳар куни битта бўлса ҳам "қизиқарли ошхонада" овқатланади, кўшимча экскурсияларни тахминан кунига 10% туристлар бажаради; 15-20% ҳар куни кечқурун театрлашган **томошани** ёки кўҳна Аркдаги очиқ майдонда кино кўради; тахминан 30 % ҳар куни бозорда иштирок этади.

Эҳтимол ҳар бир турист сувинир сотиб олишни, ўртача бир кунда туристни сувинирга харажати 30 чет эл валютасини ташкил қилади. Тахминан 5% туристлар шарқхаммомларини зиёрат қила оладилар, тахминан яна шунчаси шашка, шахмат, нарда ва тинч дам олиш билан машғул бўладилар /18/.

Ўзи Хоразм ҳудудини туризм маркази Хива бўлиши керак, аммо аэропорт ва темир йўл станцияси Урганчда бўлганлиги сабабли ва кўп соҳалар Урганч орқали ўтганлиги учун айнан шу шаҳар туристларни қабул қилиш ва жўнатиш маркази бўлади. Бу ерда туризм административ - информацион марказини жойлаштириш кўзда тутилмоқда, бу ерда Хоразм ичида умумий маълумотни олиб, туристларни асосий қисми Хивага жўнаб кетишади ва туризмни асосий мажмуасида жойлашадилар.

Шундай қилиб туризм тизимида Урганч транзит, оралик ва ташкилий марказ вазифасини бажаради. Бу ерда туристларга фақат баъзи хизматлар ҳавола этилади. Асосий туристик марказни Хива архитектуравий тарихий кўриқхонасида - Ичан қалъада жойлаштириш режаланмоқда.

Хивадаги Хоразм асосий туристик марказларни ташкил қилиш ва жойлаштириш бўйича лойиҳавий таклиф (объектларини қуриш ва уларни энг катта ўтказувчанлик қобиляти), оптимал шароитларни ҳисобга олган ҳолда кўриқхонани экскурсиявий кўрғазма ташкил қилишни ҳисобга олмоқда.

Ҳисобларга асосан кундузги максимал экскурсиантлар сони 1200 дан ошмаслиги керак. Кўриқхона бўйича экскурсиялар фақат пиёда юришга

мўлжалланган.

1.3. Умумжаҳон омавийлашув жараёнининг туризм индустриясини ривожланишига таъсири

XX аср - туризм соҳаси учун янгидан туғилиш, ўсиш ва улғайиш асри бўлди. Бу асрда инсоният учун мисли кўрилмаган ва кутилмаган кашфиётлар, илмий-техникавий ривожланишнинг янгича ва истиқболли йўналишлари таркиб топди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бундай натижаларга эришиши XXI аср учун янада мураккаброқва аҳамиятлироқ вазифаларни бошлаб берди.

Дунё миқёсида ижтимоий-иқтисодий глобаллашиш кучайиб бораётган ҳозирги замонда халқаро туризм соҳаси кўпгина мамлакатлар учун миллий даромад топишнинг энг самарали йўлларида бирига айланиб бормоқда. БТТ (Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти) маълумотларига қараганда, дунё аҳолисининг 3,5% и халқаро миқёсида саёҳат қилишади. 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 7,0 % га чиқиши кутилмоқди (БТТ. Мадрид, 1998). Халқаро туризмнинг ривожланиши ва талабнинг бу суръатларда кўпайиши халқаро сайёҳлар сонининг ортишига ва уларнинг сарф-ҳаражатларига таъсир ўтказмай қолмайди. Саёҳат қилган кишилар сони 563 млн (1995)дан 1062 млн (2020) га, шу билан бирга даромад 401 млрд\$ (1995)дан 2000 млрд\$ (2020)гача кўпаяди. Табиийки, халқаро туризмнинг бу суръатларда ривожланиши дунё ҳамжамиятининг бу соҳага бўлган эътиборини янги поғонага олиб чиқишига замин яратади.

XXI асрда туризм сиёсати бу инсоният учун тинчлик ва осойишталик рамзи бўлиб, ҳукуматлараро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, эркин саёҳат қилишга тўсқинлик қилувчи жараёнларни камайтириш, сайёҳларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, туристик марказларнинг барқарор ривожланишини рағбатлантириш каби муҳим масалаларни ўз ичига олган глобал сиёсатдир.

90-йилларга келиб ўзгара бошлаган туризм бозорининг тенденцияси,

халқаро туризм сиёсатига ўз таъсирини кўрсатди. Иқтисодий статистик маълумотларнинг кўрсатишича, иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотида бирлашган индустриал ғарбий давлатлар 70,0 %га яқин халқаро туризм фаолиятларини амалга оширмоқдалар. Кўпгина ривожланган давлатлар узоқ давом этган ихтисослашув натижасида, унчалик тақлид қилинмайдиган мураккаб туризм тизимларини барпо этишга эришдилар /19/.

Кейинги йилларда вужудга келаётган молия бозорларидага институционал ўзгаришлар ва янги вазият ҳам туризм соҳасида янги ихтисослашув заруратини юзага келтириши табиий. Чунки, туризм соҳасида таркиб топган янги йўналишлар ва бозор тенденциясининг ўзгарган ҳолати, молиявий инвесторларнинг инвестиция ташаббусларини қайтадан кўриб чиқишларини ва кўпгина анъанавий услублардан воз кечиб янги услублардан фойдаланишларини тақозо этади.

XXI асрда туризм ва туристик маҳсулотларнинг янгича турларига асос солиниб, жаҳон туризм бозорининг хажми кенгайиб бораверади. Бунда, глобализация жараёни муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашув жараёни иқтисодиётда ўзаро боғлиқни вужудга келтиради. Тармоқлар ва мамлакатлараро жипслашувни таъминлайди. Туризмнинг жўғрофий жиҳатдан фарқли ҳудуд ва марказларда юзага келиши туризмда талаб ва таклифнинг чегара билмас хусусияти, туристик маҳсулотнинг таркибига кирувчи фарқли хизмат турларининг бир-бирини тўлдириб бориши трансмиллий компанияларнинг туризмга бўлган қизиқишларини ортириб бормоқда. Бундай халқаро тоифадаги компаниялар ҳаво йўли транспорти, меҳмонхона бизнеси, кемачилик, банк иши, компьютер тизимлари, қарз карточкалари, саёҳат чеки, овқатланиш, дам олиш, хордиқ чиқариш хизматлари ва тuroператорлик билан боғлиқ барча фаолиятларни амалга ошириши мумкин.

Туризм индустриясидаги глобаллашув мазкур тармоқлар томонидан олигопол тузилмаларни юзага келтиради. Туризм соҳасига оид ҳар қандай иқтисодий фаолиятни ўз таркибида мужассамлаштирган бундай йирик

компаниялар, олигопол бозор шароитида фаолият олиб боришади. Шунингдек, инвестиция ташаббусларининг кенгайтишига имкон туғдиради, ресурслардан самарали ва таъсирчан фойдаланишни таъминлаб иқтисодийни глобаллаштиради. Айниқса, халқаро туризм индустрияси ривожланишида белгаловчи ва таъсирчан кучга эга бўлади.

Потенциал турист томонидан олиб қарайдиган бўлсак, бундай компанияларнинг мавжудлига хизмат кўрсатиш стандарти ва сифати, туристик маҳсулотга бўлган ишонч ва савдо белгиси (марка) имеджини белгилайди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мулкка эгаллик қилиш, асосий воситаларга қўйилма, ҳамкорлик шартномалари, маркетинг келишувлари натижасида вужудга келувчи бирлашувлар туристик маҳсулот стандарта, сифати ва ишончилигига катта таъсир кўрсатади. Ҳаттоки, туризм бозоридаги анъанавий йўналишларни ҳам ўзгартириб юбориши мумкин. Бундай бўлиши табиий, чунки ҳар бир янги тизим ўзига хос бўлган элементларини жорий қилади.

Туризм индустриясининг бошқа тармоқлари билан бирлашган ёки туризмдан ташқари ҳисобланган тармоқлар (банк иши, коммуникация ва ахбороттехнологиялари)нинг бу соҳада марказий ўринга чиқишида иқтисодий мантиқ мавжуддир.

Туризмнинг бошқа тармоқлардаги ташкилот ёки фирмалар билан ҳамкорлик ва бирлашув сабабларига қуйидагилар киради:

- Бозордаги улушини ошириш ва бозор ҳажмини кенгайтириш;
- Туризм талабини, туристик маҳсулотни ва индустрия назорат қилиш;
- Алоқадор тармоқларнинг таъсирчанлигини, сотиш ҳажмини ва самарадорлигини ошириш;
- Компаниялар гуруҳи ва гуруҳ, ичидага фирмалар учун молиявий ресурс яратиш, имтиёзли инвестиция ва менежмент кредитларига эришиш;

Юқорида кўрсатилган сабаблардан ташқари, компаниялар туризмнинг рақобат майдонидан чиқиб кетмаслик учун ҳам бирлашишга қарор қилишади. Акс ҳолда, рақобатчи индустриянинг ташқарисида қолиб кетиши

мумкин. Шу сабабли, компаниялар бошқа бирлашган фирма ёки компаниялар каби қўшма корхоналар тузишга, горизонтал ва вертикал бирлашган тизимлар ичида жой олишга ҳаракат қилишади. Бундай тузилмалар ҳар қандай индустрия ичида алоҳида аҳамиятга эга. Битта фирма ёки компания ўрнига бирдан кўп фирмалар бутунлигидан қўлга киритилган фойда ва самарадорликнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Фирмалар гуруҳи томонидан қўлга киритилган фойдани асосан бошқарувдаги фирма назорат қилади.

Туризм индустриясининг глобаллашуви табиийки, олигополияни вужудга келтиради. Олигополистик тузилмага асосланган туризм индустриясида йирик туризм ташкилотларининг назорати билан бир қаторда, бирлашган таркиб ичидаги фирмалар ўзларининг умумий самарадорлигини ҳам оширади. Фирмалар бирлашувидан вужудга келган ҳамкорлик тармоқлараро ахборот алмашинувини тезлаштириб ишларни енгиллаштиради. Натижада фирманинг иктисодий салоҳияти юксалади, маҳсулотларининг таннархи камаяди ва талаб ортади. Бирлашган трансмиллий туризм компаниялари таркибига кирувчи фирмаларни ҳар доим ҳам омадли деб бўлмайдди. Бироқ компания таркибидаги транспорт, туроператорлик, банк иши ва бошқа фирмаларнинг фойдаси катта бўлганлиги сабабли, уларнинг (яъни омади юришмаган, таркиб ичидаги фирмалар) зарарлари ҳамкорлари эвазига қопланади.

Эндиликда компьютер, электрон ҳисоблаш воситалари, ҳар хил ахборот тарқатиш (Internet, GDS, CRS, E-mail ва интерактив телевизорлар) ва қабул қилиштехнологияларининг ривожланиши туризмга алоқадор барча тармоқларни бирлаштиради. Натижада ахборот технологиясидан фойдаланиш юксак даражага чиқиб ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланади. Банклар, суғурта компаниялари ва бошқа кредит институтлари билан (туризм индустрияси ўртасидаги) алоқалар сифат жиҳатидан янги поғонага чиқади.

Ҳозирги кунда йирик ҳаво йўли компаниялари компьютерли банд қилиш тизимларига (Galileo, Amadeus, Sabre, Worldspan, Интернет ва вб.) ва

коммуникация тармоқларига аъзодирлар. Йирик туроператорлар учун туристик маршрутларни ташкил қилиш ва функционал вазифаларини амалга ошириш учун махсус компьютер дастурлари ишлаб чиқилган. Сайёҳлик агентликлари ҳам бошқа агентликларга, хаво йўлларининг терминалларига ва туроператорларнинг компьютер тармоқларига тўғридан боғлангандирлар. Кўпгина меҳмонхона гуруҳлари ҳам инвестиция ва менежмент фаолиятларида ахборот технологияларидан фойдаланишмоқда. Туризм индустриясидаги ҳар бир тармоқхисоб - китоб операциялари бўйича қарз карточкаларини назорат қилувчи банкларнинг компьютер тизимларига ва автоматик тўлов воситаларига боғлангандир. Коммуникация технологияларидан фойдаланиш

-Туризм компаниялари ва туризмдан ташқари молия, банк, суғурта компаниялари ўртасидаги ўзаро миллий ва халқаро даражадага алоқаларни мустаҳкамлайди.

Ахборот технологиясидан фойдаланувчи туризм ташкилотлари ҳар қандай иқтисодий ўзгаришларга мосланувчан бўлади. Ўз вақтида қўлга киритилган маълумот банд қилиш ва операцион ишларни амалга оширишда кенг қўлланилади. Компютерли банд қилиш технологиялари потенциал турист билан туристик маҳсулот сотувчи ташкилотларни коммуникация ва ахборот тизими орқали учраштиради. Компютер экрани туристик маҳсулотнинг нарҳини белгиловчи биржа ва сотувчи вазифасини ўтайди.

Туристик маҳсулот ва хизмат таклиф қилувчи тармоқлар, банклар, молия ташкилотлари, коммуникация тизимлари ва ахборот технологиялари биржани ташкил қилади. Туристик компанияларнинг банд қилиш тизимлари биржа марказига боғланади. Банк, суғурта, компанияларнинг биржага аъзо ёки таъсисчи сифатида кириши туризм индустриясининг имкониятларини кенгайтиради. Натижада туристик маҳсулотларнинг бозордаги ҳаракатини оптималлаштиради ва глобаллашув жараёнини тезлаштиради. Ўйлаймизки, ҳозирга кунда амал қилаётган ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини Республика туризм индустриясида қўллаш ва татбиққилиш

хам миллий, ҳамда халақаро туризмнинг глобал масштабда ривожланишига кенг имкониятлар туғдиради, шу билан бирга жаҳон андозаларида иш юритиш маданияти ва ҳамкорлик қилиш алоқаларини кучайтиради.

1.4. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш муаммолари.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотлар жараёнида туризм соҳасида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Республика Президентининг 1992 йил 27 июль Фармони билан «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси ташкил этилди. 1995 йил 2 июнда чиқарган "Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги 1999 йил 15 апрелда чиқарилган "Ўзбекистонда 1999-2005 йилларда туризмни ривожлантириш Давлат Дастури" тўғрисидаги Президент Фармонлари, "Туризм ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон халқаро туризм ташкилотининг аъзоси сифатида туризмни мамлакатимизда ривожлантиришни Жаҳон стандартларига тўлиқ риоя қилиш мажбуриятини олган. Республиканинг маркази Тошкент шаҳрида ҳамда Буюк Ипак йўлидаги йирик туристик марказларда минглаб тарихий обидалар, Улуғ алломалар мақбаралари, масжидлар таъмирланди ва қайта тикланди. Туристлар учун барча қулайликлар яратиш устида мунтазам иш олиб борилмоқда.

Аммо туризмни, шу жумладан, халқаро туризмни республикада ривожлантириш соҳасида айрим муаммолар пайдо бўлган. Уларни ҳал қилиш туризм соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни талаб қилади.

Туризм соҳасидаги ислохотлар етарли даражада амалга ошмаяпти. Президент Фармонлари, Ҳукумат Қарорлари, қабул қилинган туризмни ривожлантириш дастурлари тўлиқ амалга ошмаяпти. Қонун ва Қарорлар бажарилишининг аниқ механизми ишланмаган.

- Туризмни бошқариш тизимига жиддий ўзгартиришлар талаб қилинади. Ўтиш даврининг дастлабки йилларига зарур бўлган "Ўзбектуризм" Миллий Компанияси орқали давлатнинг марказлашган бошқариш тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда такомиллаштириш зарурдир. Бу ташкилотнинг вазифаларини қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлган. Туризм соҳасидаги Нодавлат Фирмалар Ассоциацияси (бирлашмаси) ролини кучайтириб туризм соҳасида хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнес ролини кўтариш чора тадбирларини амалга ошириш зарурдир.
- Вилоятларда ўзбек туризм Миллий Компанияси бўлимлари ишини жонлантириш, улар кўпроқ туристик фирмаларга услубий ёрдам бериш ходимлар малакасини ошириш, ўқитиш, мактаблар ташкил қилиш ишлари билан шуғулланишлари маъқулдир.
- Давлат томонидан қабул қилинган қарорлар, Президент Фармонлари, Республика Қонунлари ижросини назорат қилишни кучайтириш, уларни ҳаётга тадбиқ этишнинг аниқ механизмини ишлаб чиқиш зарурдир. Эскирган қонунларни янгалаш ёки бекор қилиш чораларини кўриб чиқиш керак.
- Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида халқаро туризм бўйича махсус очик иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиш масаласини замон талаблари ва ҳозирги шароитга мувофиқ кенг муҳокама қилиш ва шундай ҳудудларни ташкил этиш кераклигини қайд қилиш лозим. Туризм соҳаси учун хорижий инвестицияларни кенг жалб чиқиш, туризм инфраструктурасидага мулкчилик шакллари ўрганиш ва бу соҳада кичик ва ўрта бизнес учун қулай шароитлар яратиш керак. Монополлашган ҳаво, темир йўл транспорти тизимида хусусийлаштириш, ижро тизими, лизинг шаклдаги хизматларни кўпайтириш чора-тадбирларини ўтказиш туризмни ривожлантириш омили сифатида баҳоланиши зарурдир.
- Халқаро миқёсда туристик фирмаларининг ваколатхоналарини ва

реклама агентларини ташкил этиш зарурати пайдо бўлганлиги қайд қилиниши керак.

- Нодавлат туристик фирмаларни халқаро ва минтақавий туристик ташкилотларга аъзо бўлишлигини қўллаб-қувватлаш керак ва бунинг учун ҳуқуқда асосларни яратиш зарурдир.
- Туризм тизимида янгича иқтисодий механизм яратилиши заруратини қайд этиш лозим.

I бобга хулоса.

Туризмда туб иқтисодий ислохотлар ўтказиш:

- Жаҳон стандартларига мос келадиган кичик ва ўрта меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар ташкил этилиши учун қулай шароитлар яратиш;

- Дам олиш ва ҳордиқ чиқариш индустриясини яратиш (спорт майдончалари, бассейн, теннис-кортлари, саломатлик марказлари ва ҳоказо) учун шароитлар туғдириш;

- Туристик имкониятларни ташвиқот қилиш, тарихий ва маданий меросларимизни жаҳонга кўрсатиш. Шу соҳада реклама усулларида кенг фойдаланиш;

- Туризм соҳасида илмий-техникавий ва инвестицион сиёсат йўналишларини белгилайдиган сиёсатни олиб бориш;

- Хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;

- Туризм учун ички бозорни ривожлантириш, сувенирлар, миллий маҳсулотлар, турли хизматлар кўрсатишни кенгайтириш;

- Жаҳон туристик бозорга миллий туристик маҳсулот билан чиқиш. Шулар қаторига маданий туризм, конференц туризм, эко туризм, ёшлар туризми, шахсий туризм, оилавий туризм, меҳмонга чақириш, диний туризм, спорт туризми ва бошқаларни кенг ривожлантириш керак;

- Туризмни ташкил қилиш бўйича хорижий ривожланган мамлакатларда тўпланган ижобий тажрибадан кенг фойдаланиш.

- Жаҳон туристик ташкилотларнинг тавсиясига мувофиқ туризмни ривожлантиришда режалаштириш принципларини оғишмай тўлиқ ва комплекс равишда қўллаш муҳимдир.

- Туризм индустриясини ривожлантириш туристик фирмаларнинг моддий-техникавий базасини замонавий технологиялар асосида мустаҳкамлаш. Туристик хизматларнинг сифат даражасини кўтариш, харажатларни камайтириш ва фирмалар рентабеллигини кўтариш чора-тадбирларини амалга ошириш зарур.

Туризм инфраструктурасини ташкилий таркибини шакллантириш учун:

а) Республиканинг туризм марказларида туристик хизмат бозорининг замонавий институтларини (туризм агентликлари, туроператорлар, транспорт агентликлари меҳмонхоналари) ташкил этиш керак;

б) Туристик хизматлар кўрсатадиган кичик ва ўрта корхоналарсонини кўпайтириш. Туризм фаолиятини лицензиялаш тартибини соддалаштириш зарур.

• Туризм ҳақида керак бўлган барча маълумотларга эга бўлган туристик-ахборот марказларини вилоятларда тузиш зарурати (пайдо бўлган).

• Ўзбекистон билан бевосита боғлиқ бўлган кўпгина тарихий обидалар, маданий мерослар қўшни ҳамдўстлик мамлакатлар ҳудудида жойлашгандир. Охириги вақтларда виза воситаси билан ўрнатиладиган алоқалар туризмнинг ривожланишига жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Бу соҳада давлатлараро муносабатларни яхшилаш чора-тадбирлари зарурдир.

II БОБ. ҚАДИМГИ ХИВА ВА ХОРАЗМНИНГ ТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

2.1. 1. Қадим Хивадаги туристик марказ

Хива ички қадимги қисмини яхши сақланган Ичан қалъа қисми билан архитектуравий музей - қўриқхонадир ва қадимги ўрта асрлар маданияти

ноёб тарихий эсдалигини ифода этади.

Хива шаҳри Қоракум чўллари чегарасида Хоразм оазисининг жануби - ғарбий қисмида Урганчдан 30 км узоқликда жойлашган. Ажойиб сақланган ансамбилини Ўрта Осиёни зиёрат қилувчи туристларда бетакрор қизиқиш уйғотади ва Хоразм ҳудудида асосий кўргазма объекти ҳисобланади. Ўзбекистон бўйича туристик маршрутлар тизимини ишлаб чиқишда Хоразм ҳудуди туристик асосий маркази роли Хивага ажратилади. Унда туристлар бўш вақти ва экскурсион фаолиятини ташкил қилиш учун хизматлар тўлик мажмуаси ёзилган.

Архитектура ёдгорликларини сақлаш ва рационал ишлатиш мақсадида ҳамда шаҳар ҳаётида туризмни бошқарувчи ролини ҳисобга олганда, асосий туристик марказни Хива эски шаҳар марказида, Ичан қалъа тарихий архитектуравий кўриқхонасида жойлаштириш мўлжалланмоқда.

Ичан қалъа кўриқхонаси тахминан 30 га майдонни эгаллайди. У паҳса ва хом ғиштдан терилган девор билан ўралган.

Ҳозирги пайитда Ичан қалъа тарихий ёдгорлигини қайта таъмирлаш ва кўриқхонани умумий ободонлаштириш ҳамда реконструкция ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ишлар Ичан қалъа кўриқхонасини ободонлаштириш ва реконструкция қилиш лойиҳаси асосида олиб борилмоқда. Бу лойиҳа УЗЛИТИ таъмирлаш институтида ишлаб чиқилган. Ичан қалъа кўриқхонасида туристик марказни ташкил қилиш ва ўзлаштириш бўйича институтни лойиҳавий таклифи, "Ободонлаштириш реконструкция лойиҳаси" асосий ечимларини ҳисобга олиш билан ва яратилган лойиҳа муаллифлари билан бевосита ижодий ҳамкорликда чиқарилди. Ичан қалъада туристлар актив фаолияти ҳудуди белгиланган ичида асосий туристик фаолият юритилади: ёдгорликларни зиёрат қилиш яшаш, бўш вақт ўтказиш ва ҳоказо. Шу ҳудудга кирадиган ёдгорликлар, турар жой, уйлар ва бошқа объектлар уларнинг мўлжалланиши характери бўйича дифференциал қилинган: музей кўргазмаси, кўргазма экспозициялар ташкил қилиш ва ҳоказо. Ёдгорликларни мослаштириш ва ишлатиш бўйича таклифлар, уларни

его вий тадқиққилиш ва асл функцияларини ўрганиш, бор имкониятларни ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқилди /18/.

Шундай қилиб кўхна Аркда Хива тарихи музейини тиклаш кўзда тутилган ва Тош ҳовли саройида Хоразм тарихий музейида архитектура ва санъат бўлимлари билан театрлаштирилган намоишлар учун очиқ эстрада жойлаштириш ҳисобга олинган.

Жума масжид ва Паҳлавон Махмуд маҳбараси ўзининг интерьерларига асосан фақат кўрғазма, яъни кўрсатиш учун хизмат қилади.

Ота дарвоза, Амин-хона ва Қутлуғ-Мурод, Иноқ хужралари майда сувинирлар сотиш учун ишлатилади: значёклар, проспектлар, буклетлар ва ҳоказо.

Юқори хизмат кўрсатиш меҳмонхоналари Муҳаммад-Рахимхон, Аллоқули-Хон, Қутлуғ-Мурот-Иноқ ва Ичан қалъа ташқарисидаги Нуриллобой саройида жойлашадилар. Лойиҳада ҳисобга олинган жойлаштириш объектларининг умумий сифими 400 ўринни ташкил қилади.

Имом-Хўжа мадрасасини уй парандаларидан овқат қиладиган Маиший ошхона ресторанини жойлаштириш учун мўлжалланган. Юсуп-Яссаул-боши мадрасасида қадимги салқин ичимликлар татиб кўриш имконияти ва шу ерни ўзида ширинликлар ва кальян тортилади. Кенг ассортиментли, оддий овқатлар ташиқил қилиш учун Ичан қалъа ичкарасида Ота дарвоза олдида ховуз бўйида янги ресторан қурилиши.

Майда устахоналарни жойлаштириш ва сувинирлар ишлаб чиқиш ҳамда сотиш учун турар жой уйлари ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда кўшимча хоналар жойлаштириш, усталарни ишчи ўринларини жиҳозлаш ва сувинир ясалишини кузатиш, сотиб олиш учун туристларга энг яхши шароит яратиш мумкин. Бир нечта турар жой уйлари "Ғаройиб овқатланиш" ("Ўзбек уйида овқатланиш") учун ишлатиш тавсия этилади. кўрсатилган муассасаларни жойлаштириш учун Тош ҳовли саройи майдонидаги мавзе танланган, бу ерда қадимда бозор жойлашган. Шундай қилиб бу майдонга қадимги функциясини қисман қайтариш мақсадга мувофиқ бўлади. Ундан

бошлаб Аллоқули-Хон тимидан ўтиб (мато сотиш, миллий либосни ташкил қилувчилари рўмол, белбоғ, ва ҳоказа савдо столлари.) Туристлар Хива бозорига ўтиб кета оладилар.

Шу билан бирга бу ерда хунармандлар дўкончалари, балиққовуриш, кабоб, чойхона ва ўйинчилар, дорбозлар, курашчилар ва бошқа миллий кўргазмалар учун жойлар жойлаштириш ҳисобга олинган.

Ичан қалъа асосий туристик муассасаларини жойлаштириш бўйича таклифлар характерли объектларни турли хил туристик хизмат кўрсатиш муассасаларига мослаштириш бир неча конкрет лойиҳалар мисолида ишлаб чиқилди /18/.

Ичан қалъа турар жой қурилмалари бўйича УзЛИТИ таъмирлаш лойиҳасига асосан, қийматли биноларни қайта таъмирлаш керак. Шу билан бирга баъзи уйлар тикланади ва тарихий аҳамияти йўққадрсиз уйлар, миллий-архитектуравий-тарихий тизимга мос келадиган янги уйларга алмаштирилади.

Келажакда турар жой бинолари туристик хизмат кўрсатиш меҳмонхона, овқатланиш муассасалари, устахоналар ва ҳоказолар) учун ҳамда хизматчи ходимларни яшаш жой билан таъминлаш учун ишлатилади.

Хивада туристларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш муассасалар тизимини эски шаҳар қурилмалари қисмида жойлаштиришдан келиб чиқамиз.

Ёдгорликларни ва йиғилган иншоотларни таҳлили бундай ечим туризмни ташкил қилиш учун ва шаҳарни эски тарихий қисмини сақлаб қолиш учун функционал ва иқтисодий мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Ёдгорликларни йиғилганлиги, Хива шаҳрини тарихий қиёфасини бирдамлиги, туристни бу муҳитга олиб киришга имкон бериб, ўрта асрлар шаҳри атмосферасини ҳис қилишга имкон беради.

Аммо туризмни ташкил қилиш шароитлари ва уларнинг оқимлари бу ҳудудда, яъни Хива тарихий марказида туристларни қабул қилиш имкониятидан ошиқдир. Бу ерда туристик объектларни сиғимини каттайтирадиган қўшимча замонавий имкониятлар роли, бу маршрут

тизимини худуди транспорт ва асосий ташкилий роли замонавий Урганчга ажратилади. Бу янги Хоразм воҳасини эски пойтахтга яқинлиги, уларнинг функционал ўзаги таъсир ечимини топишга имкон беради ва туризмни актив ривожланиш шароитида Хива қадимги муҳитини ҳамда тарихий ёдгорликларни сақлашга шароит яратишга имкон берди /18/.

2.2.1. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари

Ўрта Осиё жаҳон цивилизациясининг энг қадимги марказларидан бири. Бу ҳудуд халқи томонидан бой ва ўзига хос маданият яратилган. Ўрта Осиё халқлари маданияти сарчашмаларини излаб топадиган археологлар ва тарихчиларнинг тадқиқотлари туфайли тарихий-археологик соҳа тобора аниқ намоён бўлмоқда. Зардуштийларнинг диний матнлари тўплами — «Авесто» энг қадимги Ўрта Осиё тарихининг жуда муҳим манбаи ҳисобланади. Унинг биринчи боби «Видевдат» да Марказий Осиёдаги, шунингдек унга бакамти бўлган Афғонистон ва Шимоли-Шарқий Эрон ҳудудларидаги мамлакатларнинг Ахура Мазда томонидан тузилган рўйхати, жумладан, Арьянам Айжа, «Гова, сурдлар макони», қудратли ва мўмин Моури (Марв вилояти)», «байроқлари баланд кўтарилган, гўзал Бахди (Бақтрия)», «Моури ва Бахди оралиғидаги Нисайа», Ҳорайва (Ҳирот вилояти) ва жануби-шарқдаги Ҳинд ҳамда Харвати (Арохсия) ҳудудларигача бўлган бошқа вилоятлар, жанубда Хилманд водийсидаги Хайтуманта, ғарбдаги гурганжлар, Раг (Мидиянинг шимоли-шарқида) ва ҳ.к.лар зикр этилган /20/.

Икки дарё оралиғидаги қадимги манзилгоҳлар ва шаҳарларни ихота қилган мудофаа иншоотларининг ривожланиши ва хусусияти ижтимоий ривожланиш даражасининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, қадимги шаҳар цивилизацияларининг долзарб муаммолари қаторидан ўрин олади. Ўрта Осиё қалъалари тўғрисидаги энг кўҳна маълумотлар Қадимги юнонистонлик ва римлик тарихчилар қаламига мансуб. Улар юнон-форс урушлари ҳамда Македониялик Александр қўшинлари томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олинишини тасвирлашган. Ктесий Бақтриянинг қўлга киритиб бўлмайдиган

истеҳкомли жойлари ҳақида ёзади, Квинт Курций Руф аҳоманийлар даврида Сурд пойтахти бўлган Мароканд шаҳристон ва қалъа девори билан ўралганлигидан хабар беради; Арриан эса Македониялик Александрнинг Ўрта Осиёга юришини тасвирлар экан, Кир томонидан асос солинган Кирополнинг деворлари, бошқа деворларга қиёслаганда, энг баланд ва мустаҳкам бўлганлигини ёзади. «Бақтриядаги кўплаб шаҳарлар орасида барча қалъалардан катталиги ва олиб бўлмаслиги билан ажралиб турадиган Бақтра (Балх) деган бир ажойиб шаҳар бор»,—деб хабар беради Диодор. Берилган қисқартмаларнинг изоҳлари адабиётлар рўйхатида келтирилган). Мил.авв. I асрда Страбон Мароканднинг ташқи деворларини эслатиб ўтган. Мил.авв. II аср Хитой манбаларида Давон қалъаларининг девори икки қават бўлганиҳақида хабар келтирилади. Афсуски, бу маълумотлар чекланган бўлиб, Ўрта Осиёнинг қадимги ҳарбий истеҳкомлари тўғрисида аниқ материал бермайди.

Қадимги Ўрта Осиё ёдгорликларини археология жиҳатидан ўрганиш XIX аср охирида, бу ҳудуд Россия томонидан босиб олингандан сўнг бошланди. Бироқ бу иш жуда кам натижа берди. Қадимги Ўрта Осиё ёдгорликлари археологик жиҳатдан XX асрда, шунингдек XXI аср бошида чинакам ўрганила бошланди.

Туркманистоннинг жанубида олиб борилган археологик қазишма ишлари жараёнида жез даврига оид Олтинтепа ва илк темир даврига оид Эркқалъа мудофаа иншоотлари, шунингдек парфиядаги ҳарбий -истеҳкомлар тизими — Янги ва Эски Ниса, Койнеқалъа, Говурқалъа, Девқалъа, Чилбурж ва бошқалар аниқланди .

Жез даври мудофаа қурилмалари Бақтрияда ҳам маълум. Булар Лашли I, Сополлитепа, Жарқўтон ва бошқалардир. Сополлитепа мураккаб ҳарбий истеҳком қурилмасидир. Жарқўтон шаҳристони қалъаси ва қасри ҳам девор билан ўралган .

Суғд мудофаа иншоотлари ривожланишининг тўрт изчил босқичини ажратиш кўрсатишимиз мумкин. Булар: мил.авв. VIII аср охири — IV асрлар,

мил.авв. IV—I асрлар, мил.авв. I аср — мил. IV аср, IV—VIII асрлар. Бирок муаллифнинг айрим тахминлари, жумладан, Кўзалиқир II қурилиш даври ғиштанинг шакли ҳамда Қалъалиқирнинг бунёд этилиши даври санасини мил.авв. IV—II асрлар охири деб белгилаш тўғрисидаги тахминлар жиддий эътироз уйғотади. Тўғри бурчак шаклдаги ғиштан квадрат шаклдаги ғиштга ўтилиши кўпроқ Хоразм қадимги Эрон давлати таркибида бўлган даврдаги аҳоманийлар қурилиш техникаси таъсири билан боғлиқдир.

Бу — Ўрта Осиё археологларининг ҳарбий техника масалалари бўйича, Ўрта Осиёдаги қадимги мудофаа иншоотлари ривожланишининг яхлит концепциясини яратиш имконини берувчи асарларининг қисқача ва нотўлиқ рўйхати.

Мудофаа иншоотлари жамият урбанизациялашуви жараёнининг белгиловчи омилларидан бири бўлган. Шу боис мудофаа иншоотларини ва уларнинг ривожланиш динамикасини тадқиқ этиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилиши долзарб муаммолар жумласига киради. Ўрта Осиёда юз берган тарихий жараёнлар таҳлили истехкомли манзилгоҳлари, шаҳар марказлари ва қалъалари бўлган алоҳида тарихий-маданий минтақалар бўйича ўхшаш жараёнларнинг таҳлилидан таркиб топади. Бутун Ўрта Осиёда ва унинг атрофидаги ҳудудлардаги тарихий ҳамда маданий ходисаларда муҳим ўрин тутган қадимги Хоразм шундай минтақалардан бири бўлганди. Кўчманчилар олами марказида жойлашган Хоразм кўчманчи ва ўтроқ халқлар ўртасида этномаданий жиҳатдан ҳам, янги ютуқларни, шу жумладан ҳарбий истехкомлар услублари ва қонунларини ишлаб чиқиш ҳамда авлодларга ўтказишда ҳам воситачи ролини ўйнаган /20/.

2.3. Хоразмнинг қадимги шаҳарлари

Хоразм ҳудудида турли даврларда археологик тадқиқотлар олиб борилган, ҳар хил экспедициялар уюштирилган. Археологик экспедицияларга бошчилик қилган СП. Толстов аввал номаълум бўлган кўп нарсаларни аниқлаган. У илмий муомалага "Қатта Хоразм" иборасини

киритиб унинг вужудга келишини мил.ав. VII-VI асрлар деб ҳисоблаган. Тадқиқотчининг таъбири бўйича Заротуштра ватани Хоразмдир. Хоразм «Авесто»да «Арянэм-Вайчах» дейилган. Авестода ўз аксини топган Заротуштра таълимоти Катта Хоразм сарҳадларида вужудга келиб, кейин атрофдаги мамлакатларга ҳам ёйилган /21/.

Страбон ва Диадорлардан кейинги манбаларда бу маълумотларда мил.ав. VII-IV асрларда массагетларнинг катта конфедерацияси мавжуд бўлганлиги ҳақида гапирилади, унга 5 та элат кирган ва мил. ав. VI асрлар ўрталарида улар бир қанча қисмларга бўлинганлиги таъкидланган. Хоразмийлар ҳам ўша иттифоққа кирган қадимги элатлардан бири бўлганлиги ва бу иттифоқ «Катта Хоразм» деб аталган давлат бирлашмасидир, деб тахмин қилади М.Матниёзов /21/. Яхъё Ғуломов номидаги археология институти олимларининг тадқиқотлари натижасида Хазораспдаги Хунбуз тепадан топилган чилтора мусиқа асбоби ва хумдоннинг ёшини 2700-2800 йил деб белгилаб, Хазорасп қалъаси мил. ав. VII асрларга мансублигини исботлаган /22/.

Хоразмда шаҳарларнинг пайдо бўлиши суғориш тармоқларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланган. Бу ҳол Хоразмни ўзлаштирила бошланиши тўғрисидаги ривоятларда ҳам ўз аксини топган.

Хоразмнинг ўзлаштирилиши жуда қадимга бориб тақалади. Унинг - одамийлиги тўғрисида ҳар хил афсоналар тўқилган. Шундай афсоналарнинг бирига кўра, жуда қадим замонларда бир подшо бўлган экан. Подшоҳнинг жасур кўшини ва мард лашкарбошиси бўлиб, улар подшоҳнинг адолатсиз сиёсатига қарши бош кўтаради. Подшоҳанча қийинчиликбилан бўлсада исённи бостириб, исёнчиларни ўлимга маҳкум этади. Охир пировардида ўлим жазоси сургун билан алмаштирилади. Сургун жойи хумлар орасидаги чангалзор ва тўқайзорлардан иборат дарёсоҳили эди.

Лашкарбоши, кўшин соҳилни ўзлаштириб шаҳар ва талайгина қишлоқ барпо этадилар. Кунлар ўтиб подшоҳ сургун қилинганларнинг аҳволидан хабар олишни буюради. Келиб қарашсаки, чангалзор ва тўқайзорлар ўрнида

шаҳар-қишлоқлар, сув тўла ариқлар пайдо бўлган. Сабабини суриштирганда "Бу ердаги халойиқ бир вақтлар ўз подшоси томонидан хор қилинган эди, улар эса ўз меҳнати билан шаҳар ва қишлоқлар қуриб азим бўлган", дейишади. Буни подшоҳга етказишганда, кўшиннинг гуноҳидан кечади ҳамда уларни "Хоразмликлар", яъни олдин хор кейин азим бўлган кишилар, деб аташни ихтиёр қилади /23/.

Энди шу даврда шаклланаётган Хоразм худудидаги манзилларга қуйида ёзилган шаҳарсозлик асарларини кўриб чиқамиз.

Амударё қуйи оқимининг ўнг соҳили дастлабки шаҳарларнинг барпо бўлишида алоҳида ўринга эга. Бу ерларда шарқдан ғарбга томон кетма-кет Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Қўрғошинқалъа, Қирғиз, Аёзқалъа, Бўрлиқалъа ва Тупроққалъа ариқлари қурилган. Воҳада режа асосида мудофа тизими ва таракқий қилган зўр суғориш иншоотларининг барпо этилиши Хоразмнинг қудратли ҳамда марказлашган давлат бўлганлигини кўрсатади /23/.

Милоддан аввалги I аср охирига келиб Хоразм «гунг» қабила иттифоқидан ташкил топган қудратли кушонлар империясига киради. Бу замонда ҳам аввалгидек ирригация суғориш тармоқлари ривож топди ва такомиллашди, бурунги қалъалар таъмирланди, янги қалъалар ва бошқа аҳоли манзиллари барпо бўлди. Янгитдан барпо этилган улкан суғориш иншоотларидан Қирққиз ва Тупроққалъа ариқларининг қазилиши натижасида янги шаҳарлар пайдо бўлган. Хоразм воҳасининг четларида кушонлар даврига ҳарактерли бўлган мудофаа иншоотларидан қуйи Чарманёнда Говурқалъа, Устюрт қирларида эса Девкесканқалъа вужудга келган /23/.

Суғориш тармоқларининг ривож топиши асосида Аёзқалъа, Қизилқалъа, Қўрғошинқалъа, Тупроққалъа, Катта Гулдурсин, Кичик Қирққиз каби жуда мустаҳкамланган шаҳар ва қалъалар пайдо бўлган.

Қадимги даврнинг ушбу умумий тавсифидан сўнг айрим шаҳар ва қалъалар таърифига ўтиш жоиздир. Бешқалъа шаҳарларининг ҳам дастлабки ҳаёти айна шу қадимги даврга тўғри келади. Хонқа бундан мустасно. Қуйида

тартиб бўйича аввал Хива, Кўхна Урганч, Кат, Хазоросп, кейин бошқа шаҳарсозлик асарлари тавсифини келтирамиз.

ХИВА Амударёнинг қуйи оқимининг чап соҳилида жойлашган. Шаҳарнинг дастлабки ҳаёти тўғрисида махсус изланишлар мавжуд. 1964-1985, 1987-1990 йилларда Ўзбекистон ФА.қорақалпоғистон бўлими ходими М. Мамбетуллаев раҳбарлигида ўтказилган археологах тадқиқотлар натижасида топилган ашёвий далилларга кура, қалъа худудида мил. ав. VI -V асрлар да кичик манзил мавжуд булган /21/.

Шаҳар мил.олдинги IV-IIIасрларда вужудга келган ва мудофаа девори билан ўраб олинган /21/.

Хива шаҳри ғарбдан шарқ томон чўзилиб, асосан икки: Ичан қалъа ва Дишан қалъа қисмларидан иборат. Ичан қалъа тўғрибурчак шаклида бўлиб, унинг (650x400 м.) томонлари мудофа девори билан ўраб олинган. Ҳозирги пайтда Ичан қалъа кўрғон девори таъмирланган. Ўз навбатида айлана шаклдаги буржларига эга. Улар ўртасидаги масофа 22-27 м. Шаҳарнинг ташқи қисмини қамраб олган Дишан қалъа деворининг узунлиги 2 км, эни эса 1,5 м.

М. Мамбетуллаев раҳбарлигида Хива экспедицияси Хива шаҳрининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини ўрганиши (1964-1985, 1987-1990 йиллар) натижасида шуни маълум қиладики, қалъа кўп маданий қатламни ташкил этиб, 10 қурилиш даврини ўз бошидан кечирган, уларнинг ҳар бири шаҳар тараққиётининг маълум бир босқичларини ифодалайди.

Биринчи даврда мудофаа девори энг дастлабки манзилни бутунлай ўраб олган; бу мил.ав. V асрларга тўғрикелади. Илк манзил қумлоқ ерда пайдо бўлиб, кейинчалик аста-секин кенгайиб борган. Сўнгра девор хом ғиштдан тикланган, унинг тўрт томони тенг бўлиб, ғиштнинг ҳажми 40x40x9 см., 42x44x12 см. ни ташкил этган. Бу даврда манзил икки қаторли мувофа девори билан ўраб олинган, улар ўртасидан йўлак ўтиб, унинг кенлиги 2 метрни ташкил этган. Девор тўғри тўртбурчакли бурж, бурчаклари эса тўрт томони тенг кўнгуралар билан мустаҳкамланган. Мудофаа деворига ташқи

томондан тўсиқ вазифасини бажарувчи хандаққурилган, у девордан 4,4-8,5 метр узокликда жойлашган. Мудофаа деворининг пастки қисмидаги қатламидан чиққан сопол буюмларнинг ясаиш техникаси, шакли ва ранги мудофаа деворининг мил.авв. IV-IIIасрларда қурилганлигини исботлайди.

Иккинчи даврда мудофаа деворида қурилиш ишлари олиб борилиши натижасида Ичан қалъа деворининг баландлиги 7,5-9 метрни ташкил этган. Бу давр I-IVасрларга оиддир /23/.

Олдинги манбаларда Хиванинг пайдо бўлиши милодий I аср **гхирларида** деб таъкидланган бўлса-да, сўнги манбаларда бу шаҳар мил.ав. VI-IVасрлардаёқ манзилгоҳ шаклида шаклланганлиги, мил. ав. V асрларда шаҳар бўлганлиги олимларимиз томонидан исботланган /21/.

КЎҲНА УРГАНЧ воҳанинг шимолий-ғарбий қисмида Амударёнинг чап соҳилида пайдо бўлган. В.В. Бартольд «История культурной жизни Туркестана» китобида шундай деб ёзади: «Қадимги Хитой катта Хан подшолиги тарихида (мил.ав. 206- мил. 25-йиллар Ўрта Осиёда) беш; Су-Се (Шаҳрисабз), Фу-му (Кушония), Ю-ни (Тошкент), Ги (Бухоро) ва Юе-гань (Гурганч ёки Урганч) шаҳарлари зикр этилади./24/. Демак, Кўхна Урганч шаҳрининг пайдо бўлиш даври милоднинг бошларига бориб тақалади.

КАТ Амударё ёқасида, ўнг соҳилида жойлашган. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Хоразмшоҳлар марказни 305 йилда Кат шаҳрига кўчиради. Бу жараён Хоразм тахтига афритийлар сулоласининг кўтарилиши билан боғлиқ эканлиги маълум. Бу даврда Кат қалъаси мавқеи жиҳатидан Хоразм шаҳарлари ичида энг катта шаҳар ҳисобланади.

Кат сўзининг луғавий маъносига тўхтасак, Кат-шаҳар, кўрғон, қалъа деган маънони беради. Лекин Катдан ташқари бу шаҳарни Қиёт деб ҳам атаганлар. Ибн Баттута 1338 йил қиш ойида Хоразмга келади ва Кат шаҳрида бир кун меҳмон бўлади. У бу шаҳар номини Қиёт, деб атайди. Бу номнинг келиб чиқиши аслида 92 бовли ўзбек уруғлари билан боғлиқдир. Бизнинг фаразимизча, Катда асосан ўзбекнинг Қиёт уруғига мансуб аҳоли яшаган бўлса керак. Тарихий манбаларда яна Катда Фил қалъаси бўлганлиги ҳам

ёзилади. Бу сўзнинг маъносини халқ «Бу қалъада Хоразмшоҳ лашкарларининг филлари боқилган», деб изоҳлашади. Аслида Фил қалъаси Фир бўлиб, фир-пир Хоразм шевасида қадимдан улуғ, катта, бузруг маъноларида ишлатилади. Демак, Фирқалъа-«улуғ, катта қалъа» маъносидадир.

ФИЛҚАЛЪА ўрта асрларда илгариги, яъни Африт давридаги Хоразм пойтахти бўлган Кат (ҳозирги Беруний) атрофида ҳозиргача сақланиб қолган ва маҳаллий тилда «Пил» деб аталиб келинаётган сўнги антик даврга оид катта қалъа харобаларидир. Албатта, Филқалъа Беруний ёзганидек, Афритқурдирган қаср эмас, аммо уни янги Хоразм пойтахти билан боғлиқ эканлигига шубҳа йўқ. Қалъа харобалари атрофи шўрботқоқлик билан ўралган бўлиб, унга битта сўқмоқ йўл борган. Меъморий -жиҳатидан Фил қалъа Аёз-1 га жуда ҳам ўхшаб кетади. Истеҳкомнинг бир бурчагида антик давр ёдгорликларига ўхшамайдиган квадрат шаклдаги номаълум иморат ҳам бор. Фил қалъанинг деворлари пахсадан 10-11 м. баландликда ва 6 м. қалинликда қурилган /23/.

ҲАЗОРАСП - воҳанинг бошланишида (шарқий қисмида), Амударёнинг чап соҳилида пайдо бўлган. Ҳазорасп номининг асл маъноси “ҳазор-асп”- «минг отлар» деган мазмунни англатади. Бу тўғрисида қуйидагича ривоят бор. Ҳазорасп шаҳри Ҳазрати Сулаймон томонидан учар отлар маконига қурилган. Ҳазрат Сулаймон устамонлик қилиб Саман номли дев ёрдами билан отларни қўлга ўргатади ва девга шу ерда шаҳар қуришни буюради. Шаҳарнинг шимолий қисмига хунарманд ва савдогарларни, жанубий қисмига эса деҳқонларни жойлаштиради. Шаҳар икки қисмга қўрғон девор орқали ажратилади /15/.

Ҳазорасп шаҳрининг қалъаси яриморол шаклида ботқоқлик ва паст текисликда жойлашган. Унга кириш фақат жанубий томондан Миршаб дарвозасидан бўлган. Дарвозага сунъий (ботқоқликка қилинган) тепалик орқали ўтилган. Бу усул шаҳарни мудофаа қилишда жуда қўл келган. Хоразмнинг Филқалъа, Тошқалъа, Тупроққалъа, Ақчаҳонқалъа каби бошқа

кўпчилик шаҳарлари ҳам ҳудди шунга ўхшаш сунъий равишда ҳосил қилинган оролда жойлашгани қайд этилган /25/.

Шаҳар 1936-йилда Я. Ғуломов томонидан текширилган. «Хоразмнинг ҳозирги Хазорасп шаҳри археологик жиҳатдан текширилганда, унинг остки қатламларидан топилган археологик материаллар милоддан аввалги IV асрдан дарак бермоқда. Лекин бу шаҳар охиригача қазиб очилганича йўқ, қазилма иши охирига етказилса, эҳтимол у ҳам милоддан аввалги VI- VII асрларга доир бўлиб чиқар. Чунки Хоразмнинг ғарбидаги чўлда текширилган Кўзали қир, Қалъали қир харобалари ўша тарзда бино қилинган бўлиб чиқди» - деб ёзади Я. Ғуломов /26/.

«1958-60 йилларда эса шаҳарда Хоразм археология-этнография - экспедицияси тадқиқот ишларини ўтказди. Қалъа икки қаторли паҳса девор билан ўраб олинган бўлиб, унинг умумий майдони 440 x 320 метр. Ташқи девор қалинлиги 1,81-2 м., ички девор 2 м. Девор кунгуралар билан мустаҳкамланган, улар ўртасидаги масофа 44-55 м. Умумий сони 17 та. Ёдгорлик мил. ав. V асрда вужудга келган», деб ёзади М. Матниёзов /21/.

Э. Самандар эса «Антик даврнинг кудратли қалъаси бўлган Хазорасп тарихий археологик маълумотларга кўра мил.аввалги VIII асрларда вужудга келганлигини таъкидлайди. У бутун бир тизимдан, тўғрироғи, тизим қолдиғидан иборат бўлган антик давр типидagi қумлар билан тўлдирилган анча мураккаб истехкомлар устида жойлашган. Бу истехкомларнинг деворлари 40x40x10 см. лик хом ғиштдан қурилган. Унинг таъкидлашича, битта шу жойдагина эмас, балки бир неча ўринларда археологик тадқиқот ишлари олиб борилган, ғишт заводи (ҳозирда бошқа жойга кўчирилган) ўрнида археологик қазилма ишлари олиб борилганда кулолчилик устахонаси топилди. Устахона милоддан аввалги VII асрга оид экан. Хумбузтепадан топилган хумдон ва чилтора мусиқа асбобининг ёши 2700-2800 йил бўлиб чиқди (мил.ав. VIII-VII асрлар). Бу ва бошқа кўпгина далилларга асосланиб, Яхё Ғуломов номидаги археология институти олимлари Хазораспнинг пайдо бўлишини 2700 йил, деб белгиладилар. Бунинг яна бир далили «Авесто»

зарварақларига муҳрланган ҳикматлар, ҳақиқатлар бўлди. Мазду Баст тўғони (ҳозирги Туямўйин), Бетнак (Питнак), Садвар каби қалъаларнинг «Авесто»да тилга олиниши бу шаҳарнинг оташпарастлик замонларига даҳлдорлигидан ташқари, унинг юқори илм ва маданият ўчоғи бўлганлигидан ҳам далолат беради. “Авесто”да Хазорасп Атурспанд-муқаддас олов қалъаси, деб изохланиши бежиз эмас» деб ёзадилар /22/.

Машҳур тўртликда айтилганидек:

Самарқанд сайқали рўйи замин аст.

Бухоро қуввати исломи дин аст.

Хазорасп қалъаи хуб жойи маҳкам,

Хиваки, Фирдавс-ул роббил оламин аст.

Демак, охириги далиллар Хазорасп қалъаси миллоддан аввалги VIII-VII асрларда пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Хоразм шаҳарсозлигининг қадимги даврини тўла таҳлил қилишда бошқа мисолларни ҳам келтириб ўтиш зарур. Бу мисоллар қаторида Қалъали қир, Кўзали қир, Қўйқирилганқалъа, Жонбосқалъа, Ахчахонқалъа, Тупроққалъа, Қизилқалъалар алоҳида ўринни эгаллайди. Булардан ташқари катта Гулдурсун, Аёз қалъа, Говурқалъа, Анхақалъа бу даврдаги шаҳарсозлик жиҳатларини белгилашга ёрдам беради. Қуйида уларнинг қисқатавсифлари берилган.

ҚАЛЪАЛИ ҚИР Хоразмнинг энг қадимги шаҳарларига тегишли, деб ҳисобланган. Бу шаҳар ўша вақтда 40x40x10 см ўлчамли хом ғиштдан икки ёки уч қатор қилиб ёнма-ён тикланган, усти эллипс шаклдаги равоқ билан ёпилган, шаҳар майдони махсус девор билан ўраб олинганлиги аниқланган. Маълум масофада шаҳарни мудофаа қилиш миноралари жойлашган. Бир сўз билан айтганда, қадимги Хоразм ерларида олиб борилган археологик қазилмалар миллоддан олдинги IV асргача, яъни Искандар Мақдуний истилосигача бўлган даврга оид бўлиб, девор бўшлиғига турар жойлар жойлаштирилган истехкомлар тарзида бўлган. Булар «Авесто»да баён этилган «вара» типидagi шаҳарлар бўлиб деворларнинг периметри 7-12 км

бўлган /27/.

КЎЗАЛИ ҚИР Амударёнинг чап қирғоғида, Туркменистондаги Тошхөвүз вилоятининг қадимги суғорилган ерларидаги кўхна Чарманёнариғи бўйида жойлашган бўлиб, ўзи ишғол қилган табиий баландликнинг шаклига мувофиқ сатҳи 1000х400 метр келадиган учбурчакдан иборатдир. Шаҳар тарҳи ажойиб хусусиятга эга: жуда қалин ва бир неча километр узунликдаги девор билан ўралган кенг майдон истиқомат белгиларидан ҳоли бўлиб, шаҳар харобасининг деворлари қатор қилиб солинган тор, йўлаксимон қурилмалардан иборат.

Кўзали қир ва Қалъали қир шаҳарларининг деворларида, меъморий ва Хоразмнинг ўша даврдаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг муҳим томонлари акс этилган /27/.

ҚЎЙҚИРИЛГАН ҚАЛЪА (мил. ав. IV аср). Умумий кўриниши халқасимон бўлган бу шаҳарчанинг марказий қисмини думалоқ шаклдаги сахн ташкил этади. Унинг атрофида диаметри 31 м. бўлган арк деб тахмин қилинган айланма тарздаги иморат жойлашган. Арkning ташқи девори эса хом ғиштдан қурилган, диаметри 40 метрга яқин мунтазам 16 бурчакдан иборат. Ниҳоят бу 16 бурчакли иморатда 15 метр масофада халқа тарзида ташқи мудофаа девори жойлашган. Ташқи деворда 18-26 м масофада буржлар жойлашганлиги аниқланган. Бу девор ҳам хом ғишт ва пахсадан қилиниб, қалинлиги 1м дан ошиқроқ ва баландлиги 7 метрга яқин бўлган. Қўйқирилганқалъа олимларнинг кўпдан бери диққатини тортиб келмоқда. Умуман олганда, Қўйқирилганқалъа Қадимги Миср, Греция ва бошқа ерлардаги каби муқаддас шаҳар-эхром вазифасини бажарганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу ерда оромий хатига асосланган қадимий хоразм ёзуви топилган /27/.

ЖОНБОСҚАЛЪА тўрт бурчакли сатҳни: 170х200 метр келадиган майдонни эгаллайди. Унинг тўрт томони 10-11 метр бўлиб баландликдаги қалинлиги 1-1,3 метр келадиган 2 қават девор билан ўраб олинган. Жонбосқалъанинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, унинг деворлариХоразм

қалъаларининг деярли ҳаммасида мавжуд бўлган буржлардан ҳоли. Қалъа деворлари 2 метргача паҳса, ундан юқориси хом ғиштдан тикланган бўлиб, ташқи қатори шахмат шаклида қўйилган икки, уч қатор найзасимон шинакларга эга. Қалъа дарвозасидан ичкарига қараб шаҳарни икки йирик бўлинмага ажратиб турган кенг кўча ўтади. Маҳаллалар бир-бири билан ички йўлаклар орқали боғланган, 200 га яқин хонадон бўлган. Шаҳарнинг шу тарифи иккига бўлиниши унда истиқомат қилган аҳоли бир-биридан ажралган ҳолда, аммо ўзаро қариндошлиги билан боғлиқ уруғ жамоасидан иборат эканлигини кўрсатади. Марказий кўча охирида жойлашган иморат харобаларини текшириш натижасида Жонбосқалъаликларнинг ўз ибодатхонаси бўлганлиги аниқланган /23/.

АҚЧАХОНҚАЛЪА. Ҳозирги Беруний туманининг шимолий-шарқидаги кўчма қум барханлари орасида антик даврларга мансуб бўлган Ақчахонқалъа жойлашганлигини яқин-яқинларгача номаълум эди. 1995-йили мазкур қалъани изчил ўрганиш бошланди. Ҳозир у ерда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг «Тарих, археология ва элшунослик» институти ҳамда Австралиянинг бир гуруҳқадимшунос олимларидан иборат кўшма экспедиция археологик тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Тўпланган маълумотлар шундан далолат берадики, Ақчахонқалъа милoddан аввалги IV асрда бунёд этилган бўлиб, милoddнинг IV асрларигача бу ерда аҳоли истиқомат қилган.

Шаҳар уч қатор қалин девор билан ўралган. Умумий майдони 47 гектарга яқин. Амударёнинг қуйи қисмида ҳалигача бундай катта ҳудудга эга бўлган бошқақадимий қалъалар топилмаган. Қалъа деворлари ўзига хос шакл ва услубларга эгаллиги билан диққатни жалб этади. Қалъанинг ҳимоя истехком деворлари ҳам уч қават қилиб қурилган, ҳар қавати ичида даҳлизлар бунёд этилган. Даҳлиз бўйлаб камончилар учун махсус шинаклар очилган. Булардан ташқари қалъа атрофида сув тўлдирилган хандақхам бўлган. Хандақнинг лаби бўйлаб яна бир пасткам девор тортилган /28/.

Австралиялик олимларнинг тадқиқотлари бўйича (TV"Ахборот"

дастури, 14.10.01 й.) Ақчахонқалъа Ичан ва Дишан қалъалардан (ички ва ташқи қалъалардан) иборат бўлиб, ички қалъа 11 гектарга ва ташқи қалъа 47 гектарга тенг. Ақчахонқалъа Ўрта Осиёдаги энг қадимги қалъалардан бири, деб тахмин қилинмоқда. Хоразмнинг энг дастлабки пойтахти бўлиши ҳам мумкин.

ТУПРОҚҚАЛЪА ҳозирги Беруний туманида жойлашган бўлиб, у тўғри бурчакли шаклда 500x350 м., яъни 17,5 га.майдонда жойлашган. Қалъа икки қаторли пахса девор билан ўраб олинган. Унда тўғри бурчакли буржлар мавжуд. Шимоли-ғарбий қисмида сарой жойлашган. Шаҳарнинг ўртасидан ўтган кўча уни икки йирик қисмларга ажратади. Археологик тадқиқотлар натижасида бу ерда бир қанча катта-кичик уйлар топилган. Бу хоналарни топилган ашёларга қараб номлаганлар. Масалан, «Подшо зали», «Аскар зали», «ғалаба зали», «Буғулар зали» ва бошқалар. Шаҳар милодий III асрда бунёд этилиб, Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти бўлган /29/.

Тупроққалъа ўзининг режаси, деворлари ва ундаги шинаклар, бу ердаги хоналарнинг қурилиши ва мудрофаа системаси антик даврдаги катта шаҳарларга ўхшаб кетади. Лекин у, айниқса ўзининг ажойиб монументал санъати борлиги билан алоҳида ўрин тутаяди.

Кўринишда тўғри бурчак шаклидаги Тупроққалъа шимолдан жанубга чўзилган бўлиб, атрофи катта қолипда қуйилган хом ғиштлардан қурилган қалин ва баланд девор билан ўралган. Деворлар бўйлаб квадрат шаклдаги жуда кўп буржлар қад кўтариб туради. Қалъанинг шимоли-ғарбида эни ҳам бўйи ҳам 80 метр келадиган икки қават қилиб солинган ҳашаматли сарой ҳаробалари кўзга ташланиб туради. Саройнинг 3 та буржи бўлиб, бу буржларнинг баландлиги 25 метрга етади. Шаҳарнинг жанубида бош дарвозаси бўлиб, у Хоразмда ҳозир ҳам учрайдиган катта уй (ҳовли)ларнинг дарвозаларига ўхшайди, дарвозадан ичкарига кирилган захоти тўғри бурчакли қилиб солинган уйга дуч келинади, шу уйдан марказий кўча бошланади. Ўн метр кенликдаги бу кўча тўғри ҳокимнинг саройига ва шаҳар ибодатхонасига олиб кирадиган дарвозага бориб тақалади. Шу

кўчанинг охиридан ўннга қараб кетган кўча бозорга олиб чиқади. Бош кўчанинг ҳар томонида бир-бирига тўғри келадиган тор кўчаларда кўп хонали катта уйлар солинган. Қалъанинг ички архитектураси Жонбосқалъага ўхшаб кетади /23/.

Тупроққалъа мунтазам тархга эга. Жаҳон шаҳарсозлиги тарихидан шу нарсга маълумки, асрлар давомида шаклланиб келган шаҳарлар тарҳи номунтазам кўринишга, аксинча бир вақтда бунёд этилган шаҳарлар мунтазам кўринишга эга бўлган. Бу мунтазамлик кўпхолларда маълум ўлчов бирлиги асосида вужудга келган. Масалан, Авестодаги «вара»ни бунёд этилишида «от чопими» бирлиги қўлланилган /25/. Қадимги иккидари оралиғининг Борсиппа шаҳрида, тахминан 59 метрга тенг бўлган «ашлу»-арқон бирлиги ишлатилган. Қадимги Хитойда эса "Чжоули" қўлланмасида шаҳарларни режалашда чорак «ли»-125 метр бирлигини қўллаш тавсия этилган /30/.

Тупроққалъанинг хандасавий тузилиши кузатилганда ўлчамларнинг ўзаро боғланганлигини сезиш мумкин. Шаҳардаги ўлчамларни ўзаро солиштириш (баъзи) хулосаларни чиқариш икониётини беради:

- шаҳар жанубидаги кўндаланг кетган ўртадаги кўча шимолда жойлашган мураббани-квадратни ажратиб туради;

- қалъанинг асосий шакли томонлари олтин кесмада бўлган тўртбурчакка яқин;

- юқорида айтилган мураббанинг жануби-шарқдан шимоли-ғарбга кетган диагонали бўйлаб яна учта кетма-кет мураббалар келади: ибодатхонани ўз ичига олган мурабба, саройнинг ўртасидаги пастахроқҳажмининг асосидаги мурабба ҳамда саройнинг шимоли-ғарбидаги баланд ҳажмининг асосидаги мурабба;

- асосий кўча маҳаллотнинг ўртасидан ўтади;

- кўндалангига кетган ўнта кичик кўчалар маҳаллотни тенг ўн иккита қисмларга ажратади;

- саройнинг уч баланд ҳажмлари ўзаро тенг бўлиб, ўртадаги пасткамрок

хажм билан ягона модул асосида қурилган.

Тупроқалъада булардан бошқа хандасавий мутаносибликлар ҳам бўлиши муқаррар.

Илк ўрта аср даврида Хоразм шаҳарларининг тенгги йўқ дабдабали резиденцияси бўлган Тупроқалъа саройи номаълум сабабларга кўра IV асрга келиб ташландикқа айланиб бўшаб қолади, шаҳардаги ҳаёт эса VI асргача давом этади.

ҚИЗИЛҚАЛЪА Амударёнинг ўнг соҳилида, ҳозирги Беруний туманида жойлашган бўлиб, у миллоддан олдинги II-III асрларда бунёд этилган. Қизилқалъанинг ташқи кўриниши квадрат шаклида бўлиб баландлиги 13-14 метр бўлган мудофаа девори билан ўралган. Археологик қазилма ишлари олиб борилганида кўплаб топилмалар қўлга киритилган. Кўрғоннинг мудофаа деворлари ва миноралари ҳар хил тамғали, оғирлиги 50-40 кг келадиган хом ғиштдан қурилган. Хом ғишларда «С» ҳарфига ўхшаш ёки ярим ой ҳамда иккита тўғри чизиқли тамғалар, бармоқ излари бўлган. Кўрғонда асосан давлатнинг қўшинлари турган, яъни ҳарбий аҳамиятга молик кўрғон хизматини бажарган. Қалъа ичида қўшин учун икки қаватли хужралар жойлашган. Қизилқалъада аҳоли миллоднинг II-III ҳамда XI-XIII асрларида яшаган. Шу даврларда айрим ўринларда пишган ғишлар ҳам ишлатилган. Қалъага каналлардан ичимлик сувлар хумбузда, куйдирилган кувурлар ёрдамида келтирилган. XII-XIII асрларнинг бошларида қалъада катта таъмирлаш ишлари олиб борилган. 1221- йили Чингизхон қўшинлари томонидан бутун Моварауннаҳр ва Хуросон босиб олинган. Қизилқалъа ҳам муғул босқинчилари томонидан бузиб, яксон қилинади. Натижада қалъада ҳаёт деярлик тўхтаб қолган. Ўлкамиздаги қадимий ва ўрта асрлар тарихига оид бу қалъа деворлари бизнинг кунларимизгача нисбатан яхши сақланиб келган /31/.

КАТТА ГУЛДУРСУН ҳозирги Эллиққалъа туманида жойлашган бўлиб, найзасимон шинакли хушдевор билан ўралган нотўғри тўртбурчак 280x230м) шаклдаги истехкомдир. У Норинжон бобо қадамжоси яқинида 1

та катта сув иншооти: Қирққиз ва Тупроққалъа каналлари бир-биридан ажралган жойда қурилган. Ички ҳовлида илк Кушонлар даврига тегишли катта иморатларнинг қолдиғи бор. Бу қалъа яқинида Қирққиз магистрал каналидан шимоли-ғарб ва ғарбга жуда катта сув иншооти ўтказилган. У Норинжон шаҳри орқали ўтиб Тупроққалъага боради ва Қизилқалъа истехкоми олдида тугайди. Жилдиққалъа районида ундан чиқарилган шаҳобча ўзанининг кўпқисми ҳозир хум остида қолиб кетган бўлиб, этаги Аёзқалъадаги тоғ ён бағирларида пайдо бўлади. Мана шу шўр сув иншоотларининг бош қисмини мудофаа қилувчи ва сув тақсимлаш ишларини бошқарувчи марказий идора Гулдурсун қалъасида бўлса эҳтимол.

АЁЗҚАЛЪА рустоғи Амударёнинг ўнг томонида жойлашган тўлиб, мажмуага кирган қишлоқ ва шаҳарчалари унда кўп микдорда топилган кушон даври тангаларига қараганда милоднинг II асрларида дайдо бўлган. Қишлоқ узок яшамай, ундаги ҳаёт III-IV асрларда тугаган. Шунини ҳам қайд қилиб ўтиш лозимки, бу кўрғонларда аҳоли зич яшайдиган Гулдурсун, Жонбосқалъа, Дазорасп, Тупроққалъа истехкомларга ўхшаш антик шаҳарлардан узокда жойлашган озод дехқонларнинг қишлоқ уйларини қуришимиз мумкин /23/.

ГОВУРҚАЛЪА Кушон империясининг шимолий чегараларидаги кучли мудофаа иншоотлари таркибига киради. Қалъа Амударё қирғоғида, Султон Увайс тоғининг ғарбий тизмларини кесиб ўтган жойда, дарс ва дарс бўйлаб келадиган йўлни мудофаа қилишга қулай бўлган баланд ғоя устига қурилган. Бу истехком таҳминан II-III асрларга оид бўлиб, мудофаа вақтида унинг таркибига ҳарбий кемалар ҳам кирган. Говурқалъа икки қатор шинакли хушдеворлик оғиш тўртбурчакдан иборат. Деворнинг бошқа қаторида ундан бир оз баландроқ кўтарилган, ораси 20 м масофада қўйилган тўғри бурчакли буржлар мавжуд. Деворга қўйилган катта ва қалин (40x40x10см) ғиштнинг деярли 20-30 % ига тамға босилган.

АНҚАҚАЛЪА Кушон империясининг сўнгги даврларидаги мудофаа иншоотларидан бири бўлиб, бу ёдгорлик Кўйқирилган қалъадан икки

километр шарқда, қадимги кўрғон ва қишлоқ харобалари ўртасида жойлашган.

Анқақалъа унча катта бўлмай, бошқа антик истехкомлардан катта қолипли ғиштлардан қурилган ва кўш девор билан ўралган. Қалъа дарвозаси шинакли тўғри бурчакли буржлардан иборат. Квадрат шаклдаги бурчак буржлари (11x11 м) қурилиш жихатидан бошқа ёдгорликлардан фарққилиб, ўзига хос хусусиятга эга. Истехком ўртасида қалъанинг ўзига ўхшаш квадрат шаклидаги (18x18 м) уй харобалари унинг ўртасида эса 2,5x2,5 м келадиган чуқурлик бор /23/.

III асрда Хоразмда қушонлар билан курашда ғолиб чиққан сиёсий гуруҳ-афритийлар сулоласига асос солинади. Бу янги сулола Тупроққалъага таянган ҳолда ўз ҳокимиятини дастлаб воҳанинг ўнг қирғоғида ўрнатади.

Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, антик даврдаги Қадимги Хоразм шаҳарлари милоддан аввалги биринчи минг йилликдан шаклланиб келган. Антик давр шаҳарсозлиги олдинги шаҳарсозлик анъаналарига таянган. Қўйқирилганқалъа, Хазорасп, Тупроққалъа Жонбосқалъа шаҳарлари геометрик мутаносиблик асосида қурилганлиги антик даврдаги шаҳарсозликнинг юксак даражада ривожланганлигини кўрсатади. Қадимги даврда пайдо бўлган шаҳарлар қаторида ҳозиргача ҳаёт кечираётганлари ҳам мавжуд (Хива, Хазорасп). Уларнинг тарҳларидаги жиҳатлар дастлабки бор қадимги даврда белгиланган.

Қадимги Хоразм энг қадимги шаҳарлар қаторида пайдо бўлган мамлакатлигидан далолат беради. Буни биз мил. олдинги VIII-VII асрларда пайдо бўлган Хива, Хазорасп қалъалари, мил. олдинги VI асрда пайдо бўлган Кўзалиқир ва Қалъалиқир шаҳарлари мисолида англашимиз мумкин. Лекин шаҳарсозликнинг куртаклари ундан олдинги даврларга мансубдир («Авесто» даги «вара» тўғрисидаги маълумотлар). Шаҳарлар деворлари паҳса ва йирик хом ғиштдан аксари бирнеча (икки ва уч) қатор ва икки қаватли қилиб қурилган.

Милоддан аввалги IV-асрлар қадимги Хоразмнинг гуллаб яшнаган

даври бўлиб, бу даврга оид шаҳарлар жуда ҳам кўп ва хилма-хилдир. Шаҳарларда мамлакат чегарасини кўриқлаш (Говурқалъа), каналларни сақлаш ва сувни тақсимлаш (Катта Гулдурсун) каби функцияларни ҳам бажарган. Айрим ҳолларда манзилгоҳлар ҳар бири мустаҳкам деворли катта-кичик уйлардан ташкил топган; уларда умумий девор бўлмаган (Аёзқалъа рустоғи).

Хоразм шаҳарлари ўзларининг юқори даражадаги фортификацион сифатлари билан тавсифланади. Бу сифат 1995 йилда очилган Акчахонқалъа мисолида яққол кўринади. Қадимги даврда пайдо бўлган шаҳарлар қаторида ҳозиргача сақланиб келаётганлари ҳам мавжуддир (Хива, Кўхна Урганч, Шоббоз, Хазорасп). Қадимги даврдаёқ шаҳарларда ҳудудий бўлинишлар мавжуд бўлган; чунончи Жонбосқалъа ва Тупроққалъаларда бош кўчалар билан иккига бўлинган; бундан ташқари Тупроққалъа яна марказлари кўп хонали катта уйлар билан ажралган ўн бўлакка-махаллаларга бўлинган.

2.4. Қадимги Хоразм ёдгорликларини ўрганиш

Қадимги ва ўрта асрлардаги Хоразм ёдгорликларини археологик жиҳатидан мунтазам ўрганиш XX асрнинг 30-йиллари ўрталаридан бошланди ва бу иш ҳозиргача давом этмоқда. Уни тўрт босқичга бўлиш мумкин:

- уруш давригача (1936—1940 йиллар) олиб борилган тадқиқотлар;
- урушдан кейинги даврда (1945—1958 йиллар) олиб борилган тадқиқотлар;
- 1959—1990 йилларда олиб борилган тадқиқотлар; мустақиллик йилларида олиб борилаётган тадқиқотлар.

Қадимги ва ўрта асрлардаги Хоразм ёдгорликларини тадқиқ қилишнинг биринчи ва кейинги босқичлари академик Я. Ғуломов, П. Толстовларнинг номи, собиқ СССР ФА ЭИ Хоразм археология экспедицияси фаолияти билан боғлиқ. 1936—1940 йилларда қадимги Хоразмнинг Катта Гулдурсун, Нил қалъа, Хазорасп, Қалъажик Олмаотишкан, Хива, Жигарбанд ва бошқа

шаҳарлари Я.Ғуломов томонидан ўрганилди. Олим ўша пайтдаёқ Хива шаҳри кушонлар даврида Ичан қалъа доирасида қисман сақланиб қолган мудофаа иншоотлари негизида қурилган, деб ҳисобланганди. Я.Ғ. Ғуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиши тарихидан» асари 50-йиллар бошида сўл соҳил Хоразм ёдгорликлари гидрографиясини ва тарихи бўйича барча материалларни, шу жумладан ёзма манбалар ҳамда этнография материалларини ҳам ўз ичига олганди. Я.Ғ.Ғуломов 1936 йилда Хазорасп қалъасини текшириб, у мил. ав. IV—III асрларда юзага келган деб олдиндан белгилаб берганди /20/.

1937 йилда профессор С.П. Толстов раҳбарлиги остида Хоразм археология (1945 йилдан археология-этнография) экспедицияси тузилди. Шундан сўнг Оролбўйи ёдгорликларини мунтазам тадқиққилиш ишлари жадал бошлаб юборилди. Хоразм археология экспедицияси дастлабки йиллардан бошлаб шуғулланган илмий муаммолар орасида Хоразмдаги мусулмонликкача бўлган ёдгорликлар тарихи муҳим ўрин тутди. Экспедициянинг биринчи мавсуми очилгач, I—III Аёзқалъа, Думан қалъа, Жилдикқалъа рекогностик тарзда текширилди, Н.Ғ.Ғуломов бошлаган Катта Гулдурсун ва Пил қалъа вайроналарини текшириш ишлари давом эттирилди. Антик давр Хоразм ёдгорликлари тавсифининг илк бор берилиши бу ишнинг жуда муҳим натижаси бўлди. Умуман археология қидириш ишлари якунлари Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл ва Шаббоз туманларининг шимоли-шарқидаги чўл жойлар қадимдан суғорилган ерлар бўлганлигини кўрсатди.

Хоразм экспедициясининг С.П. Толстов, Я.Ғ.Ғуломов ва Е.А.Лоляковдан иборат таркибдаги қидириш гуруҳи 1938 йилда ишни давом эттирди. Антик ёдгорликлардан Қўйқирилганқалъа, Қўрғошинқалъа, Бозорқалъа, Жонбосқалъа, Қизилқалъа, Тупроққалъа, Катта ва Кичик Қирққиз, Анқақалъа, Кўзиқирилганқалъа текширилди. Бу иш натижасида мил. авв. IV аср — мил. IV аср ёдгорликлари катта мажмуи ва уларнинг санаси аниқроқ белгиланди /20/.

1939 йилда Хоразм экспедицияси археологик қидириш ишларини уч

йўналишда олиб борди. Биринчи йўналиш Амударёнинг Чоржўйдан Тўрткўлгача бўлган ҳар икки соҳилини ўз ичига олди. Натижада ўнг соҳилдаги Устик, Тупроққалъа (ўнгсоҳил), Дошқалъа ва сўл соҳилдаги Қушқалъа I, Тупроққалъа (сўлсоҳил), Дояхотин, Жигарбанд, Хазорасп қалъари текширилди. Учинчи — Чарманёб йўналишида Кўнарлиқалъа, Ловданқалъа, Қалъалиқир 1 ва 2, Кўхнауз: Кўзалиқир, Шохсанам, замахшар, Говурқалъа 1 ва 2 текширилди.

Иккинчи йўналиш ўнг соҳил Хоразмнинг қадимги суғорилган ерларини қамраб олди. Бу ерларнинг тарҳи чизилди, батафсил архитектура ўлчови ўтказилди (Жонбосқалъа, Аёзқалъа 1 ва 3 ва б.), терма материал ёғилди (Бозорқалъа, Қўйқирилганқалъа, Анқалъа, Пилқалъа), Аёзқалъа ва Жонбосқалъада қазилган ишлари олиб борилди. Қадимги суғориш тизимини тадқиққилиш натижасида ўрта асрларга оид манбаларда қайд этилган Амударё ўнг соҳилидаги каналлар ўрнини аниқлаш мумкин бўлди.

Экспедиция 1940 йилда ўзининг асосий иш ҳудудида — Амударё ўнг соҳилидаги қадимги суғорма ерларда қазилган ишлари олиб борди. 1938 йилда аниқланган Тупроққалъа шаҳристони текширилди. Бу ерда кеч антик Хоразм шаҳари тарҳи илк бор аниқланди. Анқалъа, Қаватқалъа, Қўйқирилганқалъалар тарҳи истиқболни мўлжаллаб чизилди, Бозорқалъада терма материал ёғилди, шурф қазилди. Эресқалъа, Қаватқалъа шаҳристони, Думанқалъа ва жануби-шарқий Қорақалпоғистоннинг бошқа ёдгорликлари схематик тарҳи чизилди, Архитектура ўлчовлари ўтказилди.

Шундай қилиб, иккинчи жаҳон уруши бошлангунига қадар Хоразм археология экспедицияси ҳодимлари томонидан қадимги Хоразмнинг гуллаб ёдгорликлари олдиндан ўрганилди. Натижада Хоразм маданиятининг мил.авв. IV—III асрлардан мил. XIV асргача бўлган даврни қамраб олувчи тавсифи илк марта юзага келди /20/.

Урушгача бўлган даврда олиб борилган ишлар якуни СП. Толстовнинг «Қадимги Хоразм» монографиясида берилди (М, 1948). Ҳозирги мезонларга кўра жуда кам бўлган археологик материал асосида Хоразм тарихи энг

қадимги замонлардан ўрта асрларгача даврлаштириб берилди. Ҳарбий истехкомлар масалаларидан ташқари Қадимги Хоразм ҳарбий иши ва қуроллари соҳасида ҳам қизиқарли фикрлар айтилди. Антик Хоразм тўрт даврга бўлинди: уй-жой деворлари бўлган шаҳристон маданияти (мил.авв. VI—IV асрлар), «Канхха» маданияти (мил.авв. IV аср — мил. I аср), «Кушонлар» маданияти (мил. II—III асрлар) ва «кушон-африг» ўтиш маданияти (мил. III—V асрлар). Бундан ташқари, 1950 йилда В.Огородниковнинг С.П.Толстовнинг мазкур асарига ёзилган тақризи эълон қилинди.

Иккинчи босқич урушдан кейинги йиллар бўлиб, бу босқичда Хоразм археология экспедицияси кенг кўламда иш олиб борди. Бунда Хоразмнинг қадимги ва ўрта асрлар ёдгорликларини аниқлаш ҳамда ўрганиш ҳам муҳим ўрин тутди. Айти маҳалда кеч антик даврда Хоразм қалъасозлигининг чўққиси бўлган Тупроққалъа шаҳристонидан кўп йиллик стационар қазилар ишлари бошланди. 1946 йилдан ўнги соҳил ва сўл соҳил Хоразм ёдгорликлари археологик авиаразведка қилинди ва суратга олинди. Қорақалпоғистон Республикасининг қадимги суғорма ерлари, Туркменистоннинг Тошхөвүз вилояти шимолий чеккалари, шунингдек Қуйи Амударё илк бора археологик авиаразведка қилинди ва суратга олинди.

Кўзалиқир ва Қалъалиқир-1 шаҳристонларини тадқиққилиш натижасида қадимги Хоразмнинг архаик даврига кириб борадиган ҳарбий истехкомлар тизимининг кўплаб хусусиятлари маълум бўлди. Қўйқирилганқалъа ибодатхона-мақбара истехкомида 1951—1957 йиллардаги қазилар ишлари даврида қизиқарли материал қўлга киритилди. Археологлар Ю.А.Рапопорт ва С.В.Трудновскаялар томонидан олиб борилган ишлар Султон Увайс тоғидаги Говурқалъа ҳарбий истехкомнинг ишқилиши хусусиятини кўриб чиқишда катта ёрдам беради.

Хоразм экспедицияси ходимлари 1958 йилдан бошлаб қадимги Хоразмнинг ҳозирги маданий зонада жойлашган археологик ёдгорликларини қазиларга киришдилар. Шулардан бири Хоразм вилояти Хазорасп тумани

маркази ҳудудида жойлашган Хазорасп қалъаси эди. 1959—1960 йилларда ҳам шаҳристонда қазииш ишлари давом этди. Қалъа деворлари мил. авв. IV асрдан мил. XIX—XX асрларгача бўлган даврда кўп марта қайта қурилгани ва таъмирлангани маълум бўлди.

Ўрта асрларга оид Шохсанам шаҳар-қалъасида олиб борилган қазииш ишлари натижасида илк антик даврдан то мўғуллар истилосигача бу ерда ҳаёт узлуксиз давом этгани аниқланди. Отиш йўлаклари ва найзасимон шинаклари бўлган, кириб чиқилаётган даврга тааллуқли қалъа деворлари очилди. Янги антик ёдгорликлар (Буддимсоз, Манрир қалъа, Қапарас ва б.) аниқланди.

Учинчи босқичда олиб борилган ишлар натижасида қадимги Хоразм ёдгорликлари тадқиқоти анча кенгайди. Тупроққалъа, Кўзалиқир, Қалъалиқир 2, Хивадаги Тупроққалъа, Говурқалъа 3, Қўрғошинқалъа, Кичик Қирққизқалъа истехкомлари батафсил ўрганилди. Антик истехком Қапарас (1971—1975), Елҳарас мажмуида (1973—1975) қазииш ишлари олиб борилди. Ўрта асрларга оид шаҳарлар Жигарбанд (1974—1976) ва Садварда (1972—1975) илк антик давр Хоразм ҳарбий истехкомлари принципларига тўлиқ жавоб берувчи қадимги истехкомлар борлиги аниқланди /20/.

Хоразм археология экспедицияси Сирдарё Қуйи окимида олиб борилган тадқиқотлар кўчманчиларнинг кўплаб истехкомли манзилгоҳларини (Чирик Работ, Бобиш Мулла, Баланди, Жетиасар, Олтинасар, Уйгаргак Чакирли ва б.) аниқлаш имконини берди. Масалан, 1948, 1949 ва 1351 йилларда Жетиасар 3, 9 шаҳристонларида қазииш ишлари олиб борилди. 1973 йилда Жетиасар шаҳристонларини янгидан қазииш ишлари бошланди. С.П.Толстов таснифича, Жетиасар маданияти ёдгорликлари уч турга бўлинган: ичида ҳам истехкомли катта бино бўлган 1— истехкомли Қўрғон (Жетиасар №1); 2— ҳарбий истехкомлар тизими (буржлар, маҳкамланган дарвозалар) кучли ривожланган ва девор ичида иморатлар изи бўлмаган қалъа (Жетиасар шаҳристони № 2, 5, 6, 7, 13, 15, . 3—ҳарбий истехкомлари тизими юқоридагидек ривожланган, лекин ичида уй-жой иншоотларининг кўплаб ва

хилма-хил қолдиқлари бўлган қалъа.

Хоразмнинг дашт қабилалари, айниқса, апасиаклар билан алоқаси ўрнатилди. Қалъа уйларининг, мақбара вазифасини ўтайдиган махсус биноларнинг қурилиш техникаси ҳамда архитектурасида хоразмийлар ёдгорликларига ўхшашлик мавжуд. 60-йиллар ўрталарида М.Л.Левина томонидан Жетиасар маданияти ёдгорликларини даврлаштириш аниқлаб берилди. Хоразм экспедициясининг урушдан кейинги даврда олиб борган иш якунлари С.П.Толстовнинг «Оке ва Яксартнинг қадимги дельталари бўйлаб» (1962) китобида, Хоразм экспедициясининг ўн бир жылдан иборат асарларида, экспедиция материаллари чоп этилган ўнта китобда, экспедиция ходимларининг монография ва мақолаларида берилган. Улар орасида Қадимги Хоразмнинг алоҳида ёдгорликлари: Султон Увайсидаги Говурқалъа, Кўзалиқир, Кўхнауз, Шохсанам ва бошқаларда олиб борилган археологик қазиш ишлари натижаларига бағишланган материаллар бор /20/.

Қадимги Хоразм ҳарбий истехкомларини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган қурилиш техникаси ва материаларига алоҳида мақола ва махсус диссертация бағишланган.

Қадимги Хоразм истехкомлари билан бевосита боғлиқ, қишлоқ манзилгоҳлари тўғрисидаги урушдан олдинги ва урушдан кейинги маълумотлар Е.Е. Неразикнинг китобидаги (1976) антик давр манзилгоҳларига бағишланган бобда умумлаштириб берилган. қишлоқлар фақат истехкомли йирик манзилгоҳлар (Катта Гулдурсун, Бозорқалъа, хрокқалъа ва б.) атрофидагина эмас, балки кичик хажмдаги манзилгоҳлар (Кўрғошинтепақалъа, Жонбосқалъа ва б.) атрофида ҳам қад кўтариб борганлиги аниқланди. Бу истехком манзилгоҳлар бир пайтлар воҳд тизимини ташкил қилган ва алоҳида каналлардан суғорилган. Уларнинг ҳар бири муайян воҳанинг маркази бўлган.

Хоразм археология экспедициялари билан бир вақтда Туркманистон олимлари ҳам Хоразмнинг шимоли-шарқидаги қадимги ёдгорликларни тадқиқ қилишди. Кўрғонқалъа, Булдимсоз, Канхдақалъа 2, Манрирқалъа ва

Хоразмнинг бошқа кўхна ёдгорликлари ўрганилди. Қадимги Гурганж — Кўхна Урганч тўғрисида илк маълумотлар пайдо бўлди. Кўхна Урганч шаҳристони шимоли-шарқий қисмидаги Қирқмулла тепалиги қазилганда мустаҳкам қалъа деворлари ва квадрат буржлари бўлган қадимги истехком харобалари топилди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, қалъа мил. авв. IV—III асрларда қурилган ва кўп асрлар давомида мавжуд бўлган.

Қадимги Хоразм ёдгорликларини ўрганишнинг учинчи босқичи ҳам Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Н.Довқораев номидаги Тарих тилва адабиёт институти (1991 йилдан эътиборан УзФА Қорақалпоғистон бўлими тарих археология ва этнография институти) ходимларининг иши билан боғлиқ УзФА Қорақалпоқ филиали тарих тил ва адабиёт институти археологик отряди томонидан 1959—1962 йилларда антик Тўққалъа шаҳристонида стационар қазиш ишлари олиб борилди. Мил. авв. IV—III асрлар — мил. III аср ҳарбий истехкомлари қазиб очилди /20/.

Урганчдан узоқ бўлмаган масофада жойлашган Миздахқон қуриб чиқиладиган даврда йирик шаҳар бўлган. Бу ерда 1962, 1964—1966 йилларда Говурқалъа (Миздахқон шаҳристони) стационар ўрганилди. Илк бор антик давр мудофаа иншоотлари аниқланди ҳамда қадимги шаҳар топографияси белгиланди.

1964 йилда жануби-шарқий Устюрт атрофидаги худудларда иш давом эттирилди. Катта Айбўйирқалъа, Девкесган, Бутентовқалъа 1 ва 2, Қўрғонқалъа ва Қалъажик сингари антик қалъалар рекогностик тарзда ўрганилди. 60-йилларнинг охирида Аёз қалъа 1, Бурли қалъа ва Чилпик шаҳристонлари тадқиққилинди.

70-йиллар бошидан Қадимги Хоразм ёдгорликлари кенг кўламда ўрганила бошланди. Археология ишлари асосан Амударёнинг сўл соҳилида авж олдирилди. Натижада 1973—1976 йилларда "УзФА Қорақалпоғистон филиали ходимлари томонидан Хоразм вилоятининг археологик картаси тузилди. Кейинчалик 1976—1993 йилларда Амударёнинг сўл соҳилида археологик рекогностик ва стационар ишлар олиб борилди. Хоразм вилояти

ва Қорақалпоғистон Республикасининг антик ёдгорликлари ўрганилди. Булар: Хоразм вилоятида — Хивадаги Тупроққалъа, Шовотдаги Тупроққалъа, Янгиарикдаги Тупроққалъа, Олмаопишкан, Сулсоҳил Қиёт, Военган, Хива, Қорақалпоғистон Республикасидаги Катта Айбўйирқалъадир. Хивадаги мил. авв. V—IV асрларга оид мудофаа иншоотлари тизимига кирувчи Ичан қалъа ва Тупроққалъа, Катта Айбўйирқалъа анча батафсил текширилди. Антик даврдаги Хоразм ҳарбий истехкомлари тўғрисидаги тасаввурларни анча бойитиб, кенгайтирган янги материаллар аниқланди. Бу ишларнинг натижаси алоҳида мақолаларда ёритилди. Бу материалларнинг бир қисми М. Мамбетуллаевнинг докторлик диссертациясига асос бўлдики, унинг бир боби Жанубий Хоразм мудофаа иншоотлари масалаларига бағишланган. Муаллиф стратиграфик маълумотлар ва жойлаштириш хусусиятларига қараб Жанубий Хоразм мудофаа иншоотларини нисбий даврлаштиради ҳамда дастлабки типологии таснифини беради. Тадқиқотлар натижасида муаллиф мил. авв. IV—III асрларда Жанубий Хоразм чегараларида, шимолдаги каби, истехкомлар занжири юзага келади, деб хулоса чиқаради /20/.

Қадимги Хоразм ҳарбий истехкомлари ҳамда қурилиш техникаси масалалари «Археология СССР» монографиясида ҳам кўриб чиқилган.

Муаллиф ҳарбий истехкомлар масаласини бундан буён ҳам ҳар томонлама ўрганиш зарурлигини ҳисобга олиб, 1974—2006 йилларда ҳам мустақил, ҳам Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали тарих тил ва адабиёт институти археология отрядлари таркибида қадимги Хоразм ҳарбий истехком иншоотларида тадқиқот ишларини олиб борди. Катта ва Кичик Қирққизқалъа, Қўрғошинқалъа, Эресқалъа, Аёзқалъа 3, Анқақалъа, Қизил қалъа, Султон Увайс тоғидаги Говур қалъа, Девкесган, Девкесган гови, Оқшахон қалъа ва қадимги Хоразмнинг бошқа мудофаа иншоотлари ўрганилди.

Девкесган қалъанинг мил.авв. IV—III асрлардан мил. X—XVI асрларгача бўлган ҳарбий истехком иншоотларининг асосий хронологик

босқичлари, ривожланиш динамикаси илк бора аниқланди. Қўрғошинқалъа, Катта ва Кичик Қирққизқалъа, Қизилқалъа, Анқақалъа ва бошқа қалъаларда қадимги Хоразм ҳарбий истехкомлари бўйича илгари маълум бўлмаган материаллар қўлга киритилди. Девкесган ғовида олиб борилган қазилма ишларида жуда муҳим янги стратиграфик материалга эга бўлинди. Тадқиқотлар натижаси Девкесган ғови амал қилган давр ва унинг функционал вазифаси масаласига ойдинлик киритиш имконини берди.

Кеч антик ёдгорликларидан Окчунгул ва Кетмончи бобо аниқланди. Кетмончи бобо, эхтимол, учта халқаро савдо йўлидан бирида тўхтаб ўтайдиган жой бўлгандир.

Қадимги Хоразмнинг энг йирик шаҳарларидан бири — Ақчахон-қалъада (мил. авв. IV—III асрлар — мил. IV аср) бошлаган қазилма ишлариистикболли бўлиши мумкин, бу ерда муҳофаа тизимининг янги элементлари аниқланди. Оқшахонқалъанинг минтақавий «Ташқи»—узун девори топилди.

Ақчахонқалъада 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида қадимги Хоразм шаҳарларини тадқиққилишнинг сўнги босқичи тўғри келади. Хоразм Маъмун академияси ва Урганч Давлат университети илмий ходимлари шу йилларда Олмаотишкан, Дашқалъа 2, Хазорасп ва бошқа шаҳарларни текширдилар. Зеро, мамлакатимиз мустақилликка эришганлиги шарофати билан бу борада чет эллик олимлар билан биргаликда ишлашимиз учун кенг йўл очилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими Тарих археология ва этнография институти ва Австралиянинг Сидней университети олимлари ҳамкорликда археологик тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Биз юқорида қадимги Хоразм муҳофаа иншоотларида олиб борилган археологик тадқиқотларни қисқача таҳлил қилдик. Энди шу муҳофаа иншоотларини муаллиф томонидан тадқиққилинишиҳақида қисқача тўхтаб ўтамиз /20/.

II бобга хулоса

Мил.авв. V-IV асрлар бўсағасида қадимги Хоразм давлати шаклланди, ўзига хос "урбанизацион портлаш" содир бўлди, шаҳар марказларининг бутун бир туркуми юзага келди. Сарҳадларда чегара қалъалари тизими ва узун деворлар барпо этилди. Кўчманчилар Хоразм чегараларидан, эски кишлоқ жойларидан суриб чиқарилди. Лекин бу кўчманчилар билан уруш муносабатларида бўлинди, дегани эмас. Ўтроқ дехқонлар ва шаҳар аҳолисининг кўчманчилар билан ўзаро муносабатлари икки хил кўринишда бўлди. Улар дам чорвачилик маҳсулотларини тинч айирбошлашган бўлса, дам уруш ҳолатида бўлишган. Даштликлар талон-торож қилиш мақсадида шаҳарларга қўққисдан хужум қилиб туришган.

Агар Қўрғошин қалъа минтақасидаги қалъаларда олиб борилган тадқиқотлардан воҳа мудофааси ташкил қилинганлиги аниқланган бўлса, уларнинг истехкомлари ва манзилгоҳлари тинч алоқалар ривож топганидан далолат беради. Хоразмнинг шимоли-ғарбий чеккасида жойлашган қадимги ёдгорликлар - Катта Айбўйирқалъа ва Девкесганқалъалар фақат истехком бўлмай, балки хунармандчилик ва савдо пунктлари бўлгани ҳам аниқланди.

Ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ҳудудида жойлашган Оқчаҳонқалъа Хоразмда энг йирик пойтахт ёдгорлиги бўлган деб тахмин қилинмоқда. Хоразмнинг пойтахт маркази Амударёнинг ўнг соҳилига кўчирилгани ёзма манбааларда ва Оқчаҳонқалъада олиб борилган археологик қазишда ўз тасдиғини топган. Бу пайтда шу ерда яна бир ижтимоий ва маданий марказ - Тошхирмонтепа ҳам ҳукм сурган. Шу билан биргаликда Тупроққалъа шаҳристони ҳам Хоразмшоҳлар пойтахти бўлганлиги ёзма манбааларда таъкидлаб ўтилган.

Мил.авв. I-IV асрларда ҳарбий архитектурада қадимги Хоразмнинг илк антик даврдаги мудофаа тизими усул ҳамда элементлари қўлланишда давом этди. Майдони катта бўлмаган истехкомларнинг кўплаб вужудга келишини бу пайтдаги ҳарбий меъморчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан деб ҳисоблаш мумкин.

Шундай қилиб антик даврда қадимги Хоразм муҳофаа иншоотлари санъати Марказий Осиё муҳофаа иншоотлари, хусусан Хоразм шаҳарсозлиги санъат даражасида бўлган. Бу ерда истеҳкомли иншоотлар қуриш мактаби мавжуд бўлган, деб таъкидлаш мумкин.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш зарурки, қадимги Хоразм ҳарбий архитектураси Ўрта Осиёдаги урбанизация жараёни ривожланишининг сўнгги нуқтаси бўлган эмас. Кейинчалик илк ўрта асрлар ва ўрта асрлар феодал муҳофаа иншоотлари юзага келди. Шу билан бирга, илк ўрта асрлар ҳамда ўрта асрлар ҳарбий истеҳкомлари янада қадимгироқдаврларнинг кўп элементлари ўзида сақланиб келмоқда.

Шундай қилиб юқорида қурилган қадимги Хоразм шаҳарсозлик дурдонлари бўлган бу қалъаларга туристик маршрутлар қилиш натижасида, ташриф буюраётган чет эллик туристлар ва маҳаллий туристларнинг сонини шакл-шубҳасиз ошириш мумкин деган хулосага келса бўлади.

III Боб. САЙЁҲЛАРГА КЎРСАТИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН ШАҲАРЛАР ТАСНИФИ

3.1. Тарихий шаҳарлар структурасида туристик ташкилотларининг тизими

Тарихий шаҳарларнинг қайта таъмирланиш шароитида туристик ташкилотларни яратиш бу жуда мураккаб тадбирдир.

Бу ерда туристлар оқимини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш системасини моддийлаштириш борасидаги муаммоларга тўхталиб ўтиш керак. Туристлик ташкилотларни тартибга солиш ва уларнинг кўламини миқдор жиҳатдан ҳисоб китоблар асосида, йил давомида ёзги ёки қишки мавсумларда маҳаллий ва хорижий оқимининг ўсишини аниқлаш ётади. Амалиётлар шуни кўрсатадики қишки мавсумда маҳаллий туристлар ёзги мавсумга қараганда 50 % га камаяди, хорижий туристларнинг миқдори эса 2-3 га камаяди.

Лекин кузги - қишги мавсумда туристлар миқдорининг камайиши

вазиятни яхшилаш ўрнига аксинча мураккаблаштиради, яъни туристлар қанча кўп мамлакатга кириб келса, мамлакатга қанча кўп хорижий туристлар ташриф буюрса, туристик объектларда, ташкилотларда, фаолият юритувчи персоналларни иш билан таъминлаш имконияти шунча кўп бўлади. Агар туристлар оқими кам миқдорда бўлса, уҳолда оммавий ишсизликни олдини олиш имкони бўлмайди. Негаки туризм соҳасида аҳолининг 68 % фаолият юритади.

Шунинг учун, туристларга хизмат кўрсатиш объектларнинг барчасини ёзги шарт шароитлардан келиб чиқиб қурилган ҳолда тўғри тартибга солиш энг муҳим вазифа сифатида тушунилади. Агар 4-5 та шаҳарда жойлашган комплекслардан, туристларни қабул қилиш ва экспорт қилиш асосий коммуникацияларига боғлиқ бўлган 2та комплексни ишлаган ҳолда қолдирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари мамлакатнинг марказий жойларидан 2-3 минг км.узоқда жойлашганлиги туфайли туристлар у ерга ҳаво йўллари орқали ташриф буюрадилар. Шунинг учун қабул қилиш шаҳобчалари - меҳмонхоналар, кемпинглар ва туристик базаларни аэропортлар билан ҳавфсиз ва тез етиб бораоладиган масофаларда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Нафақат аэропортларга яқин жойларда туристик объектларни қуриш оқилона ҳисобланади, балки темир йўл алоқаларини ҳам унутмаслик керак, негаки Ўрта Осиёнинг бошқа мамлакатлардан Ўзбекистонга туристлар темир йўл орқали ташриф буюрадилар.

Туристик ташкилотларни жойлаштиришда туристлар оқими ўтадиган ва туристик объектларга жойлашадиган маршрутларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Қурилиш ҳисоб-китобларига кўра, путёвклар ёки "Интурист" сайёҳлик агентлиги орқали ташриф буюрувчи "ташқиллаштирилган" туристларни меҳмонхона жойлари билан, мотельлар ва туристик базалар билан 100 %, мустақил, яъни ҳеч қандай сайёҳлик агентликлари хизматларидан фойдаланмасдан мамлакатга мустақил равишда ташриф буюрувчи

туристларни - 50 % таъминланишини назарда тутмоқ зарур. Туристларни жойлаштириш, уларни овқатлантириш, савдо, тиббий, маданий, спорт ва бошқа хизмат кўрсатиш турларига бўлган эҳтиёж сайёҳат мавсуми даврида туристлар оқимининг миқдори билан аниқланади.

Ўзбекистоннинг иссиқ ва қуруқ иқлими шароитида қатор юқори даражада санитар гигиеник қулайликлар билан жиҳозланган асосий меҳмонхоналар билан биргаликда унча йирик сарф-харажат талаб қилмайдиган мотеллар, кемпинг, туристик баъзаларни кўп миқдорда яратиш мақсадга мувоиқдир. Ушбу объектларни шаҳар марказларида эмас, шаҳар чеккасидаги зоналарда, табиий шароитларда қурса (жойлаштира) бўлади.

Умумий овқатланиш ташкилотлари туристлар жойлашадиган барча объектларда яратилади. Меҳмонхоналар ва мотелларда ресторан ва кафелар қурилади, йил бўйи фаолият юритадиган турбазаларда қишги типдаги хоналар, ёзги типдаги ва мустақил равишда фаолият юрутувчи ошхоналар учун катта миқдордаги қўшимча жойлар билан таъминланади. Бундан ташқари ресторан ва кафелар туристик маршрутлар ўтадиган жойларда, туристик экскурсиялар кўзланган жойларда, бўш вақт ўтказиладиган жойларда ҳам қурилади. Ёзги мавсумда туристларнинг овқатланиши чўққига чиққан пайитда, яъни бу дегани туристлар кўп бўладиган пайитда қўшимча кўчиб юрадиган буфетлар қўлланилади.

Туристлар учун базаларда ва мотелларда қўлланиладиган умумий типдаги овқатланиш ташкилотлар - ресторанлар, ошхоналар, кафелардан ташқари ўзбек ошхонасининг миллий хусусиятлари ва таом тановул қилиш маросимларини ўзида акс эттирган янги кўп тармоқли махсус ташкилот яратилиши керак. Ушбу ташкилотларнинг ажралиб турадиган жойи шундаки миллий маданий бойликлардан бири ҳисобланган миллий пазандачилик анъаналарини ўзида акс эттирган бетакрор ўзига хосликни қадимий ҳаётни қайта яратишдир. Катта эътибор муҳитдан келиб чиққан ҳолда таом ва ичимликларнинг танланишига қаратилади.

Замонавий миллий таомлар биргаликда қадимий эсдан чиқа ёзган

таомларни, яна республиканинг турли хил туманларига хос бўлган махсус таомларни ҳам тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Қадимги таомларни тайёрлаш ҳам, таом танавул қилиш маросими ҳам турист учун гастрономик, таъмгина эмас, балки билиш аҳамиятига ҳам эгадир. Бу ерда жиҳозлар идиш товоқлар, қандиллар, официантлар кийимининг танланиши ҳам муҳимдир.

Туристларнинг қулайлиги ва уларни максимал ташрифларини таъминлаш мақсадларида юқорида келтириб ўтилган ташкилотни туристлар келадиган жойларга (аэропорт, темир йўл станциялари, турли хил бекатлар ва х.к.) яқинроғида қуриш керак.

Шуни назарда тутиш зарурки, бундай ташкилотларни қайтадан, янгидан янгидан қурилаётган биноларда эмас, балки қадимий жойларда муҳитга мосравишда) жойлаштириш зарур. Бундай ислохотнинг ўзига хос хусусияти шундаки туристларга турли хил сувенирларга эга кенг имконият яратилади.

Сувенир савдоси ташкилотлари, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари каби туризмнинг моддий базаси системасининг асосий қисми ҳисобланади. Шундай мақсадларда, ҳар бир қадимий шаҳарларда бир нечта чел эл ва миллий валютада савдо юритувчи махсус дўконлар қурилиши керак. Бундан ташқари бундай дўконлар, меҳмонхоналарда, мотелларда, кемпингларда ҳам ташкиллаштирилади. Туристик базаларда, бевосита меъморий обидалар жойлашган жойларда, туристлар дам оладиган ва улар ўтадиган маршрутларда турли хил китоблар, буклетлар, сувенирлар, санъат асарлари сотиладиган кичкина дўкончалар жойлаштирилади.

Сувенирлар - туристларга хизмат кўрсатишнинг муҳим ва зарур тармоқларидан бири ҳисобланади. Эсдалик совға сифатида сувенирлар ёрқин санъат маданиятини, халқнинг миллий анъаналарини ва устачилик маҳоратини ўзида мужассамлаштиради. Бир вақтнинг ўзида у туризм саноатининг умумий иқтисодий тизимида даромадли иш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикада сувенирларнинг етишмаётган миқдорини ишлаб чиқиш ва сотиш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан биргаликда маҳаллий ва хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, чакана-ганчкорлик

маҳсулотлари сувенир ишлаб чиқариш соҳасида муҳим ва юқори даражали санъат категорияси ҳисобланади.

Туризмнинг келажакдаги ривожини сувенирларнинг ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасидаги яхшиланишларни талаб қилади. Ўзбекистонда сувенирларнинг ишлаб чиқилиши турли хил маҳсулотларга йўналтирилган бўлиши мумкин. Булар авваламбор чакана-ганчкорлик ва санъат асарларининг қўл меҳнати орқали яратилган маҳсулотлардир. Туристлар ўзларининг қизиқишларини кўпроқ эсдаликларга, гравюраларга, шунингдек, сувенирлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган санъат маҳсулотларида бўлади.

Сувенирлар ишлаб чиқаришда кўпроқ идиш-товоқлар, кийим кечак, заргарлик буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, безак ва билиш хусусиятига эга бўлган буюмлар, керамика, альбомлар, интерьер учун буюмлар каби ихчам буюмларни яратиш даркордир.

Жиддий эътиборни маиший хизматга қаратиш керак. Бундай мақсадларда ҳар бир база, меҳмонхоналарда пойафзал, кийим таъмирлаш кийимларни тозалаш, ювиш, дазмол қилиш, хўжалик иншоотларини ижарага бериш, киноаппаратураларни таъмирлаш каби шаҳобчалар фаолият юритиши керак.

Асосий туристик комплексларда - Бухоро, Самарқанд, Хива каби шаҳарларда йирик маиший хизмат кўрсатиш комбинатларини куриш мақсадга мувофиқдир.

Барча туристик база ва комплексларда тиббиёт шаҳобчалари бўлиши шарт. Бундан ташқари республиканинг стационар тиббий идораларида бетоб бўлган туристлар учун касалхона ётоқлари миқдорини билиш зарурдир.

Туристларнинг дам олишини ва кўнгил хушлик қилишларини ташкиллаштиришда моддий хордиқ чиқариш ташкилотлари, биринчи навбатда кинотеатрлар, концерт зали, театрлар ва бошқалар муҳим аҳамият касб этади. Туристларга кўнгил хушлик кўрсатувчи ташкилотлар ўзбек анъаналари ва урф-одатларида асосланишига муҳим эътибор қаратилади. Бундай байрамларга миллий байрамлар: миллий кураш, кўғирчоқбозлик,

дорбозлик ва ҳакоказолар киради.

Туризмнинг "моддий базаси" тушунчасининг ажралмас қисми бу транспорт воситалари ва инженерлик таъминлаштирмоқлари, бу дегани автобус ва автомашиналарнинг зарур миқдори, гаражларнинг, парклар ва таъмирлаш ташкилотларининг қурилишидир.

Яна бир муҳим, аҳамиятли вазифалардан бири янги туризм объектларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳолатларда кўчиши натижасида турар-жой ва маданий маиший иншоотларни яратишдир.

Шаҳар хўжалигини қайта таъмирлаш ва қадимий маданий нуқтаи назардан қадимий ривожланишини таъминлаш билан ягона ва комплекс вазифадир.

Туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш корхоналари системасини жойлаштириш схемасини танлаш шаҳар қурилишининг ҳолати ва структураси, экскурсион-таништирувчи дастур ва уларни қабул қилувчи маршрутлар схемасини ўз ичига олувчи объектларнинг жойлаштирилиши билан аниқланади. Туристларнинг мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган турар жойларини, уларни бўш вақтларида жалб қиладиган, уларга қизиқарли **ган** шаҳар зоналарини, шунингдек, шаҳар транспорт тармоқлари системаси ва бошқа омиллар таъминланиши керак. Шунинг назарда тутиш керакки, туристларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш бўйича шаҳарсозлик қарорини оқилона танлаш, ҳар тарафлама моддий таҳлил қилинишини талаб қилади, негаки, объектларни жойлаштириш, туристик марказлар ва корхона фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларига, ташкилотнинг унумдорлик даражасига сезиларли таъсир кўрсатади.

Тарихий шаҳарлар структурасига туристик корхоналар, айниқса, асосий туристик комплексларининг йирик ансамблларини киритиш халқнинг миллий ғурури ҳисобланган қадриятларни ўзида намоён қиладиган, шаҳарларнинг тарихий муҳитини сақлаб қоладиган шаҳарсозлик ва архитектура қарорларининг ҳар тарафлама изланишини талаб қилади.

Ҳар бир шаҳар ёки унинг тарихий зоналари индивидуал ёндашувни

талаб қилади. Лекин архитектура ёдгорликларининг амалда қўлланилиши ва мослашиши туристик қурилмалар зонасига кирувчи қайта таъмирланиш ишлари ва ниҳоят замонавий архитектуранинг энг мураккаб муаммоси ҳисобланган янги қурилмаларнинг қадимдан мавжуд бўлган қурилмалар билан мутаносиблиги ва шаҳарсозлик қарорлари ўртасида маълум %-ўхшашликларни топиш унчалик қийин эмас.

3.2. Сайёҳларга кўрсатиладиган қалъалар

Хива — Ичан қалъа. Майдони 26 гектар бўлган бу шаҳар чўзик тўғрибурчак шаклда (3-расм). Пахса асос устига ғиштдан кўшдевор кўтарилган. Девор буржлари тўғрибурчак шаклда, қалъа бурчакларида эса квадрат шаклда бўлган. Қалъа девори тизими бутун периметри бўйлаб асосий девордан 4,30—8,50 м қочиб турган протейхизма билан ўралган. Шаҳар атрофидан кенг хандак қазилган. Кўҳна қалъа мил.авв. V—IV асрлар охири, IV—III асрларда шундай кўринишга эга бўлган.

1985 йилда шаҳристоннинг жануби-шарқий бурчагида қозиш ишлари олиб борилди ва у «III қозишма» деб белгиланган. Бу ер да ҳам, I ва II қозишмалардаги каби, Хива шаҳри девори ҳамда буржининг қадимги бўлагитопилди.

Тархи тўғрибурчак шаклда, ўлчами 5 x 7,50 м бўлган бурж Ичан қалъанинг жануби-ғарбий бурчагидан шимолда жойлашган (4, а, Ы-расм). Шимолий, шарқий ва жанубий деворларнинг сақланиб қолган баландлиги 7 м га етади, ғарбий деворники 1 м. Бурж, афтидан, қалъа девори билан конструктив жиҳатдан боғ, балки унга тақаб қурилган. Тархитўғрибурчак шаклдаги хона (3 x 2,30 м) асосгача қум қоришмада хом ғишт териб кўтарилган (5-расм). Ғишт ажратилганда хонада, материк қатламда мил. авв. I минг йиллик ўрталарига оид сопол парчаси чиқди /20/.

III қозишмага кўра, мил.авв. V—IV асрлар бўсағасида Ичан қалъанинг энг қадимги қалъа девори шаҳарнинг кейин қурилган деворига қараганда бирмунча ичкаридан ўтгани маълум бўлди. Қалъа девори тархи тўғрибурчак

шаклда, бир-биридан 22—27 м масофада жойлашган буржлар билан кучайтирилган. Стратиграфия маълумотларига кўра, буржлар I—III асрларда реконструкция қилинган. Бунда ташқаридан буржга тақаб қалинлиги 1 м ли кўшимча девор кўтарилган, хона кум устига терилган 6 қатор хом ғишт (41-43x41-43 x 10-13 см) билан тўлдирилган. Бу ғиштларнинг деярли ҳаммасига тамға босилган (6, 7, 8 -расмлар).

Катта Қирққизқалъа шаҳристони Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманидаги Бухан Мерей ширкат хўжалиги ерларида жойлашган (9-расм). Бу — найзасимон шинаклари бўлган икки қаватли отиш йўлаги (эни -3 м) ни ўз ичига олувчи кўшдевор билан ўралган, бурчаклари оламнинг тўрт томонига йўналган (250x215 м) мустаҳкам шаҳристондир (10-расм). Ташқи деворнинг қалинлиги 2,8—3 м, иккисиники — 1,6 м. Квадрат шаклдаги хом ғиштан (40-43x40-43x10-12) иборат, девор 3,35 м баландликдаги уч пахса пойдевор устига кўтарилган. Баъзи жойларда пахса орасига қамиш тўшалган. Девор бўйлаб тўғри бурчакли, икки қаватли, бир-биридан 25—26 м масофада жойлашган ва бурчакларида «қалдирғочдуми» шаклини ҳосил қилган зўр буржлар сақланиб қолган (11, 12-расм). Буржларнинг кенглиги 8—9 м, девордан ташқарига 8—9 м туртиб чиқдан. Бурж ички хоналари тархи тўғри бурчакли (4-4,10-4,20x5,40-5,80-6 м). Буржларга кириш жойи 0,90x2,10 м бўлиб, отиш йўлақларига олиб боради. Истеҳком девори ташқаридан 10—12 м баландликда сақланиб қолган ва унда шинаклардан ташқари, йўлак полидан 3,80—4 м. баландликда ёруғлик тушиши учун квадрат шаклдаги дарча қолдирилган. Дарчалар оралиғи 4,5— 4.75 м.

Буржларнинг иккинчи қаватида уч томондан дарча мавжудлиги буржда учинчи — очикқават бўлганлигини тахмин этиш учун асос беради. йўлакларнинг ташқи деворида, 5,50 м баландликда ҳар 0,40— 0,50 м масофада тўсин ўрни (15 x 18—20 см) жойлашган.

Қалъага кирадиган жой шимоли-шарқий девор ўртасида жойлашган ва кўшдарвоза иншооти (22 x 5 м) билан муҳофазаланган. Истеҳком ташқаридан қалъа деворининг ташқи чеккасидан 9—10 м масофада жойлашган,

калинлиги 1 м, сақланиб қолган баландлиги 0,30—0,40 м бўлган протейхизма билан ўраб олинган.

Ташқи девордан шахмот тартибида жойлашган икки қатор найзасимон шинаклар очилган. Шинаклар пахсада найзасимон бостирмагача шундай очилганки, уларнинг асоси, пинакларнинг баландлиги қават даражасида барабар бўлгани ҳолда, шахмот тартибида ҳар хил баландликда (фарқи -0,15 м) жойлашган. Қуйи қаторларда шинаклар ўртасидаги масофа 1,60—2 м. туйнук кенлиги 0,18—0,20 м. Пастки қаватдаги туйнуклар ичкаридан 0,50 м, ташқаридан 1,50 м очилган, йўналтирувчи қиялик бурчаги 60—65°.

Шаҳристонни текшириш (1-шурф) чоғида қўлга киритилган янги сопол маълумотлар (13-расмлар) аввал қабул қилинган санани тасдиқламайди ва уни мил. авв. IV—III асрларга олиб бориб тақаш имконини беради. Катта Қирққизқалъа ҳарбий истехкомларининг хусусиятлари бу санага зид келмайди /20/.

Оқчаҳонқалъа (Қозоқлиётган) шаҳристони 1956 йилда очилган, 1982 ва 1985 йилларда текшириш ишлари олиб борилган. Ушбу ишлар натижасида шаҳристоннинг санаси мил.авв. IV—III асрлар— мил. III асрлар деб белгиланди. Ҳозир маҳаллий аҳоли орасида «Қозоқлиётган» номи билан маълум бўлган ва шу ном билан археологик адабиётларга кирган шаҳристон XX асрнинг 30-йилларигача Оқча(хон) қалъа деб аталгани аниқланди.

Бу ерда 1995 йилдан буён стационар тадқиқотлар ўтказилмоқда, халқаро Қорақалпоғистон—Австралия археологик экспедициянинг асосий объектига айланган ёдгорликда олти жой (I, III, VI, VIII, IX ва X) қазилди, уч -урф (II, V, VII) ва бир неча траншея очилди. Натижада қадимги Хоразмда сурилиш иши ва ҳарбий истехкомларнинг ҳар томонлама тавсифини берувчи ғоят қимматли материал қўлга киритилди. Шу сабабли бу объект мил.авв. IV—III асрларга оид энг йирик ёдгорлик деб топилди.

Шаҳристон икки қисмдан Юқори шаҳар ва Паст шаҳардан иборат. Улар умумий мудофаа тизимига киради (14, 15-расмлар).

Паст шаҳар квадратсимон тарҳда бурчаклари оламнинг тўрт тарафига

йўналган, Ғарб томонга бир оз ўгирилган. Қалъахандак, протейхизма ва девори худудлари билан 56 гектар майдонни ўраб олган. Қалъа деворининг бир участкаси ҳамда унга ёндашган учта хона қазиб очилди, у ерда мил.авв. IV—III асрларга оид сопол парчалари топилди (III қазишма).

Қалъанинг қўшдевори 1,5—3,2 м баландликда сақланиб қолган. Ташқи деворнинг қалинлиги 1,7 м, ичкисиники —2,1 м, отиш йўлагининг кенглиги 2 м. Оёқ остига хом ғишт қум қоришмада терилган. Пол остидаги маданий қатлам қалинлиги 0,12—0,2 м. Йўлакнинг 1,7 м баландликдаги пахса дойдевор қисми материккача катрон аралаш кулранг қум билан тўлдирилган.

Қалъанинг ташқи девори бўйлаб тўғри бурчакли буржлар жойлашган. Буржлар тарҳи квадрат шаклда. Қалъа девори ва буржлар да шинакларжойлашган. Қалъа квадрат шаклдаги хом ғишздан кўтарилган протейхизма билан ўраб олинган.

Юқори шаҳар Паст шаҳар девори контурига мос бўлиб, бутун шимолий бурчагини, майдоннинг тахминан тўртдан бир қисмини банд қилган (16-расм). Унинг қалъа деворлари Паст шаҳар деворлари йўналишини давом эттиради. Юқори шаҳар девори Паст шаҳар деворига нисбатан яхши сақланган ва бутун периметр бўйлаб кўриниб туради /20/.

Тарҳи квадрат шаклда бўлган шахристоннинг бурчак томонлари тахминан оламнинг тўрт томонига йўналган, майдони 380 х 340 м. Девор ички йўлаги, буржлари, дарвозалари ва бошқа мудофаа элементлари борлиги қазиш ишларисиз ҳам кўриниб туради. Қалъа девори 14—15 м баландликда сақланган. Ташқи деворнинг қалинлиги 2,60 (6м баландликда), ичкисиники — 2,50 м, йўлакнинг эни 3 м.

Юқори шаҳар қалъа деворлари уч қаватли, юқори қават очик бўлган(17-расм). Иккинчи қаватнинг отиш йўлаги биринчи қават йўлагидан яқин бостирма билан ажратилган, унинг тўсинларининг ўрни девор ва бурждан жой олган. Девор бўйлаб бир-биридан 22— 23 м масофада тўғри бурчакли мустаҳкам буржлар жойлашган (18-расм). Бурж ички хоналари тарҳи тўғри бурчакли, ўлчамлари Ўртача 3,2-370х4:55-4:70 м. Ҳар бир бурчакда

ўлчамлари 15x15 м га яқин бўлган квадрат шаклдаги бурж жойлашган (19-расм). Отиш йўлагидан буржга олиб кирадиган эни 0,80—0,90 м ли йўл келади (20-расм).

Қалъанинг ташқи пахса деворлари ва буржларида шахмот тартибида жойлашган найзасимон шинаклар қўйилган.

Юқори шаҳарнинг тўрт дарвозаси бўлиб, улар ҳар бир девор ўртасида жойлашган. Улар пешдарвоза адаштира йўли ва буржлар билан ҳимоялангани аниқланди. Қалъа деворидаги отиш йўлаклари ва пешдарвоза адаштира йўли йўлак билан боғланган. Юқори шаҳар девори протейхизма билан ўралган. Протейхизма хом ғиштдан бўлиб, ташқи қалъа деворидан 9—10 м масофада жойлашган. Қалинлиги 1,2—1,4 м, сақланиб қолган баландлиги 1,6—3 м атрофида.

Ташқи қалъа девори билан протейхизма ўртасидаги ғишт билан алоҳида бўлмаларга ажратилган бўшлиқ аллювиал қум билан тўлдирилган. Қум тўшама устига бошдан оёқ хом ғишт еткизилган, усти пол сифатида хизмат қилган. Ушбу ўзига хос конструкциянинг умумий баландлиги 1,6—1,7 м ни ташкил қилади.

Қазиш ишлари жараёнида мил.авв. IV аср — мил. III асрга оид поллар анчагина тўпланди. Бир қанча антропоморф ва зооморф ҳайкалчалар ҳам бор (21-расм).

Шаҳристон ичи эсма қумлар билан кўмилган. Бироқ энг баланд жойларда учта археологик объект аниқланиб, олдиндан А, Б ва В объект деб қўйилди.

А объект (VII қазишма). Юқори шаҳарнинг геометрик марказида, дарвоза адаштира йўли орқали ўтувчи ўқ чизиқлар кесишган жойда шаҳарнинг энг баланд объекти — қадимги Хоразм ҳукмдорларининг “мақбараси” жойлашган. Хом ғиштдан кўтарилган иншоотнинг тарҳи тўғри ақли, ўртасида жанубдан қуриладиган кенг хона ёки очиқҳовли (28 x 16 бўлганлигини пайқаш мумкин. Эни 5,5 м бўлган кириш йўли усти гумбаз ёпилган. Этақдан 4,5 м гаяқин баландликда жойлашган кириш йўлига 30 м

дан зиёд, эни 6 м бўлган пандус келиб тақалган. Топилмаларида кесик конуссимон шаклдаги тош пойустунлар бўлаклари ажралиб туради.

Б объект (X қазишма). Юқори шаҳарнинг шимоли-ғарбий бурчагида жойлашган. 1999, 2004—2006 йилларда қазиш ишлари асосан иншоотнинг ибодатхона деб белгиланган жануби-ғарбий қисмида олиб борилди. Тарҳи квадрат шаклда, ўлчамлари 60x60 м га яқинни ташкил қилган монументалиншоотнинг ҳар бир бурчагида овал тарҳи буржлар бўлган. Тўрт девор ўртасида ҳам шунга ўхшаш буржлар бўлган. Қўшдевор ўртасида бутун бинонинг атрофидан ўтган эни 2 м га яқин йўлак бўлган. Пойдевори пахса, юқори қисми йирик қолипда қўйилган хом ғишт билан кўтарилган. Объект ичида иш олиб борилган чоғда тош пойустунлар топилди.

Пойустунлар бир неча бўлак бўлиб, уч босқичли асосга кўзасимон юқори қисм ўтирган. Афтидан, устунлар бинонинг бутун девори бўйлаб кетган бўлса керак. Хоразмда бунга ўхшаш пойустунлар аҳоманий сатрапнинг кўриб тугалланмаган қароргоҳи бўлган Қалъалиқир-1 (мил.авв. V—IV асрлар бўсағасида) ҳамда Султон Увайс тоғидаги мил.авв. IV—III асрларга оид чегара қалъа бўлган Говурқалъада маълум бўлган. Ибодатхона атрофидан ўтган гумбазли йўлакнинг топилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Катта майдонда қазиш ишлари олиб борилганига қарамай, ўрганилаётган объектнинг вазифаси охиригача аниқланмади. Бироққўлга киритилган материаллар бу ибодат билан боғлиқ ёдгорлик эканлигини тахмин қилиш имконини беради. Ёдгорликнинг Юқори (муқаддас) шаҳар тарҳи таркибидаги ўрни, монументал архитектура ва ичкарини бадий-декоратив безаш хусусиятлари унинг Юқори шаҳарнинг муҳим архитектура иншоотларидан бири бўлганлигидан далолат беради. Қадимги Хоразмда зардуштийлик кенг ёйилганидан келиб чиқиб, ўрганилаётган архитектура объекти зардуштийликка алоқадор, бинобарин, олов маъбудидан қай тарздадир боғлиқ бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

Қазиш жараёнида бино ичи расмлар ва ҳайкаллар билан безатилганлиги аниқланди. Девор сувоғи парчалари тарзидаги кўп рангли расмлар

намуналари қўлга киритилди. Йўлакнинг очилган 10 м ли қисмида бир неча қаторни эгаллаган расмлар топилди. Пастки қаторда ҳайвонлар ва эҳтимол, уларни минган суворийларнинг тантанали юриши тасвири топилди. Юқори қаторда кишиларнинг кўкраккача тасвири туширилган бўлиб, у яхши сақланган. Кўпчиликнинг бош кийимида қуш тасвирланган. Бўйинлари соч билан ўралган, унинг учларида калтакесак тасвирланган. Бу тимсолларнинг бари расмда шохона ёки илоҳийқахрамонлар тасвирланганидан далолат беради. Ушбу расмлар келажакда илмий ўрганилса, тарихнинг кўплаб саҳифалари ҳамда қадимги Хоразмнинг кўҳна халқи санъатининг сарчашмалари очилиши шубҳасиз. Расмлардан ташқари, алебастр ва зар фольгалардан фойдаланиб безатилган лой ҳайкалчалар қисмлари ҳам топилди.

Таҳмин қилинаётган ибодатхона умуман сўнгги кангюй даврида бунёд этилган, деб ҳисоблаш мумкин. Унинг илк қатламлари ва иншоотлари санасини мил.авв. IV—III асрлар деб белгилаш мумкин. Бироқ сопол топилмалар таҳлили асосида иншоотнинг асосий қатламлари, мил.авв. III—II асрларга оид деб белгиланди. Бу сана тегишли маданий қатламлардан олинган намуналарнинг радиокарбон анализи натижалари билан тикланади.

В объект шаҳристоннинг жануби-ғарбий бурчагида бўлиб, хом ғиштдан кўтарилган девор билан ўралган ҳовлидир. Тарҳи тўғри бурчакли, жануби-шарқдан шимоли-ғарбга томон чўзилган, майдони 90 х 37 м га яқин. Объектнинг шимоли-шарқий деворигина яхши кўринади, деворнинг қолган қисмлари қум остида қолиб кетган. Шимоли-шарқий деворда, шимоли-шарқий бурчакка яқин 8 м ча очик жой бўлиб, бу эҳтимол, ичкарига кирадиган йўл бўлгандир. Кириш йўли контури қазилш ишларисиз ҳам кўришиб турган буржлар билан ҳимояланган.

Унинг ички конструкциялари ҳақида бир нима деб бўлмади, чунки у ерда ҳали археологик ишлар олиб борилмади. Бироқ объект жойлашиши бўйича Бозорқалъа шаҳристони қалъасини ҳамда Тупроққалъа қаср иншоотини эслатади. Шунинг учун В объект Оқчаҳонқалъа шаҳристонининг

биринчи қалъаси бўлганлиги эҳтимолини истисно этмаймиз.

2005—2006 йилларда олиб борилган иш натижаларига кўра, кўча билан қалъанинг ғарбий девори орасида шартли равишда «Юз устунли зал» деб номланган объект борлиги аниқланди. Муқаддас шаҳарнинг қалъа деворидан 8 м масофада девор кўтарилган бўлиб, унинг узунлиги 100 метрга яқин, дейиш учун асос бор. 100 x 18 м ўлчамдаги улкан хона устида 3,1—3,6 м оралиғида ўрнатилган устунларга таянган ясси бостирма бўлган. Қалъа деворида сақланиб қолган тўсинлар ўрнига караганда, устунларнинг баландлиги 4 м га яқин бўлган. Устунлар кумтошдан тайёрланган кесик пирамида шаклидаги пойустунларда турган. Ҳисобларга кўра, зал майдонида камида юзта устун бўлган.

Шаҳристон ўлчамига кўра ўнгсоҳил Амударёдаги бошқа барча аҳоли пунктларидан катта бўлиб, мил.авв. IV—III асрларда Оқчахонқалъа Хоразм пойтахти ҳисобланган бўлса ажаб эмас.

Биринчи қурилиш даври охирида ёнғин билан тугаган қандайдир катта, эҳтимол, ҳарбий ҳалокат натижасида бу ер ташландиққа айланган.

Афтидан, кушонлар даврида шаҳристон қайта қурилган, қалъа девори ва буржлар таъмирланган. Отиш йўлагининг пастки қаватига қумли қоришмада хом ғишт терилган. Ташқи томондан қалъа деворига қўшимча девор ўралган /20/.

ҒОВ.Оқчахонқалъа шаҳристонининг ташқи девори 1982, 1985 йилларда аниқланиб, ўрганилган. Ушбу тарихий обида 1995 йилда муфассал ўрганилиб, илмий тавсифланган. Оқчахон шаҳристонининг топографиктасвирини асбоблар ёрдамида яратиш жараёнида деворнинг тархини 900 мм масофада белгилаш ҳамда у яна давом этганини аниқлаш мумкин бўлди. Бундан ташқари, девор конструкциясини ўрганиш мақсадида траншея очилди (IV, 1-қазимша). Оқчахонқалъа шаҳристони атрофини кейинги йиллардаги текшириш жараёнида деворнинг янгидан-янги қисмлари топилди (22-расм).

2003 йилда, ташқи деворнинг Оқчахонқалъа шаҳристони шимоли-

ғарбий бурчагининг бурждан ғарбдаги қисмини текшириш чоғида деворда шинақлар бўлганлиги аниқланди. 2004 йилда яна бир траншея очилди (IV, 3-қазишма). Бундан ташқари, 2004 йилдаги дала мавсумига умуман қадимги Тошхирмон воҳаси ва жумладан, Оқчаҳонқалъа ташқи деворини археологик ўрганишни давом эттириш учун сунъий йўлдошдан суратга олиш приборларидан фойдаланиб, космик суратга олиш ҳамда дистанцион зондаш маълумотлари (ДЗМ) материаллари жалб қилинди (Ягодин, Ходжаниязов, Статов, 2005). Барханлараро пастликларда деворнинг ташқарига чиқиш жойи GPSёрдамида қайд этилди. Муайян географик координаторлар маълумотлар базасига киритилди ҳамда космосдан олинган суратга ва картографик материалларга кўйилди. Бу мақсадда ESPIфирмасининг дастурий таъминоти (ArcView) дан фойдаланилди. Қадимги иншоотларнинг макондаги ҳолатини картография қилиш учун геоинформатика методларидан фойдаланиб, ташқи деворнинг сақланиб қолган қисми узунлиги, конфигурацияси, айрим конструктив хусусиятлари вагаҳминий вақти аниқланди.

Ташқи деворнинг кўпқисмини қум босганлиги девор конфигурациясини тушуниш ва унинг сақланиб қолган қисмлари тархини чизишни қийинлаштирарди. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун космик суратлар ва глобал суратга олиш тизими, (СРЗ) дан фойдаланилди. Жойнинг рақамли моделидан ва натура маълумотларидан фойдаланиб, ушбу археологик объектнинг маконда жойлашувини қуриш мумкин бўлди. Натижада девор умумий узунлигининг 3 км дан зиёд қисми чизиғини дешифровка қилиш ва уни космик суратга киритиш имкони юзага келди /20/.

Девор баланд бўлмаган тупроқ гов сифатида чўзилиб ётарди ҳамда Қозоқлиётган шаҳристонидан ғарбда ва айниқса, ундан шарқда, ҳозирча деҳдончилик мақсадида ўзлаштирилмаган ерларда, катта масофада сезилиб турарди. Бу жойда девор деярли бутунлай текисланиб кетган, ҳамма ерда қум остида қолган ва айрим участкалардагина кўзга ташланарди. Баъзи жойларда 3 жуда аниқ кўтарилиб туради, баъзан кўринмай ҳам кетади, фақат рангига

ажралиб туради. Девор атрофга қараганда бирмунча тўқ рангда. Кўп қисми силжувчи ёки ўсимлик туфайли бирмунча зичлашган қум остида қолган. Ғарбтомонда девор катта бархан остида қолиб, унинг ортидан маҳаллий аҳолининг хўжалик фаолияти оқибатида кўҳна обидалари йўқолиб кетган ўзлаштирилган ерлар бошланади.

Оқчахонқалъа ташқи деворининг конструктив хусусиятлари тўғрисида маълумот девордан кўндалангига қазилган икки траншеяни ҳамда деворнинг юзасини текшириш натижасида қўлга киритилган материалларни иш орқали олинди.

Траншея қазилганда девор хом ғиштдан кўтарилгани аниқланди. рнингқалинлиги 2,8 м бўлиб, 0,50—0,55 м дан 1 м гача баландликда сақланиб қолган. Девор чуқурлиги 20 см гача бўлган слюдали майда, кулранг кўтарма қум устига қўйилган. Ундан қуйида қалинлиги 50 см гача бўлган ирригацион қатлам ётади. Траншеядан ўн метр ғарбда IV, 3-қазимда девордаги шинаклар аниқланди. Деворнинг 23 мертли участкасида бир-биридан 1,8 м дан 2,3 м гача масофада жойлашган 15 та шинак қайд этилди. Шинакларнинг қуйи қисми сақланган бўлиб, ўлчаш натижасида улар тўғри очилганлиги ва эни 0,2 м бўлиб, горизонтал асосга эгаллиги маълум бўлди.

Оқчахонқалъа ташқи деворининг қурилиши, агар биз таклиф қилган сана тўғри бўлса, мил. I асрда «Хоразм эраси» жорий этилиши билан бир вақтга тўғри келади. Буни тадқиқотчилар ҳокимият тепасига янги сулола келганлиги, Тупроққалъада Хоразмшоҳларнинг сиёсий мустақилликка эришганлиги тимсоли бўлган қароргоҳи қурилиб, Жанубий Орол бўйида ягона давлат тикланиши ва мустақамланиши билан боғлашади. Афтидан, Хоразмнинг қадимги пойтахти тикланиб, мудофаа девори билан ўраб иши ҳам шу даврга тўғри келган /20/.

Девкесган шаҳристоникўҳна Урганчдан 60 км ғарбда, Устюрт платоси жануби-шарқий чуқурлигидаги тор бурун чеккасида жойлашган (23-расм). Шаҳристон тархи тўғри бурчак шаклда, 260x730 м ўлчамда. Тор бурун чеккасида жойлашганлиги учун ҳам шаҳар жанубий ва шарқий томондан

табий равишда чуқурлиги 30 м ли тик жарлик билан ҳимояланган. Қолган икки томондан бевосита жарга туташадиган зўрқалъа девори билан муҳофазаланган. Шаҳар деворлари Ғарбва жануб томонга оғиброқ деярли олам тарафларига йўналган. Шаҳар девори тик жарликнинг ҳозирги юзасидан 5—8 м кўтарилиб турибди, бир қисми 5—10 м ли энли ҒОВ СИФАТИДА сақланиб қолган. Девор бўйлаб бир-биридан 5—28 м масофада жойлашган тўғри бурчакли, икки қаватли, бурчакларида эса квадрат шаклдаги буржлар бўлган (№1 ва 8-буржлар).

Қалъага шарқий девор ўртасидаги икки бурждан иборат пешдарвоза иншооти билан ҳимояланган жойдан кирилган (24-расм). Шаҳарга жануб томондан пандус орқали қуриладиган жой ҳам бўлган. Узунлиги 150 м бўлган пандус тик жарликка нисбатан перпендикуляр жойлашган. Пандуснинг эни 2—3,50 м, нишаби 35—40°. Чеккалари кўтарилган шимолий шарқий девор бўйлаб хандак ўтган. Хандакнинг эни 10—12 м, чуқурлиги 1,50—3 м.

Шаҳарнинг жануби-ғарбий бурчагида қалъа жойлашган (25-расм). Қалъа тархи тўғри бурчакли, ўлчамлари 100x75 м. ҒОВ тарзидаги девори ва шимоли-шарқий) бурчак буржларининг туртиб чиққан жойлари кўриниб турибди. Қалъага шарқий девор ўртасидан қурилган. Қалъа ичида тик жарликнинг устида қандайдир бино бўлиб, унинг ғарбий ва жанубий деворлари 38-40x39-42x9-11 см ли квадрат хом ғиштдан кўтарилган. Девор юзаси эни 2,50 м ли тўғриқиррали пилястр билан бўлинган.

Е. Бижанов томонидан 1963 йилда 5-бурж ичида қазилган шурф материккача етиб борган (26-расм). Материкдан 4 м юқорида хона поли бўлиб, унда гулханлар изи ва деворда қурум борлиги аниқланган. Полдан 1 м юқорида найзасимон шинаклар бўлиб, улар ён деворларда иккитадан, олд томонда учта. Ён деворлардаги шинаклар девор юзасига нисбатан 45° бурчак остида, олд томондагилари эса — ўртадагиси тўғри, икки ёндагиси ён томонга қиялатиб жойлаштирилган. Шинак эни 0,15 см, баландлиги 0;50 м, оралиғи эса 1—1,20 м. Шимолий деворда материкдан 3,30 м баландликда

тешиклар бўлганлиги аниқланди, улар, эҳтимол, бурж хоналари биринчи кавати тўсинларининг ўрни бўлиши мумкин. Бурж, бошқа буржлар сингари, уч томондан 37-40x38-41 x9-12 см ли хомғишдан терилган девор билан ўралган, натижада ён деворлардаги шинаклар беркилиб қолган /20/.

Объект юзасида ўтказилган тозалаш ишлари, траншея ва шурф қазиш натижасида ёдгорлик юзасидан кўп миқдорда сопол материал тўпланди. Сопол асосан етти гуруҳга бўлинади, ундан иккитаси антик даврга — мил.Авв.IV—III асрлар — мил. IV асрларга оиддир (27-расм). Биз ўтказган текшириш натижалари шаҳристон ривожланишининг қўйидаги схематик тарихини аниқлаш имконини беради. Биринчи давр Девкесганнинг уч томонига девор олиш билан боғлиқ. Девор пахсадан бўлиб, устига квадрат шаклдаги (39-41 x 40-42x9-12 см) хом ғишт терилган. Ғишт жуда пухта терилган. Ғиштларга тамға босилган. Девор билан бирга, унга боғлаб, ҳудди шундай хом ғишдан бир-биридан 25—27 м масофада жойлашган тўғри бурчакли буржлар ҳам кўтарилган. Истеҳком бурчаклари квадрат тарҳли буржлар билан кучайтирилган. Кириш йўли пешдарвоза иншоотлари (№ 4— буржлар) билан ҳимояланган. Деворий буржларнинг ҳаммаси, афтидан қалъа девори ҳам, икки қаватли бўлган кўринади. Бутун периметр бўйлаб деворлар орасида эни 1,7 м ли берк йўлак бўлган, у тўсинлар билан ёпилган, шинаклар кўйилмаган. Деворнинг тепасида, берк йўлак устида найзасимон шинаклар бўлиб, уларнинг орасидаги масофа ўртача 1,60 м. Буржлардаги шинаклар икки қатор бўлган, пастки қатордагилари найзасимон қилиб, тепа қатордагилари эса тўғри очилган, ўзаро шахмот тартибида жойлашган. Шинаклар шундай жойлашганлиги туфайли қуролни ишлатиш радиуси анча кенгайган. Қия шинаклар тизими ҳам бунга кўмаклашган. Эҳтимол, қалъа ҳам шу даврга тааллуқди бўлса керак.

Иккинчи қурилиш даврида ҳарбий истеҳкомлар жиддий қайта қурилган. Шаҳристоннинг шимолий ва шарқий тарафларидан янги қалъа девори кўтарилди, натижада буржларнинг туртиб чиққан жойи камайди, ён деворлардаги шинаклар қисман беркитилди, отиш йўлаклари алоҳида берк

бўлақларга айланиб қолди. Шаҳристоннинг шимолий деворида ярим овал шаклдаги янги буржлар қурилди, аввалги буржлар ўзининг дастлабки функциясидан маҳрум бўлди. Бунда янги буржлар шимоли-шарқий бурчакдан яримдоирагача — сегментгача биринчи давр буржлари орасидан жой олди ва эскилари ўзига хос контрфорс (ғишт тиргович)га айланиб қолди. Қолган жойларда эса ярим овал конструкциялар биринчи давр буржларига тираб қурилди. Натижада янги буржлар чўзиқ ярим овал шакл касб этди. Бурчак буржлари ҳам шаклан ўзгариб, «қалдирғочдуми» шаклини олди. Шаҳристон, шунингдек қалъа ҳам ғарбий қалъа девори юзаси бўйлаб қалинлиги 1 м ли девор билан қопланди. Иккинчи даврда фақат бетига тамға босилган хом ғишдан (38-42 x 39-42x9-12 см) қурилиш материали сифатида фойдаланилди. III аср охири IV аср бошида шаҳристон таназзулга юз тутди.

Аёзқалъа комплекси. Султон Увайс тоғининг шарқий тармоқлари ёнидан учта қалъа харобалари жой олган бўлиб, улар тартиб билан белгиланган (28-расм). Баланд тепалик устида жойлашган Аёзқалъанинг ўзи 1-рақам билан белгиланган. Аёзқалъа-1 тепалигидан жанубдаги баланд бўлмаган дўнгликда жойлашган қаср Аёзқалъа-2 деб белгиланган. Аёзқалъа-2 дан 250—300 м масофада текисликда жойлашган хароба эса деб бегиланган /20/. Аёзқалъа-3.

Аёзқалъа-1 шаҳристони девон даврига оид мармар аралашган оҳактош тўшалган тепалик устидаги 100 м гача кўтариладиган тепалик Султон Увайс тоғининг давоми ҳисобланади.

Ёдгорлик ўлчамлари 182,5x152 м бўлиб, тўғрибурчак шаклида, олам тарафларига қаратиб қурилган (29-расм). Қўшдевор заранг қатлам (материк) устига кўтарилган ва айрим жойларда 10 м дан зиёд баландликда сақланиб қолган. Ташқи деворнинг қалинлиги асосида 2,4 м, ички деворники — 1,7—2,1 м.

Девор ўлчами 37-41 x 37-41 x 10-13 см бўлган хом ғишдан қурилган, ғишт лойга терилган. Орасира 32x32x10, 34x34x12 ва 46 x 11 см ли ғишлар ҳам кўриниб қолади. Ғишларда икки ёндош чизиқ ва битта думалоқ

шаклдаги тамға учрайди. Деворлар орасида бутун периметр бўйлаб эни 2,5 м ли ёпиқ йўлак бўлиб, шинаклар ва афтидан, ёруғлик туйнуклари ҳам йўк, тўртбурчак гумбаз билан ёпилган. Баландлиги—1,87 м (30-расм).

Кириш жойи қалъанинг жанубий деворида бўлиб, шарқий деворда ўтиш жойи бўлган тўғри бурчак шаклидаги пешдарвоза иншооти билан ҳимояланган. Пешдарвоза иншоотига кириш жойи бир-биридан 4,4 м масофада жойлашган тўғри бурчак шаклидаги икки бурж билан мустаҳкамланган.

Истеҳком шарқий ва ғарбий деворларда бир-биридан 13,8 м масофада, шимолий деворда эса 11,5 м масофада жойлашган ярим эллипс шаклидаги буржлар билан кучайтирилган (31-раем). Қалъанинг тўрттала бурчагида буржлар айри «қалдирғочдуми» шаклида жойлашган. Ҳамма буржлар девор юзасига тираб қурилган /20/.

Гумбазли берк йўлак устидаги девор юқорисида бир-биридан ўртача 1,5 м масофада найзасимон шинаклар қўйилган.

1965 ва 1968 йилларда шимолий девордаги (шимоли-шарқий бурчакдан ҳисоблаганда) учинчи-олтинчи буржлар яқинида, ғарбий девордаги жануби-ғарбий буржлар ёнида, пешдарвоза ва жанубий девордаги икки бурж ёнида қурилиш учун тахлаб қўйилган кўп миқдордаги ғиштлар топилди.

Пешдарвоза иншоотига кириш жойининг шимолий томонида, ўтиш жойига ўрилган девор сувоғида бир қаторда уч белги ва унинг устида бир Белги қўйилган. Белгилар лойга 2—3 мм чуқурликда тиғ билан тилиб битилган. Ёзув устидаги белгини В.А. Лившиц «устанинг», қурилиш бошларининг тамғаси, деб ҳисоблашга мойил. Тамға хоразмча «юмшоқ», «мулойим», «лозим даражада қаттиқ эмас», «мустақил эмас», деб ўқилади.

Ёзув, афтидан, дарвоза девори ичидаги «етарлича мустаҳкам қурилмаган», шунинг учун қурилиш пайтидаёқўриб юборилган гумбазли хонага тааллуқли бўлса керак. «Уста» бажарилган ишдан мамнун бўлмаган бўлса керак шунинг учун иш тугагач, унга белги қўйган.

Қалъа марказида, ҳовлида 5 м чуқурликдаги ўра мавжуд. Бу ерда,

эхтимол, кудуқ бўлган. Қалъа мил.авв. IV—III асрларда қурилган деб ҳисобланади. Башарти шундай бўлса, ёзув истехком қурилган даврга оид бўлади. Мил.авв. IV—II асрларга оид жез пайкон, мил.авв. IV—III асрларга тааллуқли териб олинган сопол парчалари қалъани мил.авв. IV—III асрларга оид деб ҳисоблаш имконини беради.

Аёзқалъа-3. Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани худудида жойлашган. Шакли параллелограммга ўхшаш, майдони 4 гектар (260x180 м) га яқин. Томонлари олам тарафларига қараган (32-расм). Ёдгорликнинг ички деворларида, шунда ҳам айрим жойларда асос (цоколь) устида хом ғишт (40-42 x 40-42 x 11 см) тахламлари сақланиб қолган. Пахса асос сунъий қум «ёстик» устига қўйилган. Ёстик баландлиги 15—20 см. Ташқи девор қалинлиги асосда 3,20 м, ички деворники 2,10 м, йўлакнинг эни 2,70 м. Қалъа деворлари бутун периметри бўйича тўғрибурчак шаклдаги буржлар билан мустаҳкамланган. Буржларнинг эни 8—9 м бўлиб, улар ҳар 21—22 м да жойлашган. Қалъа бурчаларида тарҳи квадрат шаклда, ўлчами 11x11 м бўлган буржлар жой олган. Шаҳристонга кириш йўли жанубий девор ўртасида бўлиб, 13 x 13 м ўлчамдаги пеш-дарвоза истехком билан ҳимояланган. Адаштирма йўлга кириш жойи ундан 9 м жанубда жойлашган бир деворий бурж билан кучайтирилган /20/.

Қалъанинг ички майдонига ҳеч нарса қурилмаган. Шимоли-шарқий бурчакка яқин жойдагина, шимолий девор ёнида ўлчами 49 x 59 м бўлган, тарҳи тўғри бурчак шаклидаги мустаҳкамланган бино қолдиғи бор. У ғарб-шарқ йўналишида ястанган, марказидан йўлак билан хочсимон шаклда деярли бир хилда тўрт қисмга бўлинган. Бино уч томондан йўлакчи, ўртасида тарҳи тўғрибурчак шаклдаги бурж бўлган девор билан ўраб олинган, шимол томонда эса шаҳристон деворига тақалган. Ташқи девор қалинлиги 1,65 м, ичкисиники — 1,50 м, йўлакнинг эни 1,90 м. Буржлар ташқарига 3,70 м туртиб чиққан, эни 5,35 м, хона квадрат шаклда, ўлчами 2x2 м.

1939 йилда С.П. Толстов томонидан бинода олиб борилган тадқиқотларнинг асоси ўзига хос структурага эгаллигини аниқлаш ва қушонлар даврига

оид деб ҳисоблаш имконини берди. Қўлга киритилган янги материалларга асосланиб, Аёзқалъа-3 нинг, энг аввало, бурчакдаги бионинг .барпоэтилиш даврини мил. авв. V—IV асрларга ёки IV асрга тааллуқли, деб ҳисоблаш мумкин. Акс ҳолда шаҳристон шимолий девори тўғри чизигининг силжиши ва бионинг унга тақалиши сабабини ҳамда кеч архаик даврга оид канҳа сополлари унга қасрдан тушиб қолганини изоҳлаш мушкул бўлади (33-расм). Стационар археологик қазилар даврида ҳам бионинг санасини шундай белгилаш ўз тасдиғини топди.

Тошхирмон. Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ҳудудида, Оқчаҳонқалъа шаҳристонидан 6 км жануби-шарқда жойлашган. Ёдгорлик шимолдан жанубга қараб чўзилган 100x150 м га яқин ўлчамлидўнгликдан иборат (34, 35-расмлар). Баландлиги 3—5 м. Бу — йигирмаданзиёд ҳар хил хоналардан иборат бўлган кўп хонали иморат. Тўғри бурчакли ҳовли ёки зал (20x16 м) ва унинг жануби-ғарбий томонидаги учта катта хона(10 x 15, 8x 15 ва 8,50 x 18 м) контури яхши кўриниб туради. Шунингдек янамайдони кичикроқ (4x5,30; 4,50x7,50; 5x7,6x9,50; 3,50x13,8 м) бир нечта хонава иккита йўлак (2,8x20,1; 40 x 15 м) мавжуд. Қурилиш материали сифатидаҳом ғишт ишлатилган. Марказий ўринни эгаллаган зал ўлчами 40-43x40-43x13-14 см бўлган хом ғишдан қурилган. Ғишларга бир ёки икки ёндош чизиклар кўринишидаги тамға босилган. Қолган хоналарда, афтидан ўлчами 46-32 x 24-24 см бўлган, ҳеч қандай тамға босилмаган тўғрибурчак шаклдаги хом ғишт ишлатилган. Деворлар 1 м дан 1,5 м гача қалинликда бўлган /20/.

Деворга ўрилган ғишт ўлчами, сопол хусусиятлари, топилган тош архитектура деталлари ва сопол идишларнинг бўлаклари (36-расм) Тошхирмонни кеч архаик ва канҳа давларида мавжуд бўлган истехкомли манзилгоҳ қолдиқлари, деб тахмин қилиш имконини беради.

Катта Гулдурсун. Шаҳристон Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани ҳудудида жойлашган. Унинг тарҳи нотўғри тўртбурчак ўлчами 350x230м, бурчаклари билан олам тарафларига йўналган қириш жойи жануби-шарқий деворнинг ўртасида бўлиб, тарҳи (37-расм). Қириш жойи

жануби-шарқий деворнинг ўртасида бўлиб, тарҳи тўғрибурчакли пешдарвоза адаштирама йўл билан ҳимояланган. Антик даврга оид ташқи девор ва буржлар айрим жойларда 13—15 м баландликда сақланиб келган. Уларнинг цоколь қисми пахса, ундан тепаси эса 40x40x10-12 см ўлчамли хом ғишт. Деворда бир-биридан 1,52—1,90 м масофада шахмот тартибида жойлашган шинаклар бўлган. Шинак тешигининг кириш томони эни 20—23 см, баландлиги 62—68 см. Шинак бостирмасидаги ғиштга битта ва иккита параллел чизик тарзидаги тамға босилган (6,26, 38, 39, -расмлар). Гериб олинган материалдан келиб чиқиб, қалъа, эхтимол, хоразмшоҳлар даврида юзага келган, деб белгилаш мумкин. Қалъани қайта қуриш пайтида антик отиш йўлагининг ички девори бузиб ташланган, ташқи деворига тақаб пахса ўрилган (40-расм). Оқибатда шинаклар қалъа ичига қараган бўлиб чиқади.

Кичик Қирққизқалъа Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманидаги Бухан Мерей ширкат хўжалиги ерларида жойлашган (41-расм). Қалъа истехкоми ҳар хил тарҳга эга бўлган, бир-бирига ёндашган икки — ғарбий ва шарқий қисмдан иборат бўлган (7-расм). Ғарбий қисм шарқдан ғарбга қараб чўзилган, бўйи 80 м, эни 70 м бўлган нотўғри доира шаклига эга. Доира 38-40 x 38-40 x 10-12 см ўлчамли хом ғишдан кўтарилган кўшдевор билан ўраб олинган. Ташқи деворнинг эни (иккинчи қатор шинаклар баландлигида) 1,60 м, иккисиники— 1,40 м, йўлакники — 2 м. Ташқи девор асосга томон 78—80° нишаб (42-расм).

Қалъанинг ташқи деворидан бутун периметри бўйлаб икки қатор найзасимон шинаклар қўйилган (43-раем). Шинакларнинг ўқи ва уларнинг қаторларидаги оралиғи бир-бирига мос келмайди. Пастки қатордаги шинаклар орасидаги масофа— 1,25—1,30 м, юқори қатордагилари ораси эса 1.90—2 м. Биринчи қатор шинаклар полдан 0,80 м баландликда жойлашган. Уларнинг эни 20—24 см, кириш туйнуғи баландлиги 50 см, чиқишиники— 5—1,50 м. Шинаклар сомонсувоққилинган /20/.

Кириш жойи шахристон ичида шарқий томонда, девор чизигидан анча ичкарида, 10 м га яқин йўлак ҳосил килган ҳолда жойлашган. Деворида бир-

биридан 1,25—1,35 м масофада шинаклар жойлашган.

Қалъанинг шарқий қисми овал қисмига (56x50x120 м) тақалган сегментдан иборат бўлган. Девор асосан ювилиб кетган, баъзи жойларда тагигача ювилиб кетган ҒОВҲолига келиб қолган. Деворнинг қалинлиги 3 м га яқин, пахсадан ўралган. Қалъа бурчакларида ва қалъа жанубий деворининг ўртасида жойлашган ташқи дарвозалар ёнида, унинг овал ва сегмент қисмлари бир-бирига яқинлашган жойда буржлар қурилган. Бурж 7 м га яқин баландликда сақланиб қолган, хоналари йўқ; у тупроқ уюми бўлган баланд пахса асосдан иборат бўлган (1 м га яқин баландликда сақланиб қолган).

Кириш йўли конструкцияси бу ерда ҳам ўзига хос ечимда бажарилган. Унинг жанубий девори, овал қисмига 8,50 м етмасдан, ўтмас-бурчак тарзида шимолга бурилади ва 9 м узунликда, эни 8,50 м ли кириш йўлини ҳосил қилган ҳолда кўзга ташланиб туради. Шаҳристонга узунлиги 50—60 м, эни 3-4 м бўлган дўнгликнинг жанубий ёнбағрида жойлашган табиий пандус орқали қирилган.

Бевосита йўлак поли устида ҳамда шурфнинг материк усти қатламида ётган маданий қатламда мил.авв. IV—III асрларга оид сопол материал аниқланган (44-расм). Сополдан ташқари тош ядролар, урчукбоши, митти идишлар, сих тагликлари ва идиш занглари, маҳаллий кулранг мрамардан ясалган лаганлар ҳам бор.

Кузатишлар натижасини жамлаб, ёдгорлик девори системасини ва уни даврлаштиришни реконструкция қилиш мумкин. Биринчи босқич шаҳристоннинг ярим овал қисми қалъа деворлари қурилган вақтга москелади. У мил.авв. IV—III асрларда деҳқончилик ерларини ҳимоя қилиш учун қулай стратегик пунктдаги чегара қалъаси сифатида барпо этилган. Ўша вақтда қалъада, Хоразмнинг бошқа кўпгина шаҳарларида бўлгани каби, икки қаватли отиш йўлаги бўлган ва у, эҳтимол, гумбаз бостирмали бўлгандир. Қалъа деворининг ҳар бир қаватида найзасимон жанговар шинаклар кўйилган.

Милоднинг бошида, афтидан, қалъа деворини тиклаш ва мустаҳкамлаш

борасида иш олиб борилган. Отиш йўлагининг пастки қавати қурилган. Шаҳристоннинг сегментсимон қисми ҳам шу даврда бунёд этилган. Афтидан, унинг юзага келиши қалъанинг чегара пункти сифатидаги аҳамияти ошиб боргани билан боғлиқ бўлса керак. Қалъанинг иккала қисми овал истехкомнинг шарқий девори ўртасида реконструкция қилинган дарвоза орқали туташган бўлса керак. III аср охири — IV аср бошида шаҳристон, эҳтимол, сув етишмаслиги туфайли бўшаб қолган /20/.

Қўрғошинқалъа. Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани худудида жойлашган (45-расм). Шаҳристон бурчаклари олам тарафларига йўналган 132x89 м ўлчамдаги тўғри бурчак шаклида (46-расм). Қўшдевор материк қатлам устига қурилган ва айрим жойларда 14—16 м қалинликда сақланиб қолган. Ташқи деворнинг қалинлиги асосида 2,35 м, иккисиники — 2—2,20 м. Отиш йўлагининг эни 2,35 м. Ташқи девор асосга қараб 85° нишаб қилиб кўтарилган.

Деворнинг қуйи қисми материкдан 1,52 м баландликда пахсадан кўтарилган, кейин лой қоришмада хом ғишт (40-41x40-41x10-11 см) терилган. Ғиштга битта, иккита параллел чизиқ ёки кесишувчи тўғри ёхуд эгри чизиқлардан иборат тамға, ҳатто бармоқхам босилган (6, 32, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56-расмлар).

Қалъа девори узун томонда учтадан, қисқа томонда биттадан бурж билан кучайтирилган (бурчак буржлари бундан мустасно). Улар тўғри бурчакли ва ярим овал шаклда ишланган. Ҳар бир девордаги буржлар ҳар хил. Шимоли-шарқий деворда улар бир-биридан 27—37 м масофада, жануби-шарқий деворда эса 6—31 м масофада жойлашган. Уларнинг эни 6,80—8,40 м бўлиб, 7,60—8 м туртиб чиққан /20/.

Бурчакларни ҳимоя қилиш учун ҳар хил комбинациялардан фойдаланилган: шинаклар қиялатиб қўйилган, буржлар қўшалок ва якка (57, 58 - раем). Қалъа деворида, буржларда шинаклар ва дарча ўринлари қолдирилган.

Кириш жойи жануби-шарқий деворнинг ўртасида бўлиб, тўғри бурчак

шаклидаги 10,90x19,80 м ўлчамли пешдарвоза иншооти билан ҳимояланган. Адаштирама йўл деворларида шинаклар қолдирилган. Қалъа ҳар тарафдан (жануби-ғарбий тарафдан ташқари) квадрат шаклдаги хом ғиштдан кўтарилган протейхизма билан ўраб олинган. У қалъа девори четидан 9—10 м қочиб туради. Қалъанинг жануби-ғарбида, протейхизмадан уч метр масофада эни 5 м га яқин. чуқурлиги ҳозир 1.50 м га яқин бўлган ҳандак бўлганлиги аниқланди.

Отиш йўлакларидан ҳамда қазилган шурфдан олинган ашъвий материаллар орасида мил.авв. IV—III асрларга оид йирик идишларнинг парчалари борлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур (59-расм). Йўлбарстасвири туширилган идиш парчалари шу даврга тааллуқли.

Стратегия нуқтаи назаридан муҳим жойни эгаллаган Қўрғошинқалъа мил. авв. IV—III асрларда юзага келган, афтидан, қадимги Хоразм давлатининг ички ҳудудларини дашт қабилаларининг шимоли-шарқ томондан бўладиган хужумидан ҳимоя қилган.

Қалъа мавжудлигининг иккинчи босқичида (I—III асрлар) адаштирама йўлга жануби-шарқдан кирилган. Бу йўлнинг ички бўшлиғида кум қатлами устидан ғишт тўшалган. Пандус барпо қилинган. Катта Қирққиз каналида сув етишмаслиги туфайли, афтидан, III—IV асрлар охирида Қўрғошинқалъа ва унинг атрофидаги қишлоқлар бўшаб қолган.

Девкесган гови. Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот тумани ҳудудида жойлашган. У Устюртнинг жануби-шарқий дўнглигида бўлиб, уни энг тор қисмидан кесиб ўтган (60 а, в-расм). Объект юзаси сершағал тупроқ ҒОВ сифатида сақланиб қолган, баландлиги 1—2 м, эни 5 м гача. Ғов платонинг жануби-шарқий дўнглигини бутун эни бўйлаб, жарликдан жарликкача 2600 метр узунликда кесиб ўтади. У лой қоришма билан қумтош плиталардан (50x40x120, 56x38x9, 37 x 40 x 13 м ва ш.к.) кўтарилган. Қалинлиги 1,40 м, сақланиб қолган баландлиги 0,60 дан 1,50 м гача. Ғовнинг ташқи шимолий тарафида ҳам қумтош плиталардан кўтарилган, калинлиги 0.80 м, баландлиги 0,90 м бўлган девор мавжуд. Ғов билан девор орасидаги

эни 1 м ли бўшлиқ тупроқ-қумтош билан тўлдирилган, шу тариқа ғовнинг олдида махсус майдонча ҳосил қилинган. Майдонча бўйлаб эни 3 м, чуқурлиги 0,50—0,70 м бўлган ҳандак яхши сезилиб туради (25-расм).

Бу комплексга, ғовдай ташқири, бир неча объект кирган, улар шартли равишда I, II, III, IV объектлар, деб номланди (60,Б-расм). Тархи берк доира шаклида бўлган I объект диаметри 50 м га яқин бўлиб, ғовнинг шарқий чеккасида, бевосита жарлик устида жойлашган. Баландлиги 3-5 м. /20/.

Тархи жой рельефидан келиб чиқиб учбурчаксимон қилиб олинган II объект ғовнинг ғарбий чеккасида, бевосита тик жарлик устида жойлашган (61-расм). Объект шимоли-шарқий томондан Девкесган ғови билан тўсилган, жануби-шарқ томонидан квадрат шаклдаги (38-42x38-42-42x9-13 см) хомғишдан кўтарилган ёйсимон кўшдевор билан, Ғарб томондан эса тик жарлик билан тўсилган, девор йўқ. Ташқи девор қалинлиги—1,90 см, иккисиники— 1,60 см. Йўлакнинг эни 2 м, баландлиги 0,10 дан 0,70 м гача.

Истеҳкомга кириладиган жой жануб томонда бўлиб, пешдарвоза иншооти билан ҳимояланган. Адаштирма йўл тарҳи тўғрибурчак (60-расм), деворлар орасида йўлак бор. Унинг деворида бир-биридан 2,4 м масофада жойлашган учта шинак асоси сақланиб қолган (62-расм). Объект ичида тарҳи ярим овал шаклда, бўйи 35 м, эни 39 м бўлган мустаҳкамланган бино бор. Кўшдевор 1 м баландликда сақланиб қолган. Ташқи деворнинг қалинлиги 1-0 м, иккисиники — 1,10—1,50, йўлакнинг эни 2,40 м. Бино ичидаги хоналардан иккитаси (№ 2 ва 7) учбурчак шаклида, қолганларининг тарҳи квадрат ва тўғри бурчак шаклда. Бу хоналарнинг эшиги ўрни бинонинг «Т» симон йўлак жойлашган марказига қараган. Жануби-шарқ томонга йўналган йўлаклардан бири, афтидан, бинога кириладиган асосий жойга олиб борса керак. Жануби-ғарбий томонда жойлашган перпендикуляр йўлак берклиги ҳам буни тасдиқлайди. Хоналарнинг ички жиҳозлари жуда кам, бу жиҳозлар чети ва девори яхши пардозланган ўчоқ ва дон сақланадиган ўралардан иборат.

Марказий бино майда тоштахтачалар териб қурилган. Таъмирлашда, жумладан, хоналарга кириладиган жойларни уришда хом ғишт (38-42x38-

42x10-13 см) ишлатилган /20/.

I объектнинг шимолий томонида III объект бўлиб, улар Девкесган ғови билан ажратиб қўйилган. Бу объект тарҳи ярим овал шаклдаги (130x80 м) тупроқ ғов билан тўсилган. У 0,30—0,60 м баландликда, 1,50—2 м калинликда сақланиб қолган. Унинг шимоли-ғарбий томонида бел бўлиб, ўтиш жойи, эҳтимол, шу ерда бўлгандир.

Ичида жарга яқин жойда тупроқдан юзаси сершағал, баландлиги 5 м дан зиёд, диаметри 30 м га яқин қўрғонсимон кўтарма бор.

IV объект тарҳи тўғрибурчак шаклдаги уйдан (15x13 м) иборат бўлиб, I ва III объектлардан 200 м ғарбда жойлашган.

Қазишмада икки қурилиш горизонти аниқ кўриниб турибди. Ўз объектларига эга бўлган Девкесган ғовининг, яъниташқи истехкомта эга ярим овал бионинг, эҳтимол ID объектнинг ҳам, қурилиши биринчи даврга тўғри келади. Бу давр санаси горизонтал йўл-йўл нақш берилган архаик идишга хос хумлар парчаларига қараб белгиланади (63, 64-расм). Булар шаклига кўра деворлари қобирғали архаик идишларга яқин (64, 65-расм) хумчалар, қизил ангоб берилган косасимон идишлар, уч қобирғали втулкасимон жез пайкон (47, 66-расм), тўғноғич (65, 66-расм) ва ҳоказолардир. Шу каби материал сўнгги Жингилжеда ҳам маълум бўлиб, мил.авв. V—IV аср охири ёки IV аср бошига оид деб ҳисобланади.

Мил.авв. IV—III асрларни ўз ичига олувчи иккинчи даврда унча катта бўлмаган қайта қурилишлар қилинди: ғов олдида кўшимча девор — “протейхизма” қурилиб, ички томондан тирама девор билан қопланди, адаштирма йўлнинг отиш йўлаги 1,80 дан 0,70 м гача торайтирилди, оёк ости тупроқ солиб текисланди, марказий бионинг айрим хоналари (№ 5,9,13, 14) деворлари ўрни урилди. Мил.авв. III—II асрлар бўсағасида комплексида, афтидан, ҳаёт тўхтаган. Шундай қилиб, Девкесган ғови мил.авв. V—IV ва IV—III асрлардаги чегара мудрофаа иншооти бўлиб, Хоразм. давлатининг шимоли-ғарбий чегараларини мудрофаа қилиш учун бунёд этилган. I ва II объектларда давлатнинг ҳаётини муҳим чегара заставалари жойлашган

кўринади. II объектда кўмондонлик пункти бўлиб, гарнизон раҳбарлари шу ерда турган бўлишини ҳам истисно этиб бўлмайди. III объектда эса афтидан, кўчманчилар билан товар айирбошлайдиган пункт жойлашган.

Шундай қилиб, Девкесган ғови комплекси Хоразмнинг деҳқончилик воҳасини шимол томондан ҳимоя қилган ҳарбий истехкомларнинг ноёб тизими бўлиб, уни бунёд этиш марказлашган ва қудратли давлатнинггина кўлидан келган /20/.

Султон Увайс тоғидаги Говурқалъа. Султон Увайс тоғи тизмасида, Қорақалпоғистон Республикаси Қораузак тумани худудида жойлашган (67-расм). Қалъа тарҳи трапеция шаклида бўлиб, ўлчами 200x450x400 м (68, а-Афсуски, бизнинг давримизгача ёдгорликнинг фақат шимоли-ғарбий участкаси сақланиб қолган (5, 68, Б,- расмлар). Истехком ичида отиш йўлаги бўлган кўшдевор билан ўраб олинган. Айрим жойларида девор 15 м гача баландликда сақланиб қолган. Ташқи деворнинг қалинлиги — 3,1 м, ичкисиники — 2,20 м, йўлак эни 3,10 (5, 8, 54, - расмлар).

Отиш йўлаги поли сатҳидан 1,10—1,30 м баландликда бир-биридан — 2,30 м масофада биринчи қатор шинаклари жойлашган.

Туйнугининг эни киришда 0,17—0,19 м, баланддиги 0,48—0,50 м, чиқишда тегишлича 0,20—0,25 м ва 1 м га яқин. Шинаклар сомон сувоқ қилинган. Бу шинакларда кизиқ хусусият кузатилади: улар девор ичида ва ташқарисида навбатма-навбат 13—15 см га кўтарилган. Масалан, 4- ва 5-буржлар оралиғидаги девордан жой олган шинаклар кифтининг 4-бурж девори пахса асосига нисбатан баландлиги куйидагича: 1-шинакники 90 см, иккинчисиники — 73, учинчисиники — 84, тўртинчисиники — 71, бешинчисиники — 83, олтинчисиники — 69, еттинчисиники — 83, саккизинчисиники — 69 см. Деворнинг ташқи томонида 1, 3, 5, 7-шинакларнингқуйи чеккаси пахса билан терилган ғишт туташган жойда, 2, 4, 6, 8-шинаклар пахсага 13—15 см кириб борган. Бинобарин, бу ерда шинаклар «олисдан» ва «яқиндан» жанг қилишга мўлжалланиб, шахмат тартибида қўйилган /20/.

Истеҳкомнинг шимолий деворида жойлашган тўртинчи буржда казиш ишлари ўтказилди. 4,10x2,10 м ўлчамли хона очилди (54, а, в-расмлар). У 1⁰ м ли лой ва шағал катламлари билан тўлдирилган. Остонадан 0,80—1 м баландликдаги (эни 1 м ли) эшик ўрни бурж қурилаётган даврдаёққолдирилган (54, с-расм). Хона ичида бирон-бир тирикчилик аломатларига дуч келинмади. 2, 3, 5-буржлар яхлит монолит кўринишига эга. Уларда сақланиб қолган шинакларнинг ҳаммаси сохта.

Олиб борилган текширишлар натижасида қўлга киритилган янги материаллар ёдгорлик ривожланишининг куйидаги схематик тарихини тиклаш имконини беради.

Биринчи давр қалъа девори бунёд этилиши билан боғлиқ бўлиб, илк канхха даврига тўғри келади, унинг санаси биринчи тадқиқот давридаёқтаклиф қилинган эди. Ҳарбий истеҳкомларнинг мил.авв. IV—III асрларга хос элементлари, жумладан, икки қатор найзасимон шинаклар, буржларнинг “қалдирғочдуми” шакли ва бошқалар ҳам бундан гувоҳлик беради. Отиш йўлаклари ичидаги хом ғиштдан қилинган, шинакларни ёпиб кўйган деворга келганда, топилган сопол материаллардан келиб чиқиб уни кушонлар даврига оид, деб ҳисоблаш мумкин (69-расм).

Биздаги маълумотларга кўра, отиш йўлагидан бурж хоналарига ўтиш ақли истеҳкомнинг ҳар бир тарафида ҳар хил бўлган. Чунончи, буржнинг ғарбий деворида хоналар отиш йўлаги куйи қавати билан эски эшик ўрни орқали боғланган бўлса, шимолий девордаги буржларнинг биринчи қаватида хоналар бўлмаган ва улар қалъа деворига боғлабқурилган. Афтидан, бу буржларнинг иккинчи қаватидагина ички хоналар бўлган ва улар отиш йўлаги билан қадимги эшик ўрни орқали боғланган /20/.

III бобга хулоса

Шундай қилиб сайёҳларга турли хил меъморий-тарихий ёдгорликларни тақдим қилар эканмиз, ўз навбатида биз уларга турли хил қулайликларни яратиб беришимиз зарур. Нега деганда, сайёҳатдан, кўрсатилган

хизматлардан коникмаган сайёҳлар, маълумки, сайёҳат объектига ўз кизиқишларини йўқотадилар. Шунинг учун, биз, яъни, сайёҳларни импорт қилувчи мамлакат сифатида, уларда иложи борича яхши таасурот қолдиришимиз зарур.

Юқорида келтириб ўтилган, сайёҳларга тақдим этилган Хива — Ичан қалъа, Қатта Қирққизқалъа шаҳристони, Оқчахонқалъа (Қозоқлиётган) шаҳристони, Девкесган шаҳристони, Аёзқалъа комплекси, Тошхирмон, Катта дурсун, Кичик Қирққизқалъа, Қўрғошинқалъа, Девкесган ғови, Султон Увайс тоғидаги Говурқалъа каби кўхна тарихий меъморий комплекслар маълумки, Хоразм, Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларида, асосий марказ, Хивадан узоқ масофаларда жойлашган. Шундан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, бир куннинг ўзида ушбу комплексларни куриш, улардан баҳраманд бўлиш ҳақиқатдан олис. Комплексларни бафуржа экскурсия қилиш улар тўғрисида маълумотларга, қизиқарли билимларга эга бўлиш учун максимум 4-6 кун керак бўлади.

Сайёҳларга сайёҳат давомида турли хизматлар кўрсатиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Меъморий комплекслар орасидаги масофалар олис. Хоразм иқлимида олис сафарларга чиқиш айниқса, хориждан ташриф буюрган меҳмонлар учун турли хил маршрутларни яратиш мумкин. Шунинг учун Хоразм сайёҳлик имкониятларининг янада гуллаб яшнаши учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Йўлларда сайёҳларнинг турли талаб ва эҳтиёжларини қондирадиган маиший хизмат шахобчалари (дўконлар, овқатланиш муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, телефон тармоқ пунктлари ва ҳ. к.)ни;

- Турли хил мотель, кам сифимли меҳмонхоналар, маҳаллий ижарага бериладиган турар жойларни ташкиллаштириш;

- Сайёҳлик объектлари яқинида турли хил майда дўконлар, туристлар бўш вақтини ўтказадиган кўнгилхушлик тадбирларини ташкиллаштириш.

Умумий хулоса

Ноёб меъросимиз бўлмиш қаъаларни томоша қилиш учун қуйидагича йўналиш таклиф қилиниши мумкин. Йўналишларни уюштиришда хаво йўлларида фойдаланилади. Урганч шаҳрида жойлашган халқаро аэропортдан бошланади. Бу ерда сайёҳлар кутиб олинади ва 40 км. масофада жойлашган Хива шаҳрига автобус орқали олиб борилади. Хива шаҳрида жойлашган, Юнеско томонидан Очик осмон тагидаги музей деб қабул қилинган ва ҳимояланган Ичан қалъа комплексидаги ёдгорликларни томоша қилиш туристларнинг талабига биноан белгиланади. Хива сафари тугагач, автобуслар тарихий қалъаларимиз жойлашган, Беруний шаҳри, кейин Эллик қалъа туманларига йўл олишади. Беруний шаҳрида бобомиз Ал Беруний номига қурилаган музей ва мақбарага борадилар ва бу ерда сайёҳлар қалъаларимиз тўғрисидаги аниқ маълумотлар билан танишадилар. Қалъалар тўғрисидаги маълумотлар Беруний музейида жойлаштирилади. Берунийдан Жустон шаҳрига йўл олишади ва ундаги қурилаган Кемпингда тушлик қилишади ва дам олишади. Кунинг иккинчи ярмида шаҳар атрофида жойлашган Норинжон қалъа, Гулдурсин, Аёз қалъа, Бургут қалъаларини томоша қиладилар. Иккинчи кун тушгача Тупрокқалъа, Қизил қалъа, Оқчаҳон қалъа, Тошхирмон қалъаларини томоша қилишлари мумкин.

Сайёҳлар йўналиши Урганч шаҳри аэропортида ёки Хива шаҳрида тугайди. Сайёҳ бу ердан Бухоро, Самарқанд ва бошқа тарихий шаҳарларда ҳам давом эттирилиши мумкин.

Бу Хоразм сайёҳлиги йўналишларини амалга ошириш учун бир неча муаммоларни бартараф қилишга тўғри келади. Хива шаҳридан Беруний шаҳрига борадиган Амударё кечувидаги кўприкни замонавий кўприк билан алмаштириш (Хозирги вақтда янги кўприк қўрилиши давом этмоқда), Беруний музейининг қурилишини якунлаш ва Бўстон шаҳрида замонавий талабларга тўла жавоб берадиган кемпинг қуриш лозим. Бўстон шаҳри атрофида жойлашган қалъаларга борадиган асосий йўллари таъмирлаш таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда), бу ерда машиналар тўхташ

жойларини ташкил қилиш, сайёҳларнинг қалъаларга боришда туялардан фойдаланиш учун яхшироқ шароит яратилиши лозим.

Бу ўринда нафақат обидалар ва замонавий архитектура билан танишиш, ёдгорликларнинг ўзларини ҳам асраш зарурлигини унутмаслик лозим. Бу масала бўйича махсус гуруҳлар фаолиятини жадаллаштириш, илмий тадқиқотларни кучайтириш ва сайёҳлар миқёсини кенгайтириш, охир пировардида бўм-бўш ётган ерларни халқаро туризм масканига айлантириш, қалъалар жойлашган туманлар иқтисодини ташриф буюраётган сайёҳларни кўпайтириш натижасида туманларнинг молиявий ахволини ҳам мумкин қадар ошириш мумкин бўлар эди (70 расм).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1998 йил 12 январда чиққан "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони.
2. Каримов И.А. Наша цель: свободная и процветающая Родина. Т.2.
3. Каримов И.А., Ўзбекистон келажак буюк давлат.
4. Каримов И. А. Ўзбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т. 1.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 декабрдаги 2000 йилгача бўлган даврда Республика автомобил магистрал йўллардаги автосервислар инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикасида 1996-2000 йилда халқаро туризмни ривожлантиришнинг келажак дастури.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8 август 1998 йил 346 рақамли "Туристтик корхоналарнинг ишини такомиллаштириш тўғрисида" ги қарори.
9. Толстов С.П.Қадимги Хоразм маданиятини излаб.
- 10.Фуломов Я. Хоразм давлатининг суғориш тарихи. - Т.: 1959.
- 11.Мамбетуллаев М.М. История и культура Южного Хорезма античной эпохи (города и поселения). IV в. до н. э.-IVв. н. э. //АДД. Ташкент. 1994.
- 12.Жабборов И. Кўхна харобалар сири.-Т.: 1961.
- 13.Путаченкова Г.А. Материалы к истории Хорезмского зодчества. //МХЭ. 7. М. 1963.
- 14.Булатова В.А. "Ўзбекистон тарихий шаҳарларини ўрганиш".
- 15.Маньковская Л. Булатова В. Памятники зодчества Хорезма. -Т.: 1978.
- 16.Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами.- Т.: 1996.

17. "Ўзбекистон тарихи" 10 синф.
18. Орлов М. А. «Крупные туристические центры» Москва. Стройиздат 1983г.
19. Аллаберганов А., "Халқаро сайёхлик соҳасида мақсадли бозор сегментини танлаш., Бозор, пул ва кредит.," 2000/12-сон. 66-бет.
20. Ходжаниязов Ф. "Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари" Тошкент - "O'ZBEKISTON" 2007 йил.
21. Ш.С.Рейимбаев. Хоразм шаҳарларининг XIX аср охири -XX аср бошларидаги архитектуравий тархий тизими // номзодлик диссертацияси. Тошкент 2005.
22. Матниёзов М. Хоразм тарихи.- Урганч.: 1997.
23. Самандар Э. Минг отликлар диёри. -Т.: 2001.
24. Жабборов И. Кўхна харобалар сири.-Т.: 1961.
25. Якубовский А.Ю. Развалины Ургенча. -Т. 6 в. 2. Л.: 1930.
26. Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. М.: 1950.
27. Фуломов Я. Археология тарих фани хизматида.-Т.: 1976.
28. Аҳмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.-Т.: 1995.
29. Қишлоқ хаёти. // газета. Беруний. № 27 -28.02.03 йил.
30. Бутаков А.И. Несколько страниц из истории Хивы. // ТВ.: №28. 1871.
31. Саваленская Т.Ф. История градостроительного искусства.- М.: 1984.
32. Қурбонбоев Р. Беруний авлодлари.-Нукус: 1998.
33. Абу Райхон ал-Беруний: Китаб ал асар ал-бакия ан ал-курун ал-халия.
34. Ал Макдисий. Ахсан ат
35. Аҳмедов М.К.-, Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.
36. Аҳмедов М.К. Пути формирования средневековых ансамблей Средней Азии и некоторые вопросы включения их в современную застройку, дисс... канд. архитектуры.
37. Бунин А.В., Саваленская Т.Ф. История градостроительного искусства.
38. Вамбери А. Очерки Средней Азии, Дополнение к путешествию в Среднюю Азию.- М: 1868.

39. Всеобщая история архитектуры. Т. VIII, Архитектура стран Средиземноморья, Африки и Азии VI-XIX вв.- М.: 1969.
40. Зохидов П.Ш. О школах зодчества Ўзбекистана (XIX
41. Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в.
42. Иванов П.П. Новые материалы по истории Средней Азии (по поводу открытия архива Хивинских ханов).
43. История Хорезма в древнейших времен до настоящих дней.
44. Лавров В.А. Развитие планировочной структуры исторически сложившихся городов.
45. Материалы по районированию Средней Азии; Территория и население Бухары и Хорезма. - Ч. 1. кн. 1-3. Т.: 1926.
46. Мухамедов Х. Кадимги мудофаа деворлари.- Т.: 1973.
47. Ноткин И.И. Архитектурно - пространственное формообразование исторически сложившихся городов Ўзбекистана. // Дисс...доктор архитектуры. - Т.: 1980. »
48. Пугаченкова Г.А., Ремпель А.И. Выдающиеся памятники архитектуры Ўзбекистана.
49. Пулатов Х.Ш. Архитектура ва шаҳарсозлик тарихи. Урта Осиё архитектураси тарихи.
50. Уралов А.С. Архитектура лечебно-целебных учреждений средневековой Центральной Азии и стран зарубежного мусульманского Востока. Самарқанд: СамГАСИ, 2004.
51. Хасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихи дан.-Т.: 1965.
52. Шажараи турк. -Т.: 1992.
53. Шажараи хоразмшохий. // қўлёзма. 1914.
54. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. III-жилд.-Т.: 2002.
55. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. VI-жилд.-Т.: 2003.
56. Қодирова Т.Ф. Архитектура Советского Ўзбекистана. М.:1987.
57. Қодирова Т.Ф. Пути архитектурного возрождения Ўзбекистана за XX - нач. XXI в. (Традиции и современность). Т. 2007г.

58. [www, google.com](http://www.google.com).